

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ
ЗАҲИРИДДИН МУҲАММАД БОБУР НОМИДАГИ АНДИЖОН ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК ИНСТИТУТИ**

ИМАМОВ РУСТАМЖОН

Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш

Монография

Масъул муҳаррир: ю.ф.н., доцент М.Усмоналиев

Тошкент - 2009

Ушбу монография Заҳриддин Муҳаммад Бобур номидаги Андижон Давлат Университети
Илмий кенгашининг 2009 йил 12-июнь кунидаги № 10 сонли мажлис баённомаси билан
нашрга тавсия қилинган.

Масъул муҳаррир:

М.Усмоналиев, ю.ф.н., доцент

Такризчилар:

Қ.Р.Абдурасулова, ю.ф.д., профессор Тошкент
Давлат юридик институти “Жиноят ҳуқуқи ва
Криминология” кафедраси профессори

М.Х.Жиянов, ю.ф.н., доцент, Наманган Давлат
Университети Ҳуқуқшунослик факультети декани

Мазкур монографияда муаллиф, Р.Имамов жиноят қонунчилигининг долзарб масалаларидан бири бўлган зўрлик ишлатмасдан талон-тароғ қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш муаммоларига бағишланган. Мазкур мавзудан келиб чиқадиган муаммоларни илмий таҳлил қилиш асосида тайёрланган ушбу монография мамлакатимизда изчил давом этаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотларининг долзарб масалаларини ўрганишида муҳим аҳамият касб этади.

Ушбу илмий монография талабалар, илмий тадқиқотчилар, профессор-ўқитувчилар, судлар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимлари ҳамда мазкур муаммо билан қизиқадиган кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

© **Р.Имамов, 2009 й.**

©

Мундарижа

Кириш

3

I-Боб. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш масалалари 11

1.1. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашнинг умумий асослари 11

1.2. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашнинг либераллаштириш муаммолари 23

II-Боб. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларнинг муайян турлари учун жазо тайинлаш масалалари 39

2.1. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятининг оддий турлари учун жазо тайинлаш 39

2.2. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларининг мураккаб турлари учун жазо тайинлаш 50

2.3. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларининг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари учун жазо тайинлаш 65

III-Боб. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларини олдини олишнинг жиноят-ҳуқуқий муаммолари 89

3.1. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларини содир ошириш шарт-шароитлари 89

3.2. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларини содир этилишининг олдини олиш чора-тадбирлари (профилактикаси) муаммолари 109

Хулоса

120

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

131

Кириш

XXI аснинг бошланиши Ўзбекистон Республикасининг мустақил ривожланиш жараёнида янги даврни бошлаб берди. Мамлакатимиз ҳаётида ялпи янгиланиш босқичи амал қила бошлади. Давлат бошқарувини янгिलाш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация ва ислоҳ этиш йўлида жиддий ишлар амалга оширилди.

Ҳозирги замон жиноят сиёсатида ҳам жиддий ўзгаришлар юз бермоқда. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқининг ривожланиш босқичида криминал сиёсатни қандай қилиб индивидуаллаштириш ва инсонпарварлик хусусиятини ривожлантириш муҳим вазифа бўлиб турганлигини хориж давлатларини олимлари ҳам таъкидламоқдалар”¹.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимдаги “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир”, - номли маърузасида².

“Юртимизда олиб борилаётган ислохотларни янада чуқурлаштириш ва давом эттириш мақсадида амалда ўзининг оқлаган босқичма-босқич ривожлантириш йўлидан изчил бориб, ислохотларнинг бир босқичи охирига етиши билан уларни янги босқичга кўтариш заруратини таъкидлаш лозимлигини таъкидлади”, - деган эди.

Маълумки, 2000 йил июн ойида жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий ислохотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастури қабул қилинди. Ана шу дастурга мувофиқ равишда суд-ҳуқуқ тизимини ҳам либераллаштириш давр талаби бўлиб қолганлиги баён қилинди. Иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 2001 йил 29 августдаги олтинчи сессияси Ўзбекистоннинг суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришда тўб бурилиш ясади. Жиноят учун жазо тайинлашда, либераллаштириш сиёсатига ўтилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ғоят муҳим бўлган жиддий қўшимча ва ўзгартиришлар киритилди. 2008 йил 1 январдан ўлим жазоси Жиноят кодексидан тамоман чиқариб юборилди. Ўрнига умрбод озодликдан маҳрум қилиш ёки узоқ муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари Жиноят кодексига киритилди. Жиноятларни тасифлашнинг янги қоидага ўтиб ўзгартирилди. Кўплаб ўта оғир жиноятлар туркумига, оғир жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кирувчи жиноятлар, унча оғир

¹ Қаранг: Уголовное право. Курс лекции. Общая часть. №15. –М.: изд-во “Группа ИНФРА-М-НОРМА, 1997. – С.4.

² Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б.9

бўлмаган жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига ўтказилди. Бунинг натижасида жиноят учун тайинланадиган жазоларда ҳам либераллаштириш йўлида жиддий ўзгаришлар юз берди. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш мумкин бўлган жиноятлар қисқарди.

Президентимиз И.А.Каримов иккинчи чақириқ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг олтинчи сессиясида “Адолат–қонун устуворлигида” мавзусида қилган маърузасида “Энг аввало, жазонинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларини кучайишини ва амалда қўлланишини таъминлашимиз зарур”, деб таъкидлаганди¹. Шунга мувофиқ равишда озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш жиддий қисқарди. Бу ҳақда Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли қарорида ҳам алоҳида қайд қилинди. Ушбу Пленум қарорининг 26-бандида “Озодликдан маҳрум қилиш тариқасида одатда, оғир ва ўта оғир жиноятлар содир этган шахсларга, алоҳида ҳолларда эса, судланувчининг шахсини инобатга олган ҳолда – ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятларни содир қилган шахсларга нисбатан, агар бундай шахсларни жамиятдан ажратмаган ҳолда ахлоқан узатишнинг имкони бўлмаса, қўлланади. Ушбу жазо турини қўллаш сабабларини ҳукмда асослантирилиши шарт”, - деб тушунтириш берилди².

Агарда, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ўн йиллиги даврида, жиноятчиликка қарши кураш масаласи ғоят кескин қўйилган вақтда жиноят учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга мойиллик кучлироқ бўлганлиги туфайли бу жазо тайинлаш айрим судларда 70%ни ташкил қилганди. Бунинг натижасида озодликдан маҳрум қилиш жазосини ижро этувчи муассасаларнинг қуввати етарли бўлмаганлиги туфайли маҳкумларни тарбиялаш воситаларини тўла ва етарли даражада амалга оширишнинг имкониятлари ҳам камайган эди. Лекин мамлакатимизда ислохотларнинг босқичма-босқич амалга оширишни қатъиятлик билан олиб борилганлиги туфайли, бозор иқтисодиёти тизимини барпо этиш, ҳукукий демократик давлатнинг ижтимоий муносабатларини шакллантириш йўлида жиддий ютуқларга эришилди ва Ўзбекистон ўз ривожланишининг янги босқичига ўтди. Ўтиш даврининг ўша мураккаб йилларида Президентимиз И.А.Каримов XXI асрнинг дастлабки йилларида “Мамлакатимизнинг ривожланиш стратегияси, ислохотларни чуқурлаштиришнинг устувор йўналишларидан бири мамлакат

¹ Каримов И.А. Адолат – қонун устуворлигида. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Тошкент: Ўзбекистон, 2002. –Б.33

² Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 1991-2006 йиллар. -Тошкент: Адолат, 2006. –Б.232-233

сиёсий, иқтисодий ҳаётини, давлат ва жамият қурилишини янада либераллаштиришдир¹”, деб кўрсатиб берди. Жамиятда либераллаштириш сиёсати бевосита суд-ҳуқуқ тизимига бевосита тегишли бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Иккинчи чақириқ олтинчи сессияси Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришда туб бурилиш ясади. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига қўплаб қўшимча ва ўзгартиришлар киритила бошланди. Шундан кейин озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш жиддий камайди. Бундай ҳолат энг аввало Президентимиз И.А.Каримов бошлаб берган суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг натижаси бўлди.

Ҳозирги даврда жаҳон молиявий инқирози юз бераётган бир шароитда мамлакатимиз раҳбарияти томонидан амалга оширилаётган ислохотлар туфайли Ўзбекистон барқарор иқтисодий ривожланиш сақланиб қолмоқда.

Мамлакат раҳбари И.А.Каримов, ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида, “Бугунги кунда мамлакатимизни, аввало, иқтисодиётимизни ислоҳ этиш, эркинлаштириш ва модернизация қилиш, унинг таркибий тузилишни диверсификация қилиш борасида амалга оширилаётган сиёсат бизни инқирозлар ва бошқа таҳдидларнинг салбий таъсиридан ҳимоя қиладиган кучли тўсиқ, айтиш мумкинки, мустаҳкам ва ишончли ҳимоя воситасини яратди”, - деб ёзади².

Суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш соҳасида ислохотлар бошланганидан кейин озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш, барча тайинланган жазоларнинг ўртача 20-25 %ини ташкил қила бошлади.

Ўзбекистоннинг жиноят ҳуқуқи тарихида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш (66¹-модда) институтининг киритилиши ва ўлим жазосини жиноий жазо сифатида жиноят қонунидан бутунлай чиқариб юборилиши Ўзбекистонда олиб борилган жазо сиёсати ва либераллаштиришнинг катта ютуғи бўлди.

Амалдаги Жиноят кодекси Махсус қисмининг Х-бобида ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш учун жавобгарлик масалалари назарда тутилган. Мазкур жиноятларга босқинчилик (164-модда), товламачилик (165-модда), талончилик (166-модда), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (167-модда), фирибгарлик (168-модда), ўғрилик (169-модда)лар киритилган.

¹ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. -Т.: Ўзбекистон, 1999. –Б.15

² Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –Б.31

Мазкур монографияда, эса фақат ўзгалар мулкани зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш муаммоларини ўрганишга бағишланган бўлиб, унда талончиликнинг оддий тури (166-модданинг 1-қисми), ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш (167-модда), фирибгарлик (168-модда), ўғрилик (169-модда) жиноятлари учун жазо тайинлаш масалаларини ёртиб беришга ҳаракат қилинади.

Агарда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бошлангунга қадар юқорида таъкидлаганимиздек жиноят учун асосан озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўпроқ тайинланган бўлса, либераллаштириш бошлангандан кейин жазо тайинлаш сиёсатини амалда татбиқ қилишда қандай ўзгаришлар юз берди? Судларнинг бу борадаги жазо тайинлаш амалиёти қандай бўлмоқда? Жазо тайинлашдаги жиддий ўзгаришлар жиноятчиликнинг ҳолатига қандай таъсир кўрсатмоқда? Жазо тайинлашдаги ўзгаришлар жиноятчиликнинг камайишига олиб келмоқдами? Ёки, жиноятчилик кўпаймоқдами? Жазони либераллаштиришнинг сиёсий ва ижтимоий аҳамияти нимада деган масалаларни ўрганиб бу муаммоларни ечими нимада эканлиги аниқлашликка ҳаракат қилиниб тадқиқ қилинди.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятлари, мулкни талон-тарож қилиш жиноятларини катта қисмини ташкил қилмоқда. Айниқса, 167-модданинг 1-қисми (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилишнинг оддий тури) учун, 168-модданинг 1-қисми (фирибгарликнинг оддий тури) учун, 169-модданинг 1-қисми (ўғриликнинг оддий тури) учун ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўллаш бошланганидан кейин мазкур жиноятлар учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиш долзарб вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Жиноят учун жазо тайинлаш масаласи барча замонларда ва барча давлатларда олимлар диққатини жалб қилиб келган ва бу масалада кўплаб китоблар ёзилган ва тадқиқот ишлари олиб борилган. Ўзбекистонда жазо тайинлаш муаммолари бир қатор олимлар ва мутахассислар томонидан муайян жиноятлар учун жазо тайинлашнинг айрим жиҳатлари турли адабиётларда ёритиб берилган. Жумладан, Абдурасулова Қ.Р., Абдиқодиров Ш.Ё, Ахроров Б.Ж., Бакунов П.Б., Жиянов М.Х., Зарипов С.З., Зокиров О.Ғ., Каракетов Й.М.Қобулов Р.Қ., Муқимова М.З., Ниязова С.Ш., Норбўтаев Э.К., Пайзуллаев Қ.П., Рустамбоев М.Х., Тохиров Ф.Т., Тожиев Э.А., Усмоналиев М., Якубов А.С., Собиров И.М., Ражабова М.А., Умидуллаев Ш.У., Қодиров А., Жиянов М.Х., Бакунов П., Муқимова М.З. ва бошқалар ўзларининг турли адабиётларини жиноят ҳуқуқининг турли масалаларига бағишлаган¹. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг қатор

¹ Мазкур муаллифларнинг ишлари диссертациянинг фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхатида берилмоқда.

олимлари, чунончи: Алексеев С.С., Горешек А.С., Дюнов В.К., Зубков В.И., Карпец И.И., Квашиш В.В., Кригер Г.А., Кудрявцев В.Н., Лисов И.И., Ляпунов Ю.И., Ророг А.И., Шаргородский М.Д., Сыдикова Л., Цветинович А.Л., Ююшкина М.В. ва бошқа қатор олимлар жиноий жазо ва уни тайинлаш масалаларининг турли жиҳатларини тадқиқ қилганлар¹.

Ўзгалар мулкани талон-тарож жиноятлари учун қонунда бир қатор жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш тўғрисида ҳуқуқий нормалар бўлишига қарамай, бундай жиноятларни содир этилишини олдини олишда оз бўлса-да, муайян ютуқларга эришилганига қарамадан, бундай жиноятларни ҳолати ва даражаси бирмунча юқорилигича қолмоқда.

Мазкур мавзунинг илмий янгилиги зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятлари учун жиноят қонунчилигини либераллаштириш шароитида жазо тайинлашнинг назарий ва амалий масалаларини комплекс равишда ўрганилганлиги ва ўзига хос хусусиятларини ёритиб берилганлигида ифодаланилади.

Монографияда статистик ва қиёсий таҳлил қилиш усуллари орқали талончиликнинг оддий тури, ўзлаштириш ва растрата қилиш, фирибгарлик ва ўғрилиқ жиноятлари учун жазо тайинлаш масалалари таҳлил қилиниб, бу борадаги муаммолар ўрганилди.

I-БОБ. ЗЎРЛИК ИШЛАТМАСДАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

1.1. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашнинг умумий асослари

Президентимиз И.А.Каримов ўзининг Ўзбекистон Республикаси XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари асарида “Қанчалик қайғули туюлмасин, жиноятчилик ҳамма мамлакатларда ва ҳамма даврларда бўлган. Бироқ, ўтиш даврида унинг мазмуни фақат жиноий қилмиш доираси билангина чекланиб қолмайди. Янги мустақил давлатларда амалга оширилаётган ислоҳотлар орқали амалда мулкни қайта тақсимлаш жараёни юз бермоқда. Айни шу ҳол ислоҳотларнинг моҳиятини белгилайди. Аввалги тузумда давлат томонидан тортиб олинган бойлик эндиликда уни яратган ва ўз меҳнати билан кўпайтираётганларга тегишли бўлиши лозим. қайта тақсимлашнинг моҳияти шундадир”², - деб ёзган эди.

¹ Номлари келтирилган муаллифларнинг асарлари бўйича батафсил маълумотлар учун фойдаланилган адабиётлар рўйхатига қаранг.

² Каримов И.А. Ўзбекистон Республикаси XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б.86

Инсоният тарихида Жиноят деган салбий ижтимоий ходисага қарши ҳар доим ҳамма халқларда ва давлатларда кескин курашиб келинган. Ушбу ижтимоий салбий ходисага қарши кураш Ўзбекистон Республикасининг долзарб вазифаларидан бири бўлиб келган.

Биз шунингдек таниқли олим, М. Рустамбоевнинг “Жазонинг ижтимоий-сиёсий моҳияти давлатнинг жиноятчиликка қарши кураш сиёсатига, мазкур сиёсат эса, жамиятдаги ҳуқуқий мафкура, сиёсий, иқтисодий, маданий, ахлоқий ва бошқа нуфузли қарашларга ва тасаввурларга боғлиқдир”¹- деган фикрига тўла қўшиламыз.

Асоссиз равишда оғир жазони тайинлаш эса, субъектда адолатсизликдан норозилик, адолат ва қонунга ишончсизлик хиссини вужудга келтиради. Бундай ҳолат ҳам жазонинг мақсадига эришишига тўсиқ бўлиб қолади², деган фикр ҳам мақсадга мувофиқдир.

Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки 10 йиллигида Мамлакат мустақиллиги, ҳудудий яхлитлиги аҳоли осойишталигини таъминлаш мақсадида жиноятчиликка қарши кураш ишида ғоят кескин чораларни кўришни тақозо қилинди. Ўтишнинг ана шундай мураккаб бир даврида жиноятчиликка қарши кураш ишида жиноий жазолардан ҳам мақсад йўлида самарали фойдаланилди. Шунга кўра, бу даврда оғирроқ жазо чораларини тайинланишига мойиллик кучлироқ бўлди. Кўрилган кескин чоралар ва бозор иқтисодиётининг ижтимоий муносабатларини ривожлантириши натижасида жиноятчиликнинг ўсишини бирмунча тўхтатишга ва айрим турдаги жиноятларни содир этилишини камайтиришга эришилди.

Мамлакатимиз мустақилликка эришган пайтдан бошланган суд-ҳуқуқ ислохотларининг натижалари, ҳозирги пайтга келиб жамиятимизда судланганлик ҳолатининг камайиб бораётганлиги бугунги кунда, ҳар бир фуқаромиз учун тушунарлидир. Бу бўйича айрим ўтган йилларга мурожаат қилинса статистик рақамлар ҳам кўрсатади.

Аммо, мамлакатимизда суд-ҳуқуқ ислохотлари жадаллашиб бораётган бир пайтда Жиноят кодексининг 167-, 168-, 169-моддаларида назарда тутилган жиноятларда жиддий камайиш юз бермаган, айрим йиллари эса, ўзгалар мулкани зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларида оз бўлсада ўсиш юз берган. Буни Ўзбекистон Республикаси статистика бошқармасининг маълумотлари кўриш мумкин. Жумладан, 2003 йили 167-моддада назарда тутилган жиноятлар 3798та, 2004 йили- 4170та, 2005 йили – 3818 та, 2006 йили – 3926та, 2007 йили эса, 4055та содир этилганлиги рўйхатга олинган.

¹ Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). –Т.: ИLM ZIYO, 2005. –Б.336-337

² Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари. –Т.: Адолат, 2007. –Б.12

168-моддада (фирибгарлик) назарда тутилган жиноятлар 2003 йилда – 3725та; 2004 йилда – 3423та; 2005 йилда – 3350та; 2006 йилда – 3674та; 2007 йилда эса, 4150 та рўйхатга олинган.

169-моддада (ўғрилиқ) назарда тутилган жиноятлар эса, 2003 йилда – 19204та, 2004 йилда – 16750та, 2005 йилда – 16155та, 2006 йилда – 1446та, 2007 йилда – 12769 та содир этилган.

Бу рақамлардан кўриниб турибдики, ўзгалар мулкани талон-тарож қилишнинг айрим турларида камайиш юз бермаган. Жумладан, 2003 йилда ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятлари – 3798 та рўйхатга олинган бўлса, 2007 йилда эса, 4055та рўйхатга олинган.

Президентимиз И.А.Каримов, “Энг асосий мезон ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш номли рисоласида, “... Ўзбекистонга нисбатан муайян мафкуравий информацион воситалардан усталик билан фойдаланган ҳолда таъсир ўтказиш, ҳали дунёқараши тўлиқ шаклланмаган ўғил, қизларимиз учун мутлақо бегона ва зарарли бўлган қараршларни сингдириш орқали маънавий илдиз ва томирларимиздан жудо қилишдек, ғаразли интилишлар яширингани бугун тобора аён бўлмоқда”, - деб таъкидлаган¹.

Жиноятчиликка қарши курашда фақат қаттиқ жазо чоралари орқали кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди. Шунинг ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда жиноятчиликка қарши кураш иши бутун бир дастур асосида кенг доирадаги ижтимоий-ҳуқуқий чоралар орқали олиб борилмоқда.

Юридик адабиётларда жазо тизими, турлари ва жазо тайинлашнинг умумий қоидалари кенг ва батафсил ёритилган бўлса-да, аммо, алоҳида турдаги жиноятлар учун жазо тайинлаш масалалари етарли даражада тадқиқ қилинмаган. Тўғри, айрим турдаги жиноятлар ва алоҳида жиноятларнинг жиноят таркиби ҳамда уларни таҳлил қилиш соҳасида катта муваффақиятларга эришилган. Яъни, жазо тўғрисидаги назарий ва амалий масалалар маълум даражада анча батафсил ўрганилган. Бунга кўплаб дарсликлар, қонунга берилган шарҳлар, монографиялар ва бошқа Жиноят қонуни Махсус қисмининг нормаларини таҳлил қилишга бағишланган асарларни келтириш мумкин. Шу билан бирга, мамлакатимизда жазо тайинлаш институти муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотлар бугунги кунда долзарб аҳамият касб этмоқда. Аммо, шу билан бирга, ушбу тадқиқотларда зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилганлик учун жазо тайинлаш муаммолари коллекс ҳолатда (жамланган) ўрганилмаган.

¹ Каримов И. Энг асосий мезон – ҳаёт ҳақиқатини акс эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2009. – Б.6-7 (23 бет)

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигига эришгандан кейин инсонни барча ҳуқуқлардан маҳрум қиладиган инсонга маънавий ва жисмоний азоб берадиган, репрессив хусусиятга эга бўлган жазони ижро этиш усулларида тамоман воз кечиб, янги жазо турлари ва ижро этиш тартибини жорий қилдикки, шубҳасиз бундай ҳолат Ўзбекистоннинг демократик ҳуқуқий давлат қуриш ва фуқаролик жамиятни шакллантириш йўлида оғишмай ривожланаётганлигини кўрсатади.

Маълумки, жиноят учун жазо тайинлаш фақат судларга тегишлидир. Шунга кўра, жазо тайинлаш суд фаолиятининг энг маъсулиятли қисми ҳисобланади. Бу ҳолат эса жазо тайинлаш босқичида суднинг адолатли жазо тайинлаши кўп масалани ҳал қилади ва мамлакатда жазо сиёсатининг қай даражада амалда татбиқ этилаётганлигини кўрсатиб туради.

Осло университети профессорлари Н.Кристи, “Ҳар қандай жиноий жазонинг моҳиятини англаш керак. Ҳар қандай жазода, мусибат, чеклашлар, маҳрум қилишлар мужассамлашган бўлади”¹, деб ёзган эди. Ушбу фикрга қўшилган ҳолда, бизнинг фикримизча ҳам суд ҳар қандай жиноят учун жазо тайинлашда тайинланаётган жазонинг моҳиятини, жазонинг мақсадига эриши йўлидаги самарадорлигини жазоланувчига нисбатан қандай даражада мусибат (ноҳушлик) келтиришини, чекланиш ва маҳрум бўлиш даражасини англаши ва шунга мувофиқ жазо тури, унинг чегараси (миқдорини), оқибатларини англаши керак.

Бундай ҳолат: Биринчидан- содир этилган жиноят учун иш ҳолатларига қараб тўғри жазо тайинлашда жиноят қонунининг адолатлилиқ принципи амалда намоён бўлади; иккинчидан - адолатли жазо тайинлаш – одил судловнинг қай даражада амалга оширилаётганлигини билдириб турувчи мезон ҳисобланади; учинчидан- адолатли жазо тайинлаш – жиноят содир қилган шахснинг ўз қилмишига яраша жазосини олганлик хиссини ҳам уйғотади; тўртинчидан- айнан, ана шундай хиснинг пайдо бўлиши жазо мақсадининг дастлабки ва энг муҳим ютуғи ҳисобланади. Қонуннинг айбдор шахсни ҳисобга олиб, жазони индивидуаллаштириши тўғрисидаги талаби, жиноят содир қилган шахсга ҳуқуқий, ижтимоий- руҳий ва руҳий-жисмоний жиҳатдан баҳо беришни назарда тутади².

Биз тадқиқ этаётган мавзу, барча жиноятлар учун жазо тайинлашни ўрганмай, фақат зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашни тадқиқ қилишга бағишланган бўлиб, суд бу жиноятлар учун жазо тайинлашда жиноят қонунида белгиланган жазо тайинлашнинг умумий асосларига риоя қилиши керак.

¹ Кристи Н. Пределы наказания. Перевод с английского на русский язык. В.М.Коган. –М.: Прогресс, 1985. –С.9.

² Джекебоев У.С., Судакова Р.Н. и др. Криминологические и уголовно-правовые проблемы. Алма-Ата: Наука, 1983. –С.103

Жиноят қонунида жазо тайинлашнинг умумий асосларини белгиланиши ғоят муҳим аҳамиятга эга бўлиб, аввало Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг принципларига (ЖКнинг 3-10 моддалари) риоя қилинган ҳолда жазо тайинлаш имконини беради, ҳамда судларнинг субъектив жазо тайинлашидан холи қилади.

Айрим ривожланган замонавий давлатларнинг жиноят қонунларида жазо тайинлашнинг умумий асосларини (масалан, Англия, ГФР ва бошқа давлатларда) белгиланмаганлигига ва Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунининг ўзида бундай асосларнинг белгиланганлиги жиноят қонунининг инсонпарварлик, демократик принципларини намуна бўла оладиган даражада эканлигини кўрсатади.

Судлар Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 166-моддасининг 1-қисми, 167-, 168-, 169-моддалари бўйича жазо тайинлашда жиноят қонунда белгиланган жазо тайинлашнинг умумий асосларига тўла риоя қилган ҳолда жазо тайинлашларини тақозо этади.

Жазо тайинлашда судлар содир этилган жиноятнинг моддий ёки формал таркибий жиноят эканлигига ҳам аҳамият беришлари керак. А.Қодировнинг ёзишича, “Формал жиноятларда жиноий жавобгарликнинг асослари ижтимоий хавфли қилмишни айбли содир қилиш ҳисобланса, моддий жиноятларда айбли зарар етказиш ҳам жиноий жавобгарликнинг асоси ҳисобланади”¹. Биз бу фикрга қўшилган ҳолда, унга моддий жиноятларда айбли зарар етказиш ёки зарар етказиш мумкинлиги, деб қўшимча қилишни мақсадга мувофиқ деб, ҳисоблаймиз.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари Ўзбекистон Республикаси ЖКсининг 54-моддасида белгиланган бўлиб, “Жиноят содир этишда қонунда белгиланган тартибда айбли деб топилган шахс жазога тортилади. Суд ушбу Кодекснинг Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди”, - дейилади. Ушбу модданинг 2-қисмида белгиланишига кўра, суд жиноят учун жазо тайинлашда қуйидаги ҳолатларни ҳисобга олади, яъни:

- 1 -содир этилган жиноятнинг хусусияти;
- 2- жиноятнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини;
- 3- содир этилган жиноятнинг сабабини;
- 4- етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини;
- 5- жиноят содир этишда айбланаётганнинг шахсини;

¹ Қодиров А. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. –Т.: Адолат, 1998. –Б.6.

6- жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини.

Жиноят қонунида белгиланган ҳолатлар бевосита Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тўла мувофиқ бўлиб, Конституциянинг 26-моддасида ёзиб қўйилган. “Жиноят содир этганликда айбланаётган ҳар бир шахснинг иши судда қонуний тартибда, ошкора кўриб чиқилиб, унинг айби аниқланмагунча у айбдор ҳисобланмайди. Судда айбланаётган шахсга ўзини ҳимоя қилиши учун барча шароитлар таъминлаб берилади”- дейилади.

Жазо тайинлашнинг умумий асосларини қўллаш бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарорининг 2-бандида “Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўлланиши шартлигини англатмайди.

Шу туфайли судлар, ижтимоий хавфи катта бўлмаган, ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятни очилишида фаол ёрдам берган, етказилган зиённи қоплаган шахсларни Жиноят кодексининг 65-, 66¹-, 70-, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим”, -деб раҳбарий кўрсатма беради.

Назаримизда Пленум қарорининг бу тушунтириши жазо тайинлашнинг умумий асосларини ифода қилмай мавжуд қонунларни қисқача такрорлашдан иборат, холос.

Жазо тайинлашнинг умумий асослари тўғрисида тушунтириш берилар экан, энг аввало қонунни қайтариш эмас, балки жазо тайинлашнинг назарий асослари тушунтирилиши керак.

Шунга кўра, бизнинг фикримизча, ушбу Пленум қарорининг 2-бандини қуйидаги таҳрирда ифода қилиш мақсадга мувофиқ бўлади:

“Судлар жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддаси талабларига тўла риоя қилган ҳолда жазо тайинлашлари керак.

Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, жиноят учун албатта жазо тайинлаши шарт эканлигини билдирмайди.

Судлар муайян жиноят учун жазо тайинлашда энг аввало жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш асослари бор ёки йўқлигини текшириб кўришлари керак. Бунга асослар бўлмасагина, ишдаги ҳолатларга қараб, жазо тури, миқдори ва муддатини белгилайдилар.

Бунда қилмиш квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган жазолардан енгилроғини тайинлаш мумкин эмас, деган хулосага келсалардагина оғирроқ турдаги жазоларни тайинлайдилар”-деб ўзгартирилса;

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасида назарда тутилган ҳолатларни ҳисобга олиб жазо тайинлаш Жиноят кодексининг 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсадига эришишнинг муҳим шарти ҳисобланади. Чунки, ҳар қандай тайинланган жазо қонунда (ЖКнинг 42-моддаси) белгиланган мақсадга эришишга қаратилади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 42-моддаси 2-қисмига жазонинг мақсади белгиланган бўлиб, бизнинг фикримизча, ушбу нормаларда ҳам бироз ноаниқлик борлигини кўрамыз.

Унда шундай деб ёзилган, “Жазо маҳкумнинг ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум шунингдек, бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилади” – дейилади. Ушбу норманинг мазмунига кўра, ҳеч қандай жиноят содир этмаган шахслар томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олиш мақсад қилинади.

Шуни ҳисобга олиб Жиноят кодексининг 42-моддасининг 2-қисмини қуйидаги тахрирда берилишини таклиф қиламиз:

“Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш уни жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш, маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишини, ҳамда бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида қўлланилади¹-деб ўзгартирилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Айрим ривожланган давлатларнинг жиноят қонунларида жазонинг мақсади назарда тутилмайди. Чунки, бу давлатларнинг ҳуқуқшунос олимлари жазонинг асосий мақсади жиноят учун жазолаш, адолатни қарор топтириш, қўрқитиш, жиноятчини тузатиш ва жиноятдан ҳимоя қилишдан иборат деб, ҳисоблайдилар².

Франция жиноят ҳуқуқида эса, жазонинг мақсади қасос (ўч) олиш, қўрқитиш, жиноятни умумий ва махсус олдини олиш, шахсни ахлоқан тузатиш³-деб ҳисобланади.

¹ Шундай таклиф, М.Усмоналиев томонидан 2005 йили нашр қилинган Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм) дарслигида ҳам айтилган эди. Лекин ундан бери, Жиноят кодексига бир неча маротаба ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлсада, қонунда ушбу таклиф ўз аксини топмади. Батафсил маълумотлар учун қаранг: Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). –Тошкент, Янги аср авлоди, 2005. –Б.376

² Қаранг: Преступление и наказание в Англии, США, Франции, ФРГ, Японии. Общая часть Уголовного права. – М.: Юридическая литература, 1991. –С.40

³ Там же. –С.78

Ўзбекистон Республикасида эса, белгиланган жазонинг мақсади жиноят содир қилган шахс манфаатини ҳам, жамият манфаатларини ҳам энг адолатли тарзда ҳимоя қилишга қаратилган.

Бундай қоидалар бошқа ривожланган давлатларнинг жиноят ҳуқуқига хосдир. Ўзбекистон Республикаси ва Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига қарашли мамлакатлар жиноят кодексларида жазонинг мақсадини берилиши бу масалада ҳам бир қарра илғор эканлигимизни билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралда қабул қилинган “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарорининг кириш қисмида ҳам Жиноят кодексининг 42-моддасининг 2-қисмида йўл қўйилган хатолик кўчириб ёзилиб, тушунтириш берилган. Бизнинг фикримизча, Пленум қарорининг кириш қисмидаги 2-абзацининг чиқариб ташланиши керак, чунки, бу ерда қонун нормасини такрорланганлиги кўрилади.

Тадқиқот жараёнида судлар томонидан Жиноят кодекси 166-моддасининг 1-қисми, 167-, 168-, 169-моддалари бўйича 2000-2008 йиллар мобайнида Ўзбекистон судларида қўрилган **700га** яқин жиноят ишларини кўриб чиқиб, 54-модданинг талабларини судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида бажараётганлик ҳолатлари ўрганиб чиқилди. Судлар ушбу талабларни бажаришга етарли эътибор қаратаётган бўлсалар-да, айрим судлар томонидан жазо тайинлаш вақтида 54-модда талабларига тўла риоя қилинмаётганлигини учратдик.

Бундай ҳолат бўйича қуйидаги суд ҳукмини мисол тариқасида келтирамиз.

1982 йилда туғилган “Н” исмли шахс 2006 йил 8 феврал куни Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддасининг 3-қисми “а”-банди билан ҳукм қилиниб, 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига тайинланган. “Н” ўзининг 24 ёшгача бўлган вақт мобайнида Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми билан уч марта жиноят содир қилиб, жиноятлари учун жазо ўтаб чиққан. Яъни:- 2001 йил 26 декабр куни Жиноят кодексининг 169-моддасининг 3-қисмини “а”-банди билан айбланиб, озодликдан маҳрум қилинган. Жазони ўташ даврида 2002 йил 3 декабр кунги Амнистия тўғрисидаги фармонга биноан жазодан озод қилинган. 2003 йил яна ўғрилиқ қилганлиги учун Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” ва “в” бандлари билан 5 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга, 2004 йил 18 октябр куни суднинг ажрими билан Жиноят кодексининг 74-моддаси асосида ўталмай қолган 3 йил 4 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси аҳлоқ тузатиш

ишлари билан алмаштирилган. 2005 йил 3 октябр куни яна Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилган¹.

“Н”га нисбатан олдинги жиноятлари учун жиноят қонунининг инсонпарварлик принциплари ҳисобланган имтиёзларни қўллаб, жазо тайинланган бўлсада, у ўзига тегишли хулоса чиқармаган. Судлар унинг учинчи марта судланаётганлигида жазо тайинлашда иккита хатога йўл қўйганлар. Суднинг биринчи хатоси шундан иборатки, 2004 йил 18 октябрдаги ажрими билан озодликдан маҳрум қилишнинг 3 йилу 4 ойини, шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирган. Ваҳоланки, ҳар қандай ҳолда ҳам ахлоқ тузатиш ишларини энг кўп муддати 3 йилдан ошмаслиги керак.

Бундан ташқари Жиноят кодексининг 74-моддасига 2003 йил 12 декабрда ўзгартиришлар киритилиб, “Озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазонинг ўталмай қолган қисми ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилганда ахлоқ тузатиш ишлари озодликдан маҳрум қилиш жазосининг ўталмаган қисми муддатига тайинланади”, - дейилади. Суд энгилроқ жазо билан алмаштириш қоидаларига тўла риоя қилмаган.

Иккинчидан, суд жазони энгиллаштириш учун бирон-бир асос бўлмагани ҳолда айбдорга жазо тайинлашда Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисми санкциясида назарда тутилган энг кам жазо муддатини (5 йил) тайинлаган. Тўғри тайинланган жазо муддатининг кўп ёки озлиги айрим шахслар учун унча аҳамиятли бўлмаса-да, аммо қонун талабларига риоя қилган ҳолда жазо тайинлаш адолат принципларига риоя қилишнинг муҳим шартидир.

Судлар жиноят учун жазо тайинлашдан олдин қилмишнинг тўғри квалификация қилинганига биринчи даражали аҳамият беришлари керак. Қилмишни қонун талабларига мувофиқ равишда квалификация қилиниши, одил судловни амалга оширишнинг муҳим шarti ҳисобланади².

Судлар жиноят учун жазо тайинлашда Жиноят кодексининг 54-моддасида назарда тутилган ҳолатлар ҳақида алоҳида статистик маълумотлар олиб борилмайди ва олиб боришнинг иложи ҳам йўқ.

Айниқса жиноят қонунини либераллаштирилиши туфайли жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига кўра тасифлашнинг (Жиноят кодекси 15-моддаси) амалдаги қоидалари қабул қилинганидан кейин Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддаларининг ўзида, судлар жазо тайинлашнинг вақтида ҳисобга олишлари керак бўлган ҳолатларининг айримлари шу норманинг таркибига киритилганлиги муносабати билан Жиноят кодексининг 55-моддаси (жазони энгиллаштирувчи ҳолатлар) ёки 56-моддаси (жазони оғирлаштирувчи

¹ Андижон вилоятининг Жиноят ишлари бўйича Балиқчи туман судининг 2005 йилдаги архивидан.

² Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. -Т.: Янги аср авлоди, 2003. –Б.6.

ҳолатлар) қоидаларига мурожаат қилиб жазо тайинлаш зарурати қолмайди. Талончилик, ўзлаштириш ёки растрата, фирибгарлик, ўғрилик жиноятлари учун жавобгарликни белгиловчи нормалар ҳам, ана шундай ўзгартириш ва қўшимчалардан мустасно бўлмади¹.

Жумладан, уй-жой омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб ўғрилик қилинганлиги учун Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисми “б”-бандида жавобгарлик белгиланган бўлса, 2001 йил 29 августдаги Қонуни билан шундай жиноят учун жавобгарлик шу модданинг 2-қисмининг “г”-бандига ўтказилди. Уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний кириб ўғрилик қилганлик учун, ушбу ўзгартиришгача фақат озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш мумкин бўлган бўлса, ўзгартириш киритилганидан кейин бундай жиноят учун жарима ёки аҳлоқ тузатиш ишлари тайинлаш мумкин бўлди.

Қонунда жазо тайинлашнинг умумий қоидалари белгиланган экан (54-модда), судлар жазо тайинлашда ҳисобга олиши керак бўлган ҳолатларнинг айримлари алоҳида норма тариқасида қонуннинг ўзида назарда тутилган. Буларга 55-модда (жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар); 56-модда (жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар); 57-модда (енгилроқ жазо тайинлаш); 58-модда тамом бўлмаган ва иштирокчиликда содир этилган жиноят учун жазо тайинлашнинг умумий қоидалари белгиланган.

Жиноят кодексининг 54-моддасида “Суд ушбу Кодекс Махсус қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарликни назарда тутилган моддасида белгиланган доирада Умумий қисмининг қоидаларига мувофиқ жазо тайинлайди”, - дейилади.

Аммо судлар жазо тайинлашда ҳисобга олиши керак бўлган шундай ҳолатлар борки, уларни Жиноят кодексининг 54-моддасини қамраб ололмаган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи кўпчилик мамлакатларнинг жиноят кодексларида ушбу масала анча кенгроқ берилган. Жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 60-моддасида (жазо тайинлашнинг умумий асослари) Жиноят кодекси Махсус қисмининг муайян моддаси билангина эмас, балки муайян модданинг битта қисмида назарда тутилган жиноят учун жазо тайинлашнинг умумий асосларини ҳам қонунда белгилаб қўйилган.

Масалан, Россия Федерацияси Жиноят кодекси 60-моддасининг 1-қисмида “Содир этилган жиноят учун енгилроқ жазони тайинлаш орқали жазонинг мақсадига эришиб бўлмайди деган хулосага келинсагина оғирроқ турдаги жазо тайинланади”, - дейилади.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10-сон, 165-модда.

Қонуннинг ушбу қоидаси ҳозирги кун жазо тайинлашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Шунинг ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасининг 1-қисмига қуйидаги қўшимчани киритилиши мақсадга мувофиқ бўлади. “Содир этилган жиноят учун енгилроқ жазо тайинлаш орқали жазонинг мақсадига эришиб бўлмайди деган хулосага келинсагина оғирроқ турдаги жазо тайинланади”-деб.

Қонунда бундай норманинг назарда тутилиши судлар томонидан енгилроқ ёки оғирроқ жазони тайинлашда қонунда белгиланган қоидага асосланиш имконини беради.

Ўзбекистон Республикаси судлари томонидан 2005-2008 йиллар мобайнида кўрилган 700га яқин жиноят ишларини ўрганиш, жараёнида судлар жазо тайинлаш вақтида айнан ана шу масалага аҳамият бермаганликлари туфайли мазкур тадқиқ қилинган жиноятларда рецидив жиноятининг кўрсаткичлари юқори бўлмоқда. Буни қуйидаги маълумотлардан кўришимиз мумкин: Биз тадқиқ қилган ишларнинг Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми бўйича ҳукм қилинганларнинг (фақат биз танлаб ўрганган жиноят ишлари) 5 фоизи ҳар қандай жиноятлар учун олдин судланганлар бўлиб чиқди. Ушбу модданинг 2-қисми бўйича 10,6 фоизи олдин ўғрилик жинояти учун судланганлар, олдин қамада икки марта шу жиноят учун судланиб учинчи марта ҳукм қилинаётларнинг миқдори 3,4 фоизни ташкил қилди.

Ушбу модданинг 3-қисми бўйича ҳукм қилинганларнинг 30,7 фоизи олдин ўғрилик жинояти учун судланган ва судланганлик муддати ўтмасдан янги ўғрилик жинояти учун судланган шахслардир. 14,3 фоизи олдин ўғрилик жинояти учун судланганлар 26,8 фоизини олдин ўғрилик учун уч ва ундан ортиқ марта судланганлар ташкил қилмоқда. 169-модданинг 3-қисми билан олдин судланганларнинг умумий сони 57,3 фоизни ташкил қилди. Ўғрилик жинояти учун олдин амнистия акти қўлланиб, жазодан озод қилинганлар ва шундан кейин ҳам яна ўғрилик жиноятини содир қилганлар биз тадқиқ қилган ишларнинг 20,2 фоизини ташкил қилди.

Ўзлаштириш ёки растрата жинояти учун олдин судланиб яна янги жиноят содир қилганларнинг сони эса, 15,8 фоизни ташкил қилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасининг иккинчи қисмида айбдорнинг шахсини ҳисобга олиб жазо тайинланади деган масалага судлар ҳар доим ҳам эътибор бермаётганликларини кўрсатади.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигига кирувчи мамлакатларнинг Жиноят кодексларида (жумладан, Россия Федерацияси Жиноят кодексининг 68-моддасида, Тожикистон Республикаси Жиноят кодексининг 66-моддасида) рецидив жиноят учун жазо тайинлашнинг

алоҳида қоидалари белгиланган. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида эса жазо тайинлашнинг бундай қоидалари назарда тутилмаган. Жиноят якка шахс ёки бир гуруҳ шахслар томонидан, қасддан ёки эҳтиётсизликдан биринчи марта ёки такроран содир этилганлигидан, олдин судланган шахс томонидан содир этилганлигидан қатъий назар 54-модда қоидаларига, амал қилинган ҳолда, бир неча жиноят содир этилган бўлса, 59-модда тартибида, бир неча ҳукмлардан иборат бўлса, 60-модда қоидалари асосида жазо тайинланиши белгиланган.

С.А.Разумов жазо тайинлашнинг умумий асосларини ифодалар экан, “жазо тайинлашда Жиноят кодекси Умумий қисмининг барча қоидаларига риоя қилиниши, яъни энг аввало жиноий жавобгарликнинг барча принципларига (қонунийлик, фуқароларнинг қонун олдидаги тенглиги, адолат, айбилик, инсонпарварлик) принципларига риоя қилинган бўлиши кераклигини таъкидлаб бундай ҳолатда қуйидагиларни ҳисобга олинишини, яъни:

- янги қонун қабул қилиниши муносабати билан маҳкумнинг ахволи енгиллашадиган бўлса, қонуннинг орқага қайтиш кучидан фойдаланиш;

- тайинланаётган жазо фақат қонун нормаси санкцияси доирасида бўлиши керак”, - деб ёзади¹.

Биз унинг бу фикрларига қўшилган ҳолда қўшимча қилиб, айтмоқчимизки: жазони ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб айбдорнинг қилмиши квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган жазонинг энг кам қисмидан ҳам қамроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ турдаги жазони ҳам тайинланиши мумкин.

Биз Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддасининг 1-қисми, 167-, 168-, 169-моддалар бўйича жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳақида тўхталар эканмиз, фақат ушбу моддалар бўйича жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳақида баён қилмай, қўпроқ жазо тайинлашнинг умумий асослари ҳақида сўз юритдик. Чунки ушбу айтилган сўзлар тўғридан-тўғри таҳлил этилаётган жиноятлар учун жазо тайинлаш масалаларига ҳам тааллуқлидир.

Жиноят кодексининг 54-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жазо тайинлашда ҳисобга олинишги керак бўлган ҳолатлар алоҳида тадқиқот объекти бўлмаганлиги сабабли уларни алоҳида-алоҳида баён қилмади.

Жазо тайинлашнинг умумий асосларини Жиноят қонунининг ўзида берилганлиги, жиноят содир этишда айбланаётган шахсга жазо тайинлашда қилмишнинг ижтимоий

¹ Қаранг: Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации. –М.: Норма-Инфра-М, 2001. –С.118

хавфлилик даражаси, айбдорнинг шахси ва ишдаги бошқа ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда жазони индивидуаллаштириш имконини беради.

Жазони индивидуаллаштириш эса, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси талабларига ва Жиноят кодексининг принципларига мувофиқ келади.

Ўзбекистоннинг ўз мустақиллигига эришиши, мамлакатимизда бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ижтимоий тузумнинг шаклланиши жиноий жазога тамоман янгича муносабатда бўлиш кераклигини тақозо қилди.

1.2. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашни либераллаштириш муаммолари

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрда қабул қилиниб, 1995 йил биринчи апрелдан амалга киритилди. Ушбу Кодекснинг лойиҳаси ишлаб чиқиладиган даврда биз хали бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ижтимоий тузум ҳақида етарли даражада тасаввурга эга бўлмаганмиз. Бундан ташқари янги ижтимоий тузумга ўтиш даврида мамлакатимизда ғоят мураккаб вазият вужудга келган бўлиб. Мамлакат мустақиллиги ва ҳудудий яхлитлигини сақлаш, аҳоли тинчлиги ва хавфсизлигини таъминлаш энг долзарб вазифалардан бири бўлиб қолган эди. Шунга кўра, мамлакатимизнинг мустақил ривожланишининг дастлабки ўн йиллигида жиноятчиликка қарши кураш масаласи ҳам ғоят кескин қўйилди.

Бундай мураккаб шароитда Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов сабр-тоқат, матонат ва қатъиятлилик билан оқилона иш кўрди. Унинг ислохотларни амалга оширишнинг “беш тамойили” деб номланган тамойилларни ислохотларни амалга ошириш ва мамлакатда бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ижтимоий муносабатларни шакллантиришнинг асосий дастури сифатида татбиқ этилиши, мамлакат ривожланишини босқичма-босқич амага ошириш имконини берди¹. Натижада 2000 йилга келиб Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги босқичига ўтди.

Шу муносабат билан 2000 йил июнь ойида жамиятимизнинг сиёсий, иқтисодий ва маънавий соҳадаги ислохотлар жараёнини эркинлаштириш ва чуқурлаштириш Дастури қабул қилинди.

Шунингдек мамлакатимиз Президенти И.А.Каримов 2001 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг иккинчи чақириқ олтинчи сессиясида эса

¹ Қаранг: Каримов И. Янги уй қурмай туриб эскисини бузманг. –Т.: Ўзбекистон, 1993

“Адолат – қонун устуворлигида” деб номланган мавзуда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш масалалари тўғрисида маъруза қилар экан, суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг аниқ масалаларини белгилаб бериш бўйича “Энг аввало жазонинг репрессив, озодликдан маҳрум қилиш ҳолларини қисқартириш ҳисобига қонунчиликнинг адолат ва инсонийлик каби тамойилларининг кучайиши ва амалда қўлланишини таъминлаш”, - лозимлигини алоҳида таъкидлаб ўтди¹.

Агарда, Ўзбекистон мустақиллигининг дастлабки ўн йиллигининг айрим йилларида, баъзи судлар томонидан жиноят учун тайинланган жазоларнинг 70 фоизга яқини озодликдан маҳрум қилишдан иборат бўлган бўлса, ҳозирги кунда эса, жами бўлиб 39 минг киши озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида сақланмоқда².

Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бевосита зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларига ҳам тегишлидир. Шундай жиноятлар учун суднинг жазо тайинлаш амалиётини тадқиқ қилиш орқали ўрганиб кўрганимизда, озодликдан маҳрум қилишнинг бир тури сифатидаги манзил колониясини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 2005 йилда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 166-моддасининг 1-қисми, 167-модда, 168-модда ва 169-моддалар билан ҳукм қилинганларнинг 33 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини бу даражада камайтиришга эришиш, мамлакатимизда олиб борилаётган суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг натижасидир.

Репрессив хусусиятга эга бўлган озодликдан маҳрум қилишни тайинлашнинг бу даражада қисқартиришнинг бирон бир аҳамияти борми? Бизнинг фикримизча зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашни либераллаштиришнинг ҳам сиёсий, ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий, ҳам маънавий аҳамияти бор.

Сиёсий аҳамияти шундаки, энг оғир жазо ҳисобланган озодликдан маҳрум қилишни тайинлашнинг жиддий қисқартирилиши, мамлакатимизда ҳуқуқий, демократик давлатни шакллантириш, кучли давлатдан аста-секин кучли фуқаровий жамиятга ўтиб бораётганимизнинг исботи ҳисобланади.

Иқтисодий аҳамияти шундаки, агар жиноят содир этишда айбланаётган шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланса, маҳкумни бундай муассасаларда

¹ Каримов И. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. –Б.33

² Каримов И. Империя даврида бизни иккинчи даражали одамлар деб ҳисоблашар эди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримовнинг 2005 йил 19 январда “Независимая газета”га берган интервьюсидан.

сақлаш учун давлат бюджетидан (маҳкумларни кийим бош, озиқ-овқат махсулотлари билан таъминлаш, қисқаси шахсларни яшаши учун муайян шароитларни яратиб бериш учун, ҳамда уларни назоратини ташкил қилиш учун) сарфланмоқда. Собик иттифоқ даврида маҳкумларни озиқ-овқат, кийим-бош билан таъминлаш маҳкумларнинг ўз иш ҳақи ҳисобидан бўлиб келган.

Амалдаги Жиноят-ижроия кодексида белгиланишига кўра (Жиноят-ижроия кодексининг 68-, 85-, 86-, 87-моддалари) озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган маҳкумларни яшаш жойи, озиқ-овқат махсулотлари, кийим-бош билан таъминлаш, тиббий санитария таъминоти давлат бюджети ҳисобидан таъминланади. Агарда ҳозирги кунда, тахминан 39 минг маҳкум озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида сақланаётган бўлса, бюджетнинг анчагина қисми жиноят содир қилишда айбланиб, озодликдан маҳрум этиш жазосини ўтаётган шахсларга сарф қилинаётганлигини тасаввур қилиш мумкин.

Шунингдек собик Совет давридан қолган тамоман эскирган, ҳозирги кунда деярли яроқсиз ҳолга келиб қолган жазони ижро этиш муассасаларидаги корхоналарни қайта тиклаб, ишга тушириш учун жуда катта маблағ керак бўлади.

Озодликдан маҳрум қилиш ва қамокдан бошқа жазо турларига ҳукм қилинганлар эса, (масалан, жарима, аҳлоқ тузатиш ишлари, хизмат бўйича чеклаш жазосига ҳукм қилинганлар) маълум миқдорда давлат бюджетига даромад келтиради, уларга жазони ўташ даврида давлат бюджетидан маблағ сарф қилинмайди.

Озодликдан маҳрум қилишнинг, чеклашнинг ижтимоий аҳамияти шундаки, шахс жиноят содир қилишдан олдин қандай ишда ишлаётган бўлса, ўша ишини давом эттираверади. Демак, шахс катта меҳнат ва маблағ ҳисобига эришган касби, ҳунари ва билимидан маҳрум бўлмайди.

Маънавий аҳамияти шундаки, маҳкум жамият аъзолари таркибида бўлганлиги учун уни тарбиялашда давлатнинг махсус тарбиявий чораларини қўланишига ҳожат қолмайди. Ва, ниҳоят энг муҳими оиласидан ажратилмаганлиги туфайли, оиладаги мажбуриятларини тўла бажараверади. Маҳкумни ҳалол меҳнат йўлига ўтиб олишига у ишлаётган меҳнат жамоаси ва оила аъзолари катта таъсир кўрсатади.

Президент И.Каримов таъбири билан айтганда, “Инсонни руҳан покланиши қалбан улғайишига чорлайдиган одамнинг ички дунёси, иродасии бақувват, иймон-этиқодини

бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қадриятларининг¹” эркин ривожланишига имкон берадиган шароитда қолдирилади.

Рус олими В.Ф.Кладков тарбиялаш ўз моҳиятига кўра, худди ўзига хос пиллапоядек инсон шахсида ҳаётий қадриятларни талаб-тахлаб шакллантириб бориш жараёнидан иборатдир”², - деб ёзади.

Машхур ҳуқуқшунос олими И.И.Карпец ҳам қаттиқ жазо чораси фақат жазоланувчиларгагина эмас, балки жазоловчиларнинг ахлоқий ва ҳаёт тарзини қўполлаштириб юборади, улар орқали жиноятчиликка қарши курашнинг фойдасизлигини барча илғор фикр қилувчилар доимо тушуниб келганлар”³ –деб таъкидлайди. Биз ҳам унинг бу фикрига тўла қўшилаемиз. Фақат, жиноят содир қилган шахслар, ҳуқуқ бузилган, айрим маҳкумларнинг шахси ўта тубанлашган жиноятчилар жамоасидан иборат бўлган муҳотида кишилар шахсида энг яхши инсонийлик фазилатини шакллантиришнинг иложи бўлмайди.

Х.Т.Одилқориев, И.Т.Тулътеевлар жиноий жазо барча ижтимоий касалликларга даъво бўладиган восита эмас, айрим ҳолларда у даволашдан кўра, хатто кўпроқ зарар келтиради, деб фикрни билдиришади⁴. Зеро, у касалликни янада чуқурроқ яшириши уни керагидан ортиқ хавфли шаклга айлантириши мумкин. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган қилмиш учун узоқ муддатга озодликдан маҳрум қилинган одамнинг жазони ўташ жойларидан дарғазаб, аламзада ва жамиятга нисбатан норози кайфиятда қайтиши табиий бир ҳолдир. Чунки, ўзимизнинг иш жараёнимизда бундай шахслар билан кўплаб мулоқотда бўлдик.

Ана шу айтилганларга кўра, фақат зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазони либераллаштириш эмас, балки жиноят қонунини либераллаштириш давр талаби бўлиб қолди.

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги Жиноят кодекси 1994 йил 22 сентябрда қабул қилингандан буён Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддасига, 167-, 168-, 169-моддаларига жиддий қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди.

Айниқса, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 15 моддаси (жиноятларнинг таснифлаш) 2001 йил 29 август қонуни билан янги таҳрирда қабул қилингандан кейин

¹ Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: Маънавият, 2008. –Б.19

² Кладков В.Ф. Назначение наказания. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. –М.: Юрист, 1999. –С.372

³ Карпец И.И. Наказания: социальные , правовые и криминологические проблемы-М: Юридическая литература, 1973-с.15.

⁴ Одилқориев Х.Т., Тулътеев И.Т. Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либераллаштириш: зарурат ва омиллар. //Ҳуқуқ.Право.Law, 2002, №1. -Б.70

тадқиқ этилаётган моддаларда назарда тутилган жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражаси янгича талқин қилинадиган бўлди¹.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август қонуни билан мол-мулкни мусодара қилиш тариқасида қўшимча жазо Жиноят кодексидан чиқариб ташланди².

Мол-мулкни мусодара қилиш қўшимча жазоси ушбу қонун қабул қилингунгача Жиноят кодекси Махсус қисмининг кўплаб моддаларида, шу жумладан, зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жиноятлари учун ҳам мол-мулкни қўшимча жазо сифатида мусодара қилиш назарда тутилган эди.

Муҳими шундаки, талончиликнинг оддий тури учун (166-модданинг 1-қисми) ҳам мол-мулкни мусодара қилиш назарда тутилган бўлиб, ўша вақтдаги сўм миқдорида ҳисобланганда энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваригача бўлган миқдордаги мулк очикдан-очик талон-тарож қилинса, бу асосий жазога қўшимча жазо тариқасида мол-мулкни мусодара қилишни ҳам тайинланиш мумкин эди. 166-модданинг 1-қисмида мол-мулкни мусодара қилиш, ёки мусодара қилмасликни суд иш ҳолатларига қараб тайинламаслиги ҳам мумкин эди. Аммо, ушбу модданинг қолган барча қисмлари санкциясида мол-мулкни мусодара қилишни мажбурий равишда тайинланиши қонунда белгилаб қўйилганди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг (ўзлаштириш ёки растрата йўли билан талон-тарож қилиш) 1- ва 2-қисмларида, 168-модданинг фақат 4-қисмида мол-мулкни мусодара қилишни мажбурий равишда тайинлаш кўзда тутилган, бошқа барча қисмларида суд тайинлаши ёки тайинламаслиги мумкинлиги назарда тутилган эди. Ж.К. нинг 168-, 169-моддаларда ҳам худди шундай санкциясида ҳам ҳолат мавжуд бўлган.

Мамлакатда ўтиш давридаги иқтисодий муаммолар мавжуд бўлган бир шароитда, ишсизликнинг даражаси юқори бўлиб турган бир вақтда бир ойлик иш ҳақи миқоридан ҳам камроқ бўлган мулк талон-тарож қилинганда айбдорнинг ҳалол меҳнати билан тўплаган мулкни мусодара қилиш, уни иқтисодий ночор аҳволга солиб қўйиши ва янги жиноятлар содир этишига сабаб бўлиб қолиши мумкин бўларди.

Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 август Қонуни билан яраштирилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш Ж.К нинг (66¹-моддаси) Жиноят

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10 сон, 165-модда

² Ўша жойда.

кодексига киритилиши муносабати билан, жиноят қонуни ва жазо тайинлаш соҳасида жуда катта ўзгариш юз берди¹.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасида белгиланишига кўра биз тадқиқ қилаётган жиноятлар бўйича 167-модданинг 1-қисми, 168-модданинг 1-қисми, 169-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят содир қилингандагина ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиниши мумкин.

Жиноят қонунчилигида ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкин бўлганларнинг 30 фоизига нисбатан ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш қўлланилган. Ҳозирги кунда жиноят содир қилганларнинг умумий миқдорининг деярли ярмига нисбатан ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиш қўлланилаётган бўлса, биз тадқиқ қилган моддалар бўйича ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни солиштирганда, зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жинояти учун бундай жавобгарликдан озод қилишнинг миқдори бир мунча кам даражада. Бизнинг фикримизча бундай жиноятлар учун Ж.К нинг 66¹-моддаси асосида жавобгарликдан озод қилишнинг камлигини асосий сабаби мазкур жиноятларда латент жиноятларнинг юқорилиги, яъни жиноят содир қилган вақт билан жиноятчини аниқлаш ўртасидаги вақтнинг анча чўзилиб кетганлигида ва ўғри талон-тарож қилган мулкни ишлатиб юбориб, дарҳол эгасига қайтаришнинг иложи бўлмаганлигида ҳамда мулкидан маҳрум бўлган аламзада жабрланувчининг ярашишни ҳохламаганлигидан бўлиши ҳам мумкин.

Яна бир ҳолат, жиноят содир қилган шахс талон-тарож қилинган мулкни ишлатиб юборган ва у биладики, суд озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги муқобил жазони тайинлайди ва зарарни қоплашга мулки йўқ.

Ҳозирги кунда аҳоли ўртасида бир нотўғри тушунча шаклланиб қолганки, жиноят натижасида келтирган зарарни қопласа жавобгарликдан озод бўлади, қопламаса манзил-колониеси ёки аҳлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниб, иш билан таъминланади ва жиноят натижасида келтирган зарарни қопламайди дейилган тушунчадир.

Юқоридагилардан ташқари, бир неча жиноят содир этганликда айбланиб, талон-тарож қилишдан бошқа жинояти учун яратилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкин бўлмаганлиги туфайли суд айбдорни Ж.К нинг 66¹—моддасини қўллаб жавобгарликдан озод қилишни қўллай олмаган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10 сон, 165-модда

Агарда, жазо ЖКнинг 60-моддаси асосида тайинланган бўлса, жавобгарликдан озод қилишни қўллаш мумкин бўлмайди. Чунки, “Шахсга нисбатан ҳукм чиқарилганидан кейин, унинг яна жиноят содир этиши айбдорнинг шахсини хавфлилик даражасини янада ошганлигини кўрсатади ва суд кейинги жиноят учун жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатларни эътиборга олиб жазо тайинлайди.¹

Бизнинг фикримизча, жиноят қонунини либераллаштириш жазони енгиллаштириш фақат жиноятчининг манфаатига хизмат қилиши керак, эмас.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19-моддасида “Ўзбекистон Республикаси фуқароси ва давлат бир-бирига нисбатан бўлган ҳуқуқлари ва бурчлари билан ўзаро боғлиқдирлар”- дейилади.

Собиқ Совет Иттифоқи даврида давлат жиноят содир этилишидан маълум даражада манфаатдор бўлган. Чунки, жиноят натижасида жабрланувчига келтирилган зарар қопланмай, мусодара қилинган мулк давлат ҳисобига ўтказилар, маҳкумларнинг меҳнати давлатга катта даромад келтириб келган.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ ислохотлари ўтказилиши муносабати билан жиноят натижасида жабрланганлар манфаатини ҳимоя қилишга эътибор қаратилди. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш Ж.К нинг (66¹-моддани) киритилиши бу борада муҳим воқеа бўлди.

Суд амалиётида жуда кам қўлланилаётган бўлса-да, айбдор ўз қилмишига чин кўнгилдан пушаймон бўлганлиги муносабати билан жавобгарликдан (66-модда) ва жазодан (71-модда) озод қилиш ҳам энг аввало жабрланувчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган.

Биз ўрганаётган мазкур моддаларнинг санкцияларига бир қанча ўзгартиришлар киритилди. Жумладан, 167-модданинг 1-қисмида бошқа жазолар билан бир қаторда уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган бўлса, 2001 йил 29 август қонуни билан ушбу норманинг санкциясидан муддати уч йилгача белгиланган озодликдан маҳрум қилиш жазоси чиқариб ташланди, ўрнига олти ой қамоқ жазоси киритилди. Бундан ташқари ушбу модданинг 2-қисмида мулкни анча миқдорда талон-тарож қилиш учун жавобгарлик назарда тутилган бўлса, 2001 йил 29 август қонуни билан ушбу модда янги таҳрирда қабул қилиниб, анча миқдордаги мулк талон-тарож қилинса, 167-модданинг 1-қисми билан жавобгар қилинадиган бўлди ва кўп миқдордаги мулк талон-тарож қилинса, шу

¹ Бакунов П. Жиноят ҳуқуқида бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш. –Т.: ТДЮИ, 2003. –Б.14-15

модданинг 2-қисми “а” банди билан жавобгар қилишлик белгиланди. Шунингдек, ушбу модданинг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган таҳририда мазкур жиноятни такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги, мансаб мавқеини суистъемол қилиш йўли билан содир этганлик учун шу модданинг 3-қисмидан 2-қисмига ўтказилди. Шундай жиноятлар учун мазкур модданинг 3-қисмида энг оғир жазо сифатида беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси қонунда назарда тутилиб, оғир жиноятлар туркумига кирган. Натижада олдин юқорида айtilган жиноятлар оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлса, 2001 йил 29 августда қабул қилинган қонун санкциясида энг оғир жазо сифатида беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилиб, бундай жиноятлар оғир жиноятлар туркумидан чиқарилиб унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилди.¹ Натижада бу жиноятлар учун ҳам қонунда назарда тутилган жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш мумкин бўлиб қолди.

Жиноят кодекси 167-моддасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган таҳрирининг 4-қисмида энг оғир жазо сифатида саккиз йилдан ўн беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган бўлса, 2001 йил 29 август қонуни билан қабул қилинган янги таҳрирда энг оғир жазо сифатида беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланди. Бунинг натижасида Жиноят кодексининг 167-моддасининг 3-қисмида жавобгарлик белгиланган жиноятлар ўта оғир жиноятлар туркумидан оғир жиноятлар туркумига ўтказилди. Ана шундай ўзгартириш туфайли 167-модданинг 3-қисмида кўрсатилган жиноятлар учун ҳам шартли ҳукми (72-модда) қўллаш имконияти туғилди. Бундай ўзгариш суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш муносабати билан юз берди.

Судлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасининг 3-қисми бўйича (жами 90 та ҳукм) жазо тайинлаш амалиётини танлаб, тадқиқот олиб боришимиз натижасида биз ўрганган жиноят ишларининг 4,5 фоизига нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган. Бундан ташқари, 167-модданинг 1994 йилги таҳрирининг 4-қисми санкциясида фақат озодликдан маҳрум қилиш саккиз йилдан ўн беш йилгача назарда тутилган бўлса, 2001 йил 29 август қонуни билан қабул қилинган таҳрирда 167-модданинг таҳрири уч қисмдан иборат тарзда қабул қилиниб, унинг санкциясида энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача аҳлоқ

¹ Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 29 августдаги Қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10 сон, 165-модда.

тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш белгиланди¹.

Қонундаги бундай ўзгаришлар туфайли мазкур жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш бир мунча қисқарди.

Судларнинг Жиноят кодекси 167-моддасининг 3-қисми билан (жами 190 та ҳукм) жазо тайинлаш амалиётини танлаб ўрганганимизда, ўрганилган жиноят ишларининг 37,8 фоизига нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари, 27,8 фоизига нисбатан жарима қўлланилган. 18,8 фоизи эса амнистия акти туфайли жазодан озод қилинган, 17,8 фоизига нисбатан эса, Жиноят кодексини 57-моддасининг қоидалари қўлланилиб, жазо енгиллаштирилган, 4,5 фоизига нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган. Озодликдан маҳрум қилиш тайинланганлар эса, 11,2 фоизни ташкил қилганлиги аниқланди.

Бу рақамлар устида фикр юритилиб, мушоҳада қилинадиган бўлса, жиноят қонунининг либераллаштириш қанчалик катта аҳамиятга эга бўлганлигини тасаввур қилиш мумкин. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 167-моддасига “етказилган моддий зарарни ўрни қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” – деган мазмундаги норма билан тўлдирилиши, маҳкум учун ҳам, давлат учун ҳам жиддий салбий оқибатлар келтириб чиқариши мумкин бўлган озодликдан маҳрум қилиш жазосининг салбий таъсири ва салбий оқибатларининг олди олинди.

Бу ҳолатлардан ташқари маҳкум жазодан озод этилгандан кейин уни иш билан таъминлаш турмушда ёрдам бериш ишлари ҳам жиддий муаммога айланади.

Собиқ Иттифоқнинг охириги йилларида “Сельская новость” журналининг журналисти томонидан тегишли равишда жазо муддатини ўтаётган маҳкумларнинг биридан интервью олинганда “Бизнинг ахлоқ тузатиш меҳнат муассасалари тизимимиз мени кечирасиз-у, эҳтимол кимнидир қайта тарбиялар! Аммо, бу дўст (ДДТ) ва ханаллар бадбўйлиги сингиб кетган тизим қандай қилиб қайта тарбиялаши мумкин? қандай қилиб, оммавий тарздаги битлиқлик, маданиятсизлик, сурбетлик, суллоҳлик ва камситишлар ҳукм сурган шароитда кишининг маданий ҳаётга қандай қайтариш мумкин, ахир”² – деб жавоб берган экан.

Шунинг учун ҳам суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш, жиноий жазоларнинг либераллаштириш, жазони ижро этиш муассасаларини замон талаби даражасида қайта ташкил қилиш мустақилликка эришган Ўзбекистоннинг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолган эди.

¹ Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2001 йил, 9-10 сон, 165-модда.

² Сельская новость журналы, 1991, №8. –С.40

Фирибгарлик учун жавобгарлик белгиланган Жиноят кодексининг 168-моддаси ҳам 2001 йил 29 август қонуни билан янги таҳрирда қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 1994 йилги таҳририда ушбу модда тўрт қисмдан иборат бўлган бўлса, янги таҳрири учта қисмдан иборат тарзда қабул қилинди. Агар ушбу модданинг олдинги таҳрирининг 4-қисмида энг оғир жазо сифатида озодликдан маҳрум қилишнинг максимал муддати ўн беш йил белгиланган бўлса, янги таҳрир уч қисмдан иборат бўлиб, энг оғир жазо сифатида беш йилдан ўн йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш белгиланди. Қонунда бундай ўзгартиришлар туфайли фирибгарликнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи тури ўта оғир жиноятдан, оғир жиноят туркумига ўтказилиши туфайли бундай жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ҳам шартли ҳукм қилишни қўллаш мумкин бўлиб қолди.

2001 йилгача фирибгарлик учун жиноий жавобгарликка тортилганларга нисбатан суд амалиётида жазо тайинлаш фаолияти билан 2001 йилдан кейинги жазо тайинлаш амалиётини солиштирсак, олдин кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, кейинги йилларда эса, кўпроқ озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган муқобил бошқа турдаги жазолар тайинланган.

Фирибгарлик учун судларнинг 2006-2007 йилларда кўрилган жазо тайинлаш амалиётини танлаб ўрганганимизда (жами 66 та) биз тадқиқ қилган ишларнинг 168-модданинг 1-қисми бўйича 50 фоизига жарима, 50 фоизига аҳлоқ тузатиш ишлари тайинланган. Шу модданинг 2-қисми бўйича 42,3 фоизига аҳлоқ тузатиш ишлари, 11,2 фоизига нисбатан жарима жазоси тайинланган, 10,3 фоизига нисбатан ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш, 22,3 фоизи амнистия акти орқали озод қилинган, фақат 8,9 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Шу модданинг 3-қисми бўйича 40 фоизига аҳлоқ тузатиш ишлари, 60 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган. Шу модданинг 3-қисми оғир жиноятлар туркумига кирганлиги учун ҳам озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш кўп ҳолатни ташкил қилган.

2001 йил 29 август қонуни билан қайта нашр қилинган Жиноят кодексининг ўғрилиқ учун жавобгарликни белгиловчи 169-моддаси ҳам янги таҳрирда қабул қилиниб, бу модда ҳам либераллаштиришда жиддий ўзгаришлар юз берди. Жумладан, уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний кириб ўғрилиқ қилганлик учун олдин шу модданинг учинчи қисмининг “б” бандида назарда тутилган бўлса, беш йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган бўлса янги таҳририда бундай жиноят шу модданинг 2-қисми “г”-бандига олиб ўтилиб жавобгарлик белгиланди.

Жиноят қонуни либераллаштириш туфайли ўғрилиқ жинояти учун жавобгарликни назарда тутувчи 169-модда билан жавобгар қилиниб, судлар томонидан жазо тайинлаш амалиётини тадқиқ қилганимизда (жами 380 та) қуйидаги кўрсаткичларни аниқладик.

169-модданинг 1-қисми бўйича ярашув орқали жавобгарликдан озод қилинганлар 50 фоизни,

- шартли ҳукм қилинганлар 5 фоизни,
- ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинганлар 10 фоизни,
- қамоқ жазосига ҳукм қилинганлар 20 фоизни,
- озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинганлар 10 фоизни,
- амнистия акти орқали озод қилинганлар 5 фоизни ташкил қилмоқда.

Жиноят кодекси 169-моддаснинг 1-қисми билан жавобгар қилиниб озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинганликнинг сабаби бу шахслар олдин ҳар қандай жиноят учун муайян турдаги жазога ҳукм қилиниб, судланганлик ҳолати ўтиб кетмаган ёки олиб ташланмаган шахслар бўлганлиги учун суд озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари учун жавобгарликни белгиловчи нормаларни либераллаштиришни охирига етказилдими ёки яна давом эттириш мумкинми?

Бизнинг фикримизча 2001 йил 29 августдаги суд-ҳуқуқ тизимини ислохотлари жиноят қонунини либераллаштириш масалаларини бошлаб берди ва тадқиқ этилаётган модалар бўйича қонун нормаларини такомиллаштиришни давом эттириш мумкин.

II-БОБ. ЗЎРЛИК ИШЛАТМАСДАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИНГ МУАЙЯН ТУРЛАРИ УЧУН ЖАЗО ТАЙИНЛАШ МАСАЛАЛАРИ

2.1. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларининг оддий турлари учун жазо тайинлаш

Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларининг оддий турлари (Жиноят кодексининг 166-, 167-, 168-, 169-моддалари)нинг жиноят таркиби жиҳатдан бир-бирига ўхшаш бўлсада, улар жиноят содир қилишнинг усули (объектив томони), талон-тарож қилинган мулкнинг миқдори, жиноят субъекти ёши ҳамда ижтимоий хавфлилиқ даражасига кўра, бир-биридан фарқ қилади.

Уларнинг бир-биридан фарқи шундаки, талончилик ўзгалар мулкни очикдан-очик тортиб олинса, ўғрилиқ жиноятида ўзгаларнинг мулки яширин равишда талон-тарож қилинади. Ўзлаштириш ва растрата қилиш жиноятида айбдорга ишониб топширилган ва у шу мулк учун моддий жавобгар бўлган шахснинг ўзи ўзлаштиради ёки бировга бериб юбориб, растрата қилади. Фирибгарликда эса, айбдор жабрланувчини алдаб ёки унинг ишончини суъистеъмол қилиш йўли билан талон-тарож қилади. Фирибгарликнинг ўзига хос хусусияти шундаки, алданган жабрланувчи мулкни ўз қўли билан жиноятчига топширади.

Талон-тарож қилинган мулкни миқдори жиҳатидан фарқи эса сўмларда ҳисобланадиган мулкнинг қиймати билан белгиланади.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-тарож қилишнинг оддий турлари ичида нисбатан ижтимоий хавфлироғи талончилик ҳисобланади. Шунинг учун талончилик йўли билан талон-тарож қилинган мулкнинг миқдори анча миқдоргача бўлса, 166-модданинг 1-қисмида кўрсатилган жиноят таркибини беради. Жиноят кодексининг атамаларнинг ҳукуқий маъноси бўлимида белгиланганига кўра энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан 100 бараварига бўлган миқдор анча миқдор ҳисобланиб, талончилик йўли билан талон-тарож қилинган мулкнинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг 30 бараваридан кам бўлса, оддий талончилик жинояти содир этилган деб ҳисобланади. Ўғрилиқ жиноятининг оддий тури содир этилган деб ҳисоблаш учун анча миқдордан камроқ бўлган мулк талон-тарож қилинган бўлиши талаб қилинади.

Ўзлаштириш ёки растрата қилиш ва фирибгарлик жиноятларида эса, кўп миқдоргача бўлган мулк талон-тарож қилинса, жиноятнинг оддий тури содир этиш деб малакаланади,

бундай ҳолатда энг кам ойлик иш ҳақининг 100 бараваридан 300 бараваригача бўлган миқдор кўп миқдор ҳисобланади.

Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари тизимида талончилик ва ўғрилик нисбатан хавфлироқ ижтимоий хавфлилик даражаси юқорироқ бўлганлиги учун анча миқдордан кам бўлган мулк талон-тарож қилинган тақдирда, ўзлаштириш ва растрата қилиш ҳамда фирибгарлик йўли билан талон-тарож қилинганда кўп миқдоргача бўлган миқдор оддий талон-тарож қилиш деб белгиланган.

Субъект ёши жиҳатидан ҳам, улар бир-биридан фарқ қилиб, талончилик ва ўғрилик жиноятларининг субъектлари жиноят содир қилиш пайтида ўн тўрт ёшга тўлган, ақли расо жисмоний шахслар бўлса, ўзлаштириш ёки растрата қилиш ва фирибгарлик жиноятларининг субъектлари жиноят содир қилиш пайтида ўн олти ёшга тўлган шахслар бўлади. Жиноят кодексининг 167-моддасининг субъекти масаласида яна шуни ҳам айтиш керакки, ушбу модданинг 2-қисмининг “г” бандида мансаб мавқеини суъистеъмол қилиш йўли билан мазкур жиноят содир этилган бўлса, бу жиноятнинг субъект ёши ўн саккиз ёш бўлиши мумкин. Чунки, амалдаги жиноят қонунининг 17-моддасида белгиланишича мансабдорлик жиноятларининг субъектлари фақат жиноят содир қилиш пайтида ўн саккиз ёшга тўлган бўлсаларгина 167-модданинг субъекти бўла олади.

Шундан келиб чиқиб, зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларининг оддий тури содир этилган деб ҳисоблаш учун қуйидаги белгилар бўлиши керак.

А. Субъект талон-тарож қилиш жиноятини биринчи марта содир қилган бўлиши;

Б. Талон-тарож қилинган мулкнинг миқдори талончилик ва ўғрилик жинояти учун анча миқдордаги мулкдан камроқ бўлиши, ўзлаштириш ва растрата қилиш ҳамда фирибгарлик жиноятларида кўп миқдордаги мулкдан камроқ бўлиши;

В. Жиноят фақат бир киши томонидан содир этилган деб топилган бўлиши керак.

Юқорида қайд этилган шартларнинг ушбу нормалар учун нима даҳли бор деган савол туғилиши мумкин. Бизнинг фикримизча таҳлил этилаётган моддалар асосида жазо тайинлаш, жазонинг тури, миқдорини белгиланиши тўғридан-тўғри юқорида қайд этилган ҳолатларга боғлиқ.

Жиноятнинг биринчи марта содир қилиш, агарда оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлмаса, суд томонидан жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб, топилиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарорининг 7-бандида қонун (ЖКнинг 55-моддаси) жазони енгиллаштирувчи ҳолатлар доирасини чеклай олмайди. Шу сабабли жазо тайинлаш пайтида ушбу моддада кўрсатилмаган бошқа ҳолатлар ҳам жазони енгиллаштирувчи ҳолат сифатида ҳисобга олиниши мумкин (масалан, ижтимоий хавфлилиги катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этилиши, судланувчининг ёш боласи борлиги, жиноятни бировга раҳмдиллик кўрсатилиши сабабли содир этилиши, айбдор томонида бевосита жиноят содир этилганлигидан сўнг жабрланувчига тиббий ёки бошқача тарзда ёрдам кўрсатиши ва ҳк.). бундай ҳолатнинг жазони енгиллаштирувчи ҳолат деб топилганлиги ҳақидаги ҳулоса ҳукмда асослантирилиши керак¹”, - дейилади.

Юридик адабиётлардан ҳам айрим муаллифлар биринчи марта ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят содир қилишни енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаши мумкин, деган фикрлар ҳам мавжуд. Жумладан, В.И.Зубкова “жиноятни биринчи марта содир этилган деб ҳисоблаш учун айбдор олдин умуман жиноят содир этмаган, шунингдек, олдинги жинояти учун жиноий жавобгарликка тортиш муддатлари ёки жазони ижро этиш муддатлари ёхуд судланганлик муддатлари ўтиб кетган ёки қонунда белгиланган тартибда олиб ташланган бўлиши керак²”-деб баён қилади.

Судланганлик муддатининг ўтиб кетганлиги, судланганликнинг барча ҳуқуқий оқибатларини бекор қилади ва янги жиноят содир этилса, жиноят бири нчи марта содир этилган, деб топилади.

Рецидив жиноятини ўрганган Ш.У.Умидуллаевнинг, “ўз навбатида шахс жазони ўтаб бўлганлиги муносабати билан озод этилган пайтдан бошлаб судланганлик ҳолатини тугаллаш қонуний бўлиб, ЖКнинг тегишли моддасида белгиланган муддат тугаши билан ўз таъсирини йўқотди”, деган фикри³га қўшилмадик.

Чунки, қасддан жиноят содир қилган шахснинг судланганидан кейин яна янги қасддан жиноят содир этиши, унинг шахсини бузилганлик даражасини янада чуқурлашиб кетганлигини кўрсатади. Шунинг учун судланганлик институти, жиноят ҳуқуқида ғоят муҳим институт ҳисобланади ва жазони ўтаб бўлиниши билан шахсни судланмаган,деб ҳисоблаш мумкин бўлмайди. Агарда, Умидуллаев Ш.У. таклиф қилганидек бўлса, тузалиш йўлига ўтиб олмаган шахсларни жазони ўтаб бўлганидан кейин назорат қилиш, яъни шахс устидан маъмурий назорат ўрнатишни иложи бўлмайди, жазодан озод бўлганидан кейин

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Судининг Пленуми қарорлари тўплами. II-Том. –Т.: Адолат, 2006. -Б.226

² Курс уголовного права. Том II. –М.: Зерцало-М, 2002. –С.99

³ Умидуллаев Ш.У. Жиноятга оид сиёсатнинг либераллаштирилиши шароитида рецидив институтининг такомиллашуви. Автореф. юрид. фанл. номзоди дисс. –Т.: ТДЮИ, 2002. –Б.19

янги жиноят содир қилса, биринчи марта жиноят содир қилинган деб, ҳисоблашга тўғри келади ва бу Жиноят қонунига мутлақо зид ҳисобланади.

Бизнинг назаримизда, фақат қонунда белгиланган судланганлик муддати ўтганидан кейин жиноят содир этилса, биринчи марта содир этилган, деб топилади.

Юқоридаги фикрлардан келиб чиққан ҳолда, шуни қўшимча қилмоқчимизки, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни биринчи марта содир қилишнинг ўзи, ўз-ўзидан енгиллаштирувчи ҳолат бўлавермайди.

Жиноят биринчи марта содир қилинганлигига қарамай, жиноят содир қилиш мотиви айбдорнинг жиноят содир қилишдан олдинги ва жиноят содир қилишдан кейинги хулқи ва хоказоларни эътиборга олиб ҳамда биринчи марта жиноят содир қилганлигини ҳисобга олиб, сўнг енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблаш мумкин.

Жиноятни биринчи марта содир этилганлигини суд енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисоблашда фақатгина биринчи марта содир қилинганлик фактининг ўзинигина эмас, балки баҳолаш категориялари орқали таҳлил қилиб, сўнг енгиллаштирувчи ҳолат деб ҳисобга олиш мумкин.

Жиноят кодекси 166-моддасининг 1-қисми унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига кирса, 167-, 168-, 169-моддаларининг 1-қисмларида назарда тутилган жиноят ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Амалдаги Жиноят кодексининг мазмунига кўра, ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятларнинг жиноят қонунида белгиланган имтиёзларини қўлланиши деярли бир хил белгиланган. Жумладан, ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ҳақида хабар бермаслик ёки яширганлик дахлдорликни ташкил қилмайди; ана шундай жиноятлар учун Жиноят кодексининг 59-моддаси қоидалари асосида жазо тайинлашда қўллаш усулидан фойдаланиш мумкин, бунда узил-кесил тайинланган жазо содир этилган жиноятлардан энг оғири учун назарда тутилган энг кўп жазо муддатидан ёки меъёридан кўп бўлмаслиги лозим. Жиноят кодексининг 66-, 66¹-, 71-моддалари асосида жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қўлланиши мумкин; бундай жиноят содир этган шахслар озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазони манзил-колонияларида (50-модда) ўтайдилар ва хоказолар.

Таҳлил этилаётган жиноятлар учун судларнинг жазо тайинлаш амалиётини ўрганишдан маълум бўлишича, бу жиноятларнинг оддий тури учун озодликдан маҳрум қилишни кам тайинлайдилар. Чунки, ушбу моддаларнинг биринчи қисмида фақат

талончилик ва ўғрилиқ учун озодликдан маҳрум қилишни тайинланиши мумкинлиги назарда тутилган.

Ўзлаштириш ёки растрата қилиш билан (167-модда) ва фирибгарликнинг оддий тури учун (168-модданинг 1-қисми) талон-тарож қилиш жиноятлари учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилмаган.

Жиноят кодекси 166-моддасининг биринчи қисми бўйича судларнинг жазо тайинлаш амалиётини ўрганиш шуни кўрсатдики, биз тадқиқ қилган ҳукмларнинг 23 фоизигагина озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Биз ўрганган озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳукмларда судлар деярли озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам миқдорига яқин муддатни тайинлаганлар.

Судларнинг Жиноят кодекси 166-моддасини 1-қисми бўйича жазо тайинлаш амалиёти барқарор эмаслиги, кўп ҳолларда ишнинг енгиллаштирувчи ва оғилаштирувчи ҳолатларини ҳисобга олмай жазо тайинлаётганлари аниқланди.

Бундай ҳолатни қуйидаги иккита жиноят ишлари бўйича тайинланган жазоларни таққослаш орқали кўрсатиш мумкин.

Т.Ш.Ш. исмли шахс савдо дўконидан очиқдан-очиқ 10 минг сўм пул ва жами 14000 сўмлик ҳар хил сигареталарни талончилик йўли билан талон-тарож қилган. “Ш” олдин судланмаган. Суд унга нисбатан Жиноят кодекси 166-моддасининг 1-қисми билан икки йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган.¹

Иккинчи ҳолда “А” исмли шахс 166-моддасининг 1-қисми билан икки йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган². “А” олдин бир неча марта турли жиноятлари учун судланиб, олдинги жиноятлари учун судланганлик муддати ўтмасдан яна талончилик жиноятини содир қилган.

“А” 1993 йил 11 сентябрдаги суднинг ҳукмига мувофиқ 1995 йил 1 апрелигача амалда бўлган Жиноят кодексининг 125-моддасининг 2-қисми билан судланган ва жазони ўтаб чиққан. Суднинг 2001 йил 16 ноябрдаги ҳукмига мувофиқ Жиноят кодекси 277-моддасини 1-қисми билан 2 йил муддатга (безорилик учун) аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган. 2002 йил 20 мартдаги суднинг ҳукмига мувофиқ (277-моддасининг 3-қисми “а” банди ва 169-модданинг 2-қисми “б” банди билан) Жиноят кодексининг 59- ва 60-моддаларига асосан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилишга ҳукм этилган. Суднинг 2004 йил 28 июлдаги ажримига мувофиқ ўталмай қолган 1 йил 9 ой 4 кун озодликдан маҳрум қилиш жазоси,

¹ Андижон вилояти Жиноят ишлари бўйича Бўз туман судининг 2007 йилдаги архивидан.

² Андижон вилояти Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2006 йилдаги архивидан.

худди шу муддатга ахлоқ тузатиш ишлари (Жиноят кодекси 74-моддаси) билан алмаштирилган. 2005 йил 26 феврал куни амнистия акти асосида жазодан озод қилинган. 2006 йил 11 май куни бозорда Қ.га тегишли бўлган 8000 сўм пулни очикдан-очик тортиб олиб, қочиб кетган.

Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики “А” ўз ҳаётини моддий таъминлашнинг жиноий йўлини танлаган ва бу йўлда кетма-кет жиноят содир қилаверган. Ҳар сафар суд унга нисбатан жазо тайинлашда жиноят қонунида назарда тутилган имтиёзларни қўллаб жазо тайинлаган. Лекин “А” бундан ўзига тегишли хулоса чиқармай жиноий фаолиятини давом эттирган.

Шу ўринда рус олими М.Д.Шаргородскийнинг куйидаги фикрини ўринли деб ҳисоблаймиз “Жазонинг самарадорлигини оширишни таъминловчи объектив шароитлар бузилар экан, ҳар қандай жазо кўзланган натижага олиб келмайди”, деб ёзади¹.

Судьяларга жиноят учун жазо тайинлашда жазо турини танлаш ва ўз нуқтаи-назарини чуқур ва ҳар томонлама асослаб бериш мажбурияти юклатилган. Лекин, айрим судьялар томонидан ҳар доим ҳам бундай мажбуриятни тўғри ва тўла бажармоқда, деб бўлмайди.

Биз, М.Усмоналиевнинг “Ҳар қандай жиноят учун жазо тайинланар экан, бу жазо ўз қилмишининг оқибати эканлигини шахс англаши керак. Асоссиз равишда жуда енгил жазо тайинлаш айбдорда етарли даражада жазоланмай қолганлиги ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни боплаб алдаганлиги хиссини пайдо қилса, бошқа шахсларда эса ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ҳодимларининг ишидан норозилик хиссини келтириб чиқаради”, - деган фикри²га ҳам тўла қўшиламиз.

Судларнинг талончилик жиноятининг оддий тури (166-модданинг 1-қисми) учун жазо тайинлаш амалиётини таҳлил қилинганида, биз ўрганган талончиликнинг оддий тури учун жазо тайинланган ишларнинг 38,4 фоизига ахлоқ тузатиш ишлари, 23 фоизига озодликдан маҳрум қилиш тайинланганлигини, 30,7 фоизи эса амнистия акти орқали жазодан озод қилиш қўлланилганлиги, 7 фоизи шартли ҳукм қилинганлиги аниқланди.

Жиноят кодекси 166-моддасининг 1-қисми билан квалификация қилиниб озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳукмларни ўрганиб кўрилганида, бундай жиноят учун энг оғир жазо тариқасида икки йилдан ортиқ муддатга тайинланган озодликдан маҳрум қилишни аниқланмади. Аммо, 166-модданинг 1-қисми санкциясида уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган.

¹ Қаранг: Шаргородский М.Д. Наказание его цели и эффективности. ЛГУ, 1973.

² Қаранг: Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.447

Шу модданинг 2-қисмида ҳам талончиликнинг мураккаб турлари учун ҳам беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси белгиланган. Бундан кўриниб турибдики, қонунда талончиликнинг оддий тури ҳам, мураккаб турлари ҳам унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига китиритилган, талончиликнинг оддий ва мураккаб турларининг ижтимоий хавфлилиқ даражаси қонунда бир хил қилиб қўйилган.

Фикримизча, анча миқдордан кам бўлган мулкни бир киши томонидан, биринчи марта талончилик йўли билан талон-тарож қилишнинг, талончиликни ҳаёт ёки соғлиқ учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб ёки анча миқдордаги мулкни талон-тарож қилишга нисбатан ижтимоий хавфлилиқ даражаси анча кам.

Юқоридагиларга асосланиб Ж.К нинг 166-моддасининг 1-қисми санкциясидаги озодликдан маҳрум қилишнинг муддатини уч йилгача белгиланса, қонун нормаси такомиллашган бўлар эди. Таклиф этилаётган ўзгартириш энг аввало бундай жиноят учун жазо тайинлаш амалиётига мувофиқ келса, иккинчи томондан жиноятларни таснифлашнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси қоидаларига ҳам мос бўлиб тушади. Бандан ташқари қонуннинг адолат принципларига ҳам, жазоларни либераллаштириш принципларига ҳам тўғри келади.

Суд зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-тарож қилганлик учун қонунда белгиланган енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишдан ташқари М.Усмоналиев ёзганидек, “...шахснинг ўз мақсад ва истакларини, эҳтиёж ва тайинлаш талабларини қандай усулда қондириш учун танлаган йўлига боғлиқ. Ўз эҳтиёжи ва талабларини ўзининг ҳалол меҳнати билан қондирадими ёки бошқаларнинг меҳнати ҳисобига ғайри қонуний равишда қондирадими? Ундаги бошқалардан ўзини устун қўйиш, “Мен, фақат мен” тушунчаси қандай даражада шаклланган? Ахлоқий бузуқилиқ ва ҳуқуқий тубанлик қанчалик даражада чуқурлашган, турғун бўлиб қолганлигини,¹ – ҳисобга олиб жазо тайинлашлари керак.

Талончиликнинг оддий тури учун судлар асосан ахлоқ тузатиш ишлари ёки озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаётган бўлсалар, ўзлаштириш ёки растрата қилиш жинояти ва фирибгарликнинг оддий турлари учун озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинламайдилар. Чунки, 167- ва 168- моддаларнинг 1-қисми санкцияларида озодликдан маҳрум қилиш умуман назарда тутилмаган. Амадаги Жиноят кодекси қабул қилинган вақтдаги таҳририда ўзлаштириш ёки растрата қилишнинг оддий тури учун ҳам муқобил жазо сифатида уч йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда

¹ Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. –Тошкент: Янги аср авлоди, 2005. –Б.456

тутилган эди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1999 йил 20 август Қонуни билан 167-модданинг 1-қисмидан озодликдан маҳрум қилиш жазоси чиқариб ташланди¹. Мазкур Қонун қабул қилингунга қадар ҳам ўзлаштириш ёки растрата қилиш жинояти учун озодликдан маҳрум қилиш камдан-кам ҳолларда қўлланган.

Судларнинг 167-модданинг 1-қисми билан жазо тайинлаш амалиётини тадқиқ қилиб, 2002 йилдан 2008 йилгача кўрилган 190 та ишларни танлаб ўрганганилди.

Биз ўрганиб кўрган ҳукмларнинг 37,5 фоизига нисбатан аҳлоқ тузатиш ишлари тайинланган; 25 фоизига нисбатан амнистия акти қўлланиб, жазодан озод қилинган; 25 фоизига нисбатан эса, 66¹-модда асосида ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш қўлланилган. Биз ўрганилган ишларнинг фақат иккитасига нисбатангина қўшимча жазо сифатида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Ушбу маълумотлар ҳақиқий ҳолатни идеал равишда тўғри ифодалаб бера олмасада, аммо шулар асосида муайян хулоса чиқариш мумкин.

Судлар мазкур жиноятлар учун асосан аҳлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинламоқдалар. Ҳар йили амнистия акти қабул қилинаётганлиги муносабати билан бундай жиноятни содир этганларнинг кўпчилиги амнистия акти орқали жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинмоқдалар.

Судларнинг фирибгарликнинг оддий тури (168-модданинг 1-қисми) жазо тайинлаш амалиётини ўрганишдан маълум бўлишича ушбу модданинг 1-қисми санкциясида ҳам озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилмаган ва бу жазо умуман қўлланилмаган.

Фирибгарлик жиноятнинг оддий тури учун жарима, аҳлоқ тузатиш ишлари ёки қамок жазосини тайинланиши мумкин. Жиноят кодекси 167- ва 168-моддалар 1-қисмининг қонунда бир хил белгиланган бўлсада, судларнинг бундай жиноятларнинг оддий турлари учун жазо тайинлаш амалиётида маълум даражада фарқ бор.

Монографиянинг олдинги бобида айтилганидек, Жиноят кодексининг 168-моддаси 1-қисми бўйича жазо тайинлаш амалиётида танлаб олиб ўрганилган жиноят ишларининг 50 фоизига жарима жазоси, 50 фоизига нисбатан эса аҳлоқ тузатиш ишлари тайинланган. 167-модданинг 1-қисми бўйича кўрилган ишларнинг 50 фоизига жарима жазоси тайинланган.

Ўғрилиқнинг оддий тури бўйича (169-модданинг 1-қисми) судларнинг жазо тайинлаш амалиётини ўрганишдан маълум бўлишича, бундай жиноят учун судлар кўпроқ жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қўлламоқдалар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон, 220-модда.

169-модданинг 1-қисми билан жазо тайинланган жиноят ишларининг 10 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Шу ўринда шуни таъкидлаш керакки, 169-модданинг 1-қисми бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахслар олдин бирон-бир жиноят учун судланган бўлиб, судланганлик муддати ўтиб кетмасдан ўғрилик қилган шахслар ёки жиноятлар жами тариқасида жавобгар қилинган. Масалан, “Р” исмли шахс Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 164-моддаси 3-қисми (босқинчилик), 278-моддаси (қиморхоналар ташкил қилиш ёки уларни сақлаш) ва 169-модданинг 1-қисми билан айбланиб ҳукм қилинган. Суд “Р”нинг 164-моддасининг 3-қисми билан 57-модда қоидаларини қўллаб (енгилроқ жазо тайинлаш) 6 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш, 169-моддасининг 1-қисми билан 1-йил озодликдан маҳрум қилиш, 278-моддаси билан 1 йил озодликдан маҳрум қилишни тайинлаб, жиноятлар жами тариқасида 7 йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган¹.

Республикамиз судларида кўрилган ишлардан жами 380 таси ўрганилганда бу ҳукмлар ичида, ўғрилик жиноятининг оддий турини содир этишда айбланиб биринчи марта жиноят содир қилганларга 2001 йил 29 августдан 2008 йил 1 январгача бўлган даврда озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган ҳукмни чиқарилгани аниқланмади.

Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш (66¹-модда) институти Жиноят қонунига киритилгандан кейин 169-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилган шахсларнинг муайян қисмига нисбатан Ж.К нинг 66¹-модданинг қоидалари қўлланиб жавобгарликдан озод қилинмоқда.

Судларнинг Жиноят кодекси 169-моддаси 1-қисми билан жазо тайинлаш амалиётини таҳлил қилишдан маълум бўлишича, биз ўрганган жиноят ишларининг ярмига, яъни 50 фоизига ярашув қўлланилиб жавобгарликдан озод қилинган. 10 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш, 10 фоизига ахлоқ тузатиш ишлари, 20 фоизига нисбатан қамок, 5 фоизига нисбатан шартли ҳукм қилиш, 5 фоизига нисбатан эса амнистия қўлланилиб жазодан озод қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 66¹-моддасида белгиланишича, 167-, 168-, 169-моддаларда назарда тутилган жиноятлар учун ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни қўлланиши мумкинлиги кўрсатилган.

Биз таҳлил қилаётган жиноятларнинг оддий турлари, мураккаб ва жавобгарликни оғирлаштирувчи турларига нисбатан кам содир этилар экан. Шунга мувофиқ равишда мазкур жиноятлар ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар туркумига кириб,

¹ Андижон вилоят Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2007 йилги архивидан.

жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг бошқа турлари ҳам кўпроқ қўлланади (масалан, амнистия акти орқали жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш, шартли ҳукм қилиш ва ҳоказолар). Шунга кўра зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятларининг оддий турлари учун (167-, 168-, 169-моддаларнинг биринчи қисмлари) ярашув институтини қўллаш мумкин бўлган жиноятлар умумий миқдорининг, 17,6 фоизигагина ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш қўлланилган.

Шуни алоҳида қайд қилиш керакки, 2007 йининг дастлабки биринчи кварталини ҳам қўшиб ҳисоблаганда ярашув натижасида жабрланувчиларга етказилан 17 млрд. сўмга яқин моддий зарар айбдорлар томонидан ихтиёрий равишда қопланган.

Бундай ҳолат Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг натижаси, жиноят қонунини ислоҳ қилишнинг катта ютуғи, деб ҳисоблашимиз мумкин. Лекин, шунинг билан бирга муҳим бир томони ҳам борки, жиноят содир қилган шахс фақат жинояти туфайли келтирган зарарни қоплашнинг ўзи билан чекланиб, жинояти учун жавобгарликка тортилмай ёки жазосини олмай қолиб кетмоқда. Жиноят натижасида жабрланганлар эса, зарар қопланганидан қониқиш ҳосил қилиб қолиш билан чекланмоқда. Бундан ташқари ярашув институтини қўлланиши муносабати билан бундай ишларни кўриш учун давлат маблағлари сарфланади, суд ҳаражатлари келиб чиқади ва бу эса, моддий сарф бўлишига олиб келади.

Ярашилганлиги муносабати билан етказилган зарарни қоплаш билан чекланилса худди фуқаровий даъвои жиноят қонуни нормалари билан хал қилишга айланиб қолади.

Бу фикрларимиз билан биз 66¹-моддаси орқали жавобгарликдан озод қилинган шахсларга нисбатан ҳам жазо ёки бошқача мажбурлов чораларини қўллаш керак, деган фикрдан йироқмиз.

Аммо, фикримизча суд ярашув институтини қўллар экан, қопланган зарарнинг миқдоридан келиб чиқиб, суд ҳаражатлари ҳисобига қопланган зарарнинг муайян баробари (масалан, энг кам ойлик иш ҳақининг муайян миқдорига тенг) миқдоридаги пул маблағни тўлашни ҳам белгиланиши керак. ушбу миқдордаги маблағ қопланган зарар миқдоридан олинмай ундан ташқарида бўлиши ва бундай мажбурият айбдор зиммасига юклатилиши мақсадга мувофиқ бўлади. Шундай йўл билан тушган маблағни, суд идораларининг ишини яхшилаш, судьяларнинг ижтимоий ҳимоясини таъминлашда фойдаланиш мумкин бўлади.

2.2. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларининг мураккаб турлари учун жазо тайинлаш

Жиноят кодексини 167-, 168-, 169-моддаларининг иккинчи қисмларида зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. 166-модданинг 2-қисмида жавобгарлик белгиланган турлари жабрланувчининг ҳаёти ёки соғлиғи учун хавфли бўлмаган зўрлик ишлатиб содир этилганлиги учун бизнинг тадқиқотимиз доирасига киритмадик. Лекин, бу модданинг 2-қисмининг “б” ва “в” бандларида назарда тутилган (анча миқдордаги мулкни, бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб) содир этилган талончилик ҳаёт ёки соғлиқ учун хавли бўлмаган зўрлик ишлатиб ёки зўрлик ишлатмасдан ҳам содир этилиши мумкин. бундан ташқари ушбу модда иккинчи қисми санкциясида уч йилдан беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси нисбий муайян санкция тариқасида белгиланган бўлиб, бундай жиноятлар учун судлар асосан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайдилар.

Жиноят кодекси 167-моддасининг 2-қисмида ҳам кўп миқдордаги мулкни талон-тарож қилганлик (“а”-банди) такроран ёки хавфли рецидивист томонидан олдиндан тил бириктириб (“в”-банди) содир этганлик мазкур жиноятларнинг мураккаб турлари сифатида назарда тутилган 167-модданинг 2-қисми “г” бандида компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб содир этганликни таҳлил этилаётган жиноятларнинг мураккаб турларига киритилган. Бу ҳар икки модданинг 2-қисми санкциялари ҳам бир ҳилда белгиланган.

Ўғрилик жиноятининг мураккаб турлари эса бошқачароқ белгиланган, яъни 169-модданинг 2-қисмининг “а”-бандида жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан (киссавурлик) қилганликни, “б” бандида анча миқдордаги мулкни талон-тарож қилиш қилганикни, “в”-бандида бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб, “г”-бандида уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб ўғрилик қилганликни мазкур жиноятнинг мураккаб турларига киритилган. Аммо, бу жиноятлар учун тайинланадиган жазо турлари ва муддатларида деярли фарқ йўқ.

Нима сабабдан бундай жиноятлар мазкур жиноятларнинг мураккаб турлари дейилади? Агарда ушбу моддаларнинг 1-қисмида кўрсатилган жиноятларда жиноят таркиби доирасига жиноятни мураккаблаштирувчи белгилари квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилмаган бўлса, мураккаб турларида жиноят таркибини мураккаблаштирувчи белгилар жиноятни квалификация қилишнинг зарурий белгиси сифатида жиноят таркиби доирасига киритилган. Жиноят таркибини мураккаблаштирувчи белгилар жиноий қилмишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражасини ҳам ошириб юборади ва шунга мувофиқ равишда қонун нормасида жазо ҳам анча кучайтирилган.

2005 йилда Муқимова М.З. томонидан “Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш” мавзусида номзодлик диссертацияси ҳимоя қилинган ва унинг тадқиқот иши умуман бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашга бағишланган бўлсада, зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш бир неча жиноятлар юзасидан жазо тайинлашнинг умумий қоидаларига тегишли бўлиб, зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилишни қамраб олмаган¹.

Маълумки, зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашнинг ва бундай жиноятлар жами тариқасида квалификация қилишнинг қоидалари Жиноят кодексининг 32-, 33-,34-, 54-, 55-, 56-, 59- ва хоказо моддаларида назарда тутилган. Бу борада Муқимова М.З. бир қатор таклифларни ўз тадқиқотида кўтариб чиққан. Аммо, Жиноят кодексининг бу моддалари юзасидан унинг таклиф ва тавсияларини қўллаган ҳолда, қуйидаги фикрларни билдирмоқчимиз:

Маълумки, Жиноят кодекси 33-моддасининг 1 –қисмида жиноятлар жами тушунчаси ва 59-моддасида бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш тартиби берилган. Агар ана шу ҳар икки моддани қиёслаб таҳлил қилинса, 59-модданинг биринчи қисмида айрим камчилиги борлигини аниқлаш мумкин.

Жиноят кодекси 33-моддасида “Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмишни содир этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади”, - дейилади. Жиноят кодекси 59-моддасида эса “Шахс Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ва ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, ... дейилган ва битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлар турли вақтларда содир этилса, қандай жазо тайинлаш кераклиги айтилмаган. Натижада айрим судлар бундай ҳолда жиноят такроран содир этилган деб, айримлари эса шу жиноятларнинг қайси бири оғирроқ бўлса, ўша билан жазо тайинлаганлар. Унинг оқибатида Жиноят кодекси 32- (такроран жиноят содир этиш), 33- (жиноятлар мажмуи), 54-(жазо тайинлашнинг умумий асослари), 59- (бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш), 61- (жазоларни қўшишнинг ҳисоблаш қоидалари) моддаларнинг талаблари бузилмоқда.

Қонунда назарда тутилган қоидаларни бузиб жазо тайинлаш энг аввало шахсда жиддий норозилик кайфиятини туғдиради, Жиноят кодекси 42-моддасида назарда тутилган жазонинг мақсадига эришишни йўқ қилади.

¹ Қаранг: Муқимова М.З. Бир неча жиноят содир этганлик учун жавобгарликнинг хусусиятлари. Юрид. фанл. номзоди ... дис. автореферати. –Т.: ТДЮИ. 2005. -Б.3-24; Унинг ўзи. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш хусусиятлари. Монография. Т.: Адолат, 2005. –**Б.3-115**

Бу борада рус олими И.И.Карпец қонунга мувофиқ бўлган оғир жазо билан шафқатсизлик билан тайинланган жазолар ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ. Содир этилган жиноятга мувофиқ бўлган оғир жазо шахсининг кадр-қиммати камситмайди, балки, инсон шахсига ҳурмат билан муносабатда бўлганлик ва унинг кадр-қиммати ҳурмат қилганлик ва шахсни тўғри йўлга ўтиб олишига ёрдам беришни мақсад қилади”, - деб ёзади¹.

Таҳлил этилаётган мавзуни тадқиқ қилиш мақсадида зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари учун ҳукм қилинган 700 га яқин судларнинг ҳукмларини ўрганиб чиқилиб, бунинг натижасида қуйидаги маълумотлар олинди. Жиноят кодекси 166-моддаси 1-қисми билан жавобгарликка тортилганларнинг миқдори жуда кам.

167-модданинг 2-қисми билан ҳукм қилинган биз ўрганган (190 та жиноят иши) ишларнинг 39,1 фоизга, 168-модданинг 2-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 42,3 фоизига, 169-модданинг 2-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 69,5 фоизига ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинланган. Шу моддаларнинг 2-қисми билан ҳукм қилингаларга жарима жазосини тайинлаш эса, 167-модданинг 2-қисми бўйича 16,3 фоизни, 169-модданинг 2-қисми бўйича 6,7 фоизни ташкил қилмоқда.

Мазкур моддаларнинг 2-қисми бўйича жавобгарликка тортилиб амнистия акти қўлланилиб, озод қилинганлар, 167-модданинг 2-қисми бўйича 22,3 фоизни, 169-модданинг 2-қисми бўйича 3,9 фоизни ташкил қилмоқда.

Ушбу маълумотлар 168-модданинг 2 қисми бўйича 50 та жиноят иши ҳисобидан, 167-модда 2-қисми бўйича 100 та жиноят ишлари ҳисобидан олинган маълумотлар бўлиб, идеал равишда ҳақиқий ҳолатни аниқ кўрсатиб бера олмасада, ҳар қалай таҳлил этилаётган нормалар бўйича жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида тасаввурга эга бўлиш ва шу асосда хулоса чиқариш имконини беради.

Агарда судларнинг 167-модданинг 1-қисми ва 2-қисми бўйича жазо тайинлаш фаолиятини солиштирсак, уларнинг фарқи жуда кам. Яъни, 167-модданинг 1-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 37,5 фоизига ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган бўлса, шу модданинг 2-қисми бўйича ахлоқ тузатиш ишларига тайинланганлар 39,1 фоизни ташкил қилмоқда. Бу модданинг 1-қисми бўйича қонунда озодликдан маҳрум қилиш тайинланганлар 4,4 фоизни ташкил этмоқда. Бу модданинг 1-қисми бўйича жиноят содир этишда айбланаётган шахсларнинг 25 фоизига, 2-қисми бўйича 37 фоизига амнистия акти қўлланилган. 2-қисми бўйича жарима тайинлаш 16,3 фоизни ташкил қилган.

¹ Карпец И.И. Наказание: социальные, правовые и криминологические проблемы. – М.: Юридическая литература, 1973. –С.80

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашда судлар ишдаги оғирлаштирувчи ҳолатларга унча аҳамият бермай қўйганлар. Бунга 166-,167-, 168- ва 169-моддалар билан кўрилган 700 га яқин жиноят ишларини таҳлил қилиб, шундай фикрга келинди.

Масалан, “В” исмли шахс Жиноят кодекси 167-моддаси 1-қисми билан ҳукм қилиниб, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишига ҳукм қилиниб, ойлик иш ҳақининг 30 фоизи миқдорини давлат фойдасига ушлаб қолиш тайинланган. “В” олдин судланмаган, оилали, икки нафар фарзанди бор.

Бу мисолни қиёслаш учун бошқа бир мисолни келтирамыз.

“М” исмли шахс Жиноят кодекси 167-моддасининг 2-қисми “г” банди билан (мансаб мавқеини суистеъмол қилиш орқали) ҳукм қилиниб, икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинланиб ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ўтказишни тайинлаган. “М” 2002 йил 16 июл куни Жиноят кодекси 167-моддасининг 2-қисми билан судланиб, жарима жазосига (уч юз қирқ уч минг сўм) ҳукм қилинган. 2004 йил 29 январ куни, яна 167-модданинг 2-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб содир қилган. Тўғри жарима жазосининг судланганлик муддати бир йил бўлганлиги учун “М” кейинги жиноятни содир қилган пайтда олдинги жинояти учун судланганлик муддати ўтиб кетган.

Суд “М”га нисбатан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари ойлик иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдаси ҳисобига ушлаб қолишни белгилаш жазоси билан ҳукм қилган.

Ушбу жиноятлар учун тайинланган жазолар қонунга зид, деган фикрдан йироқмиз. 167-модданинг 2-қисмидаги жиноят учун енгилроқ, бошқа ҳолда шу модданинг 1-қисми билан биринчи марта жиноят содир қилган шахсга нисбатан оғирроқ жазо тайинланган. Ушбу ҳар икки иш судларда 2007 ва 2008 йилларда кўрилган¹.

Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 7,6 фоизига нисбатан муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш тариқасидаги қўшимча жазо тайинланган. 167-модданинг 2-қисми санкциясида муайян ҳуқуқдан маҳрум қилишни мажбурий равишда тайинлаш назарда тутилмаган бўлсада, Жиноят кодекси 45-моддасининг 3-қисмининг мазмунига кўра, муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш айбдорга асосий жазо тариқасида тайинланмаган бўлса, бундай жазо Жиноят кодекси Махсус қисмининг тегишли моддасида назарда тутилган ҳар қандай турдаги жазога қўшимча жазо тариқасида тайинланиши мумкин.

¹ Андижон вилоят Жиноят ишлари бўйича Асака туман судининг 2007 ва 2008 йилги архивидан.

Жиноят кодекси 167-моддасининг 2-қисмининг тегишли банди билан жавобгар қилинган 100га яқин жиноят ишининг бирортаси учун ҳам озодликдан маҳрум қилиш тайинланмаган. Агар қилмиш бошқа бир оғир жиноят билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган бўлсагина бир хил жазоларни қўшиш осон бўлганлиги учун ҳам мазкур жиноятга ҳам озодликдан маҳрум қилишни тайинланган.

Жиноят кодекси 167-моддаси 2-қисми билан судларнинг жазо тайинлаш амалиётини таҳлил қилишдан шундай хулосага келдикки, шу модданинг 1-қисми ва 2-қисми бандлари билан жазо тайинлашда деярли фарқ қолмаяпти. Агарда ушбу модданинг 2-қисмидаги 4,4 фоиз озодликдан маҳрум қилишни 1-қисми бўйича 66¹-моддани қўллаб жавобгарликдан озод қилишни ҳисобга олинмаса, қолган барча ҳолларда аҳоқ тузатиш ишларини қонунда белгиланган муддат ва давлат фойдасига ўтказиладиган фоизларда деярли фарқ йўқ. Жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларнинг асосий кўпчилик қисми амнистия акти орқали ёки ярашув орқали ёхуд шартли ҳукм қилишни (72-модда) қўллаш орқали жавобгарликдан ёки жазодан озод бўлиб кетмоқда. Бундай ҳолат жиноятчиликнинг умумий олдини олишга салбий таъсир қилиш мумкинми? Чунки, аҳоли ўртасида, “жиноят учун жазоланмай қисқа вақтда озод бўлиб кетасан” - деган фикрнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиб қолиши ҳам мумкин.

Айниқса 167-модданинг 2-қисмида назарда тутилган жиноятларни такроран содир этганлик ёки хавфли рецидивист томонидан содир этганлик ёхуд бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлик билан ушбу модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноят учун оғирлик даражаси бир хил бўлган жазо тайинлаш маълум даражада адолат принципларини бузилишига олиб келиши мумкин. Энг ёмони шундаки, аҳоли орасида юқорида айтилган фикр шаклланиб қолиши мумкин.

Биз ушбу фикрлар билан 167-модданинг санкциясини ўзгартириш керак, демокчи эмасмиз. Қонун санкциялари жуда яхши ва адолат принципларига мувофиқ тузилган. Аммо, судлар жазо тайинлашда ишнинг барча ҳолатларини тўғри ҳисобга олган ҳолда адолатли жазо тайинлашлари керак. Қисқа қилиб айтганда, жазо тайинлашни либераллаштиришни суистеъмол қилмаслик, либераллаштиришни жазони енгиллаштириш ёки жазодан озод қилиш деб, тушунилмаслиги керак.

Жиноят кодекси 167-модда ва 168-моддаларининг иккинчи қисмлари диспозицияси ва санкциялари деярли бир хил. Аммо, судларнинг жазо тайинлаш амалиёти қандай? Қуйида уларни таққослаб кўрамиз.

Фирибгарликнинг мураккаб турлари учун жазо тайинлаш амалиёти ҳам 167-модданинг 2-қисмидаги жазо тайинлашга ўхшайди. Аммо фирибгарликнинг мураккаб

турлари учун озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш 8,9 фоизни ташкил қилмоқда. Агар шахс фирибгарликни биринчи марта содир қилган, қилмиш шу модданинг 2-қисми билан квалификация қилинган бўлса, суд озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазони тайинлаган. Турли вақтларда ва турли судларда 168-модданинг 2-қисми билан квалификация қилинган 50 та жиноий иш юзасидан жазо тайинлаш амалиёти шуни кўрсатдики, ушбу ишларнинг 8,9 фоизига озодликдан маҳрум қилиш, 45,3 фоизига ахлоқ тузатиш ишлари, 15,2 фоизига жарима жазоси тайинланган. 25,3 фоизи амнистия акти орқали, қолганлари эса, турли асосларга кўра жазодан озод қилинган.

Агарда айбдор 168-моддасининг 2-қисмида кўрсатилган жиноятни бошқа оғир жиноят билан бирга ёки алоҳида-алоҳида содир қилган ва қилмиш жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган бўлсагина суд фиригарлик учун ҳам озодликдан маҳрум қилишни тайинлаган ёки шахс олдин ҳар қандай оғир жиноят учун судланиб, судланганлик муддати ўтмасдан фирибгарлик қилган бўлса, озодликдан маҳрум қилишни жазоларини тайинлаган.

“Х” 2002 йил 5 октябрда Жиноят кодекси 169-моддасининг 2-қисми билан тўрт йилга озодликдан маҳрум қилинган, жазони қонунда кўрсатилган қисмини ўтаб бўлганидан кейин, қолган қисми Жиноят кодекси 74-моддаси асосида ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган. Кўп ўтмай амнистия акти асосида жазодан озод қилинган. 2004 йил 21 июн куни ва 2004 йил 24 сентябр кунлари фирибгарлик жиноятини такроран содир қилган. Суд ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олиб “Х” га нисбатан 4 йил муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлаган. Бизнинг фикримизча, суд айбдорга 168-модданинг 2-қисми санкциясида назарда тутилган энг оғир жазони тайинлаб тўғри қилган¹.

Судлар бир неча жиноятлар учун жазо тайинлашда кўпроқ қоплаш усулини қўллаганлар. Чунки, Жиноят кодекси 59-моддасининг 2-қисмида “Агар жиноятлар мажмуини фақат ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятлар ва унча оғир бўлмаган жиноятлар ташкил этса, унда тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаб ... жазо узил-кесил тайинланади”, дейилади. “З” исмли аёл муқаддам, яъни 2005 йил 2 июлда Жиноят кодекси 168-моддасининг 3-қисми билан ҳамда 219-моддани (ҳокимият вакилига ёки фуқаровий бурчини бажараётган шахсга қаршилик кўрсатиш) жиноятларида айбланиб, 3 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. 2007 йил 18 март куни Жиноят кодексининг 74-моддаси асосида жазонинг қолган қисми (2 йил 1 ой 8 кун) ахлоқ тузатиш ишлари билан алмаштирилган. Жазо енгилроғи билан алмаштирилганидан кейин ҳам фирибгарлик жиноий фаолиятини давом эттирган. Яъни, 2007 йил 15 сентябр куни, 2007 йил сентябр ойининг

¹ Андижон вилоят Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2004 йилги архивидан

ўрталарида, 2007 йил сентябр ойининг иккинчи ярмида, яна 2007 йилнинг охирида фирибгарлик жиноятини содир қилган. Яъни, бир ой мобайнида беш марта фирибгарлик жиноятларини такроран содир қилган.¹

Бундан ташқари, жабрланувчилар алданганлигини тушуниб, тилла тақинчокларини қайтаришни талаб қилганларида жавбрланувчилардан бирининг кўкрагига болта билан уриб Жиноят кодекси 105-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жароҳатни етказган. Жабрланувчилардан бошқасини уриб баданига 109-модданинг 2-қисми назарда тутилган шикаст етказган.

Суд “3”га нисбатан 105-модданинг 2-қисми билан “3 йил озодликдан маҳрум қилиш, 109-моддасининг 2-қисми билан бир ой қамок, 168-моддасининг 2-қисми билан икки йил озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаб, қоплаш усулидан фойдаланиб уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди.

Олдинги жинояти учун алмаштирилган ахлоқ тузатиш ишларини 7ой озодликдан маҳрум қилишга алмаштириб, 60-модда қоидалари асосида қисман қўшиш йўли билан 3 йил 3 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосини узил-кесил тайинлаган.

Фирибгарликни бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этиш 167-модданинг 2-қисмида нисбатан кўп ҳолатни ташкил этмоқда. Жумладан, биз тадқиқ қилган 70 та жиноят ишининг 53 фоизи бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган бўлса, (168-модданинг 2-қисми “в” банди), 167-модданинг 2-қисми бўйича эса, 16,9 фоизни ташкил қилмоқда.

Ўғрилиқ жиноятининг мураккаб турлари учун қонунда белгиланган жазо турларида фарқ бўлмасада ахлоқ тузатиш ишлари бироз кучайтирилган, озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам қисми чекланиб, уч йилдан беш йилгача белгиланган. 169-модданинг 2-қисми диспозициясида ҳам анчагина фарқ бор.

Ушбу норма билан судларнинг жазо тайинлаш амалиётини ўрганиб чиққанимизда қуйидаги ҳолат аниқланди.

Судлар томонидан, биз ўрганган 169-модданинг 2-қисми билан ҳукм қилинган 180 жиноят ишларининг 8,4 фоизига нисбатан жарима жазоси тайинланган бўлса, 69,5 фоизига ахлоқ тузатиш ишлари, 11,7 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. 169-модда 2-қисми билан ҳукм қилинганларнинг (180 жиноят ишининг) 6,7 фоизига нисбатан шартли ҳукм қилиш қўлланилган. 3,9 фоизи эса амнистия акти орқали озод қилинган.

¹ Андижон вилоят Жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг 2007 йилги архивидан

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларидан ичида ўғрилик жинояти нисбатан кўпроқ содир қилинадиган жиноят ҳисобланиб, Жиноят кодекси 169-моддасининг 2-қисмида назарда тутилган жиноятлар бошқа қисмларида назарда тутилганларига нисбатан кўпроқ содир қилинар экан. Ўғрилик учун ҳукм қилинган 380 та жиноят ишининг 180 таси, шу модданинг 2-қисми билан ҳукм чиқарилганлиги аниқланди.

Юқорида келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики, ўғриликнинг мураккаб турлари учун ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш қонунда назарда тутилмаганлиги сабабли судлар асосан ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаганлар. Ўғрилик жиноятининг бу тури унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилганлиги учун судлар озодликдан маҳрум қилиш жазосини алоҳида ҳоллардагина, яъни ўғриликнинг мураккаб тури бошқа оғир жиноят билан бирга жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган бўлсагина озодликдан маҳрум қилишни тайинлаганлар. Шунинг учун ҳам ўғриликнинг бундай тури учун озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш 11,7 фоизни ташкил қилган.

Маълумки, Жиноят кодекси Махсус қисмининг ҳар бир моддаларининг қисмлари ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жойлаштирилган ва шунга мувофиқ равишда жазоси ҳам оғирлаштириб белгиланган. Бундай қоидадан 169-модда ҳам мустасно эмас.

Агарда, ушбу модданинг 2-қисмида назарда тутилган жиноятларни ижтимоий хавфлилик даражасига қараб, солиштирадиган бўлсак, уларнинг оғирлик даражаси бир хил эмаслигини кўрамиз. Жумладан, ушбу модданинг 2-қисми “а” бандидаги (жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидаги ашёга нисбатан ўғрилик (киссавурлик) қилиш билан шу модданинг 2-қисми “г” бандидаги уй-жойга, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб содир этишнинг оғирлик даражаси бир хил эмас. Бундан ташқари қонунда киссавурлик учун алоҳида норма билан жавобгарлик белгиланганидан кейин ҳам ушбу жиноят камайган эмас. Ҳар куни жамоат жойларида, транспорт воситаларида киссавурлардан қанчадан-қанча одамлар жабрланмоқдалар. Жабрланувчилар эса, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига деярли мурожаат қилмайдилар.

Жиноят кодекси 169-модда 2-қисми билан ҳукм қилинган 180та жиноят ишини таҳлил қилиб чиққанимизда, шу модданинг 2-қисми “а” банди билан жавобгар қилинган битта ишни учратдик.

Ўғрилик жиноятини тадқиқ қилган олимларнинг асосий кўпчилиги киссавурлар асосан гуруҳ бўлиб жиноят содир қилишларини таъкидлаганлар.

Киссавурлик жиноятини олдини олишда қонунлар санкциясини кучайтириш орқали кўзланган натижага олиб келмаслигини кўплаб таъкидлаганлар. Бундан ташқари киссавурлик асосан бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилаётганлиги туфайли шу модданинг 2-қисми “в” банди билан квалификация қилинади.

169-модда 2-қисми “а” банди билан жавобгар қилинган биз тадқиқ қилган ишлар ҳам бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилган ва шу модданинг 2-қисми “а” ва “в” бандлари билан жавобгарлик қилинган. Суд эса айбдорларга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаган.

Агарда, 169-модда 2-қисми “а” банди юзасидан фикр қилинса, сумкани ичидаги нарсалари билан ўғриланса, анча қиммат турадиган кийимни чўнтагидаги нарсалари билан ўғриланса ва уларнинг умумий суммаси анча миқдорга етмаса, қилмиш 169-модданинг 1-қисми билан, агарда очик сумкани ичидан бир ойлик иш ҳақи миқдоридан ҳам кам бўлган нарса ўғриланса, 2-қисми билан жавобгар қилинади. Ёки, бошқа бир мисол: жабрланувчи шимининг орқа чўнтагидан минг сўм пулини ўғри суғуриб олса, шу модданинг 2-қисми билан жавобгар қилинади, жабрланувчининг уйи, чўнтаги ёки сумкасида, кийимидан энг кам ойлик иш ҳақининг ўттиз бараваригача бўлган миқдор ўғриланса, 169-модданинг 1-қисми билан жавобгар қилинади. Бундай ҳолат жазо тайинлашда риоя қилиниши лозим бўлган адолат принципларига тўғри келмайди.

Бизнинг назаримизда киссавурликни олдини олишда қонуннинг оғирроқ жавобгарлик белгиланган қисми билан жавобгарлик белгилаш орқали эмас, балки киссавурликни олдини олиш чораларини кўриш орқали курашиш керак.

Шуни ҳисобга олиб, киссавурликнинг оғирлик даражасини уй-жойга кириб ўғрилик қилиш билан тенглаштириш тўғри бўлмайди.

Чунки, жабрланувчининг кийими, сумкаси ёки бошқа қўл юкидан ўғрилик қилишда ҳар доим айбдорнинг имкониятлари чекланган бўлади. Чунки, айбдор фақат кийимдаги ёки сумкадаги бир ёки бир неча нарсанигина олиш имконияти бўлади, холос. Бунинг устига жабрланувчининг сезиб қолиши ва бошқаларнинг унга ёрдамга келиш хавфи жуда юқори.

Уй-жойга кириб ўғрилик қилганда, эса жиноятчининг имкониятлари жуда кенгайиб кетади ва хоҳлаган нарсасини (пул, қимматбаҳо нарсалар, зеб-зийнат буюмлари ва ҳоказоларни) олиб чиқиб кетиши мумкин. Бундан ташқари ўғри уй-жойга кирганида, кириш учун эшик, дераза ва бошқа жойларга моддий зарар етказиши мумкин.

Тўғри, “Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 1998 йил 28 декабрдаги “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик, босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш ишлари

тўғрисида”ги Пленум қарорида жабрланувчининг ўзида бўлган кийимидан жабрланувчининг қўлида ёки бевосита унинг ўзида бўлган нарсаларни ёки ёнига дам олиш вақтида қўйган сумкани талон-тарож қилишни кассавурлик билан тенглаштирилиши кераклиги ҳақида тушунтириш берилади¹. Бу тушунтириш амалдаги Жиноят кодекси 169-моддасига мувофиқ келади.

Қонун ўзгартирилмас экан, Пленум қарори ҳам бошқача тушунтириш бера олмайди.

Қуйидаги икки жиноят ишини солиштириш орқали тушунтирилса етарли бўлади: “М” исмли шахс деҳқон бозорида харидор “Х” исмли жабрланувчининг костюмининг чап чўнтагидан 30 минг сўм пулини ўғрилайди. Суд унга нисбатан икки йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаган.

Иккинчи бир мисол: “С” исмли шахс жабрланувчи “И” ховлисига кириб, молхона эшигини бузиб, 400000 сўмлик сигирни ўғрилаб кетади ва сигирни сотиш вақтида ушланган. Суд “С”га нисбатан ҳам ахлоқ тузатиш ишларини қўллаган.

Судлар бу икки ҳолда ҳам қонунда белгиланган доирада жазо тайинлаган. Аммо, 30 минг сўм пулни ўғрилаган билан 400 минг сўмни хоналарга кириб ўғрилик қилинганлиги учун бир хил жазо тайинлаш адолатдан деб бўлмайди.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, фикримизча уй-жой, омборхона ва махсус мулк сақланадиган хоналарга кириб, ўғрилик содир қилишни 169-моддасининг 3-қисмига ўтказиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Кассавурлик жинояти одатда бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилади. Агар айбдорнинг олдин ҳам кассавурлик қилганлиги аниқланса, 169-модданинг 2-қисми ёки 3-қисми билан квалификация қилинаверади. Шунга қўра, амалда жуда кам жавобгар қилинадиган жиноят учун алоҳида бандда 169-модданинг 2-қисм “а” бандида жавобгарлик белгиланиши бундай қилмишнинг ижтимоий хавфлилик даражасини юқори эканлигини билдиради. Ушбу муаммони ўрганган кўплаб мутахассисларнинг таъкидлашларича, жиноятчи қўлга тушмайман, деган умид билан ҳаракат қилади.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 2-қисми билан ҳукм қилинган шахсларнинг асосий кўпчилик қисми шундай жиноят учун биринчи марта судланган шахслардир ва судлар асосан жарима ёки ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаганлар.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг “Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик, босқинчилик йўли билан талон-тарож қилиш ишлари юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги 1998 йил 28 декабр қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тшплами. 1991-2006, Т.1, 2006. –Б.200-224

Жиноят кодекси 169-моддасининг 2-қисми билан жавобгар қилинган биз тадқиқ қилган 180 та жиноят ишининг 86,2 фоизи ўғрилик жинояти учун биринчи марта судланган шахслар экан. Уларнинг 10,6 фоизи ҳар қандай жиноят учун иккинчи марта, 3,4 фоизи эса учинчи марта судланаётган шахслардир. Уларнинг хавфи рецидивист томонидан қилинса, деган 169-модда 3-қисмиданинг “а” банди билан жавобгар қилинмаганлигининг сабаби, Жиноят кодекси 34-моддаси 2-қисмининг мазмунига кўра, улар олдин 169-модда назарда тутилганидан бошқа жиноятлар учун судланган шахслардир.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 2-қисми бўйича жазо тайинланган шахсларнинг асосий кўпчилик қисми бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноят содир қилганлар. Агар шу модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар учун ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни қўллаш ҳисобга олинмаса жазо тайинлашда жазо турларини танлаб тайинлашда фарқ жуда кам. Уларни солиштирадиган бўлсак, шу модданинг 1-қисми бўйича жавобгар қилинганларнинг 10 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган бўлса, 2-қисми бўйича эса, 11,7 фоизига озодликдан маҳрум қилиш тайинланган.

Ўғрилик жинояти учун судларнинг жазо тайинлаш амалиёти ва қонун нормаларининг амалда қўллаш ишларини таҳлил қилиб, 169-моддани янги таҳрирда қабул қилиш керак, деган хулосага келинди.

2.3. Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларининг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари учун жазо тайинлаш

Жиноят кодекси 167-моддасининг 3 –қисми, 168-моддасининг 3-қисми ва 169-моддасининг 3-ва 4-қисмлари жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари ва зўрлик ишлатилмай содир этиладиган жиноятлар бўлганлиги туфайли шундай жиноятлар учун судларнинг жазо тайинлаш амалиёти ўрганилди.

Жиноят кодекси 167-модда 3-қисмида ўзлаштириш ёки растрата йўли билан ўзгалар мулкини жуда кўп миқдорда (“а” банди), ўта хавфли рецидивист томонидан “б” банди, уюшган гуруҳ томонидан ва уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб (в-банди) талон-тарож қилганлик ҳамда компьютер техникаси воситаларидан фойдаланиб талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик белгиланган. Бизнинг тадқиқотимиз доирасига бундай жиноятлар тушунчаси, жиноят таркибини ифодаловчи белгилар кирмаганлиги учун ҳам, фақат мазкур жиноятлар учун судларнинг жазо тайинлаш амалиёти ўрганиб чиқилди.

167-модданинг 3-қисмида назарда тутилган жиноятлар оғир жиноятлар туркумига киритилган ва санкциясида энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш назарда тутилган.

Бундан ташқари, ушбу моддада, етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмаслиги назарда тутилган.

Жиноят кодекси 167-моддасининг 3-қисми билан ҳукм қилинган 100 та жиноят ишини ўрганиб чиққанимизда 37,8 фоизига нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари, 27,8 фоизига нисбатан – жарима, 11,2 фоизига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш, 4,5 фоизига нисбатан шартли ҳукм қилиш жазолари қўлланилган.

167-модданинг 3-қисмида назарда тутилган, биз ўрганган жиноят ишларининг 17,8 фоизига нисбатан 57-модда (енгилроқ жазо тайинлаш) қоидалари қўлланилган. 18,9 фоизига амнистия асосида жазодан озод қилиши қўлланилган.

Судларнинг 167-модданинг 3-қисми бўйича жазо тайинлаш амалиётини таққосласак, ҳар иккала қисми бўйича озодликдан маҳрум қилишнинг кўрсаткичлари бир хил эмас. Агар, 2-қисми бўйича озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш 4,4 фоизни ташкил қилган бўлса, 3-қисми бўйича 11,2 фоизни ташкил қилмоқда. Мазкур модданинг 3-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 17,8 фоизига нисбатан 57-модданинг қоидалари асосида енгилроқ жазо тайинланганини сабаби шундаки, бундай жиноятлар оғир жиноятлар туркумига кирганлиги, муқобил жазо сифатида жариманинг энг кам миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари, ёхуд озодликдан маҳрум қилишнинг беш йилдан ўн йилгача бўлган муддати билан қонунда чегараланиб қўйилганлигидир.

Аммо, ахлоқ тузатиш ишларининг энг кам ва энг кўп муддати қонунда чегараланган. Шунинг учун суд ахлоқ тузатиш ишларини олти ойдан уч йилгача тайинлаши мумкин. Қонунда айбдор келтирилган зарарни қоплаган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо тайинламаслигини белгилангани шундай жиноятни содир қилган шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланишидан сақлаб қолмоқда.

Суд томонидан 2008 йил 5 май куни “С” исмли шахснинг жиноят иши кўрилиб, 167-модданинг 3-қисми “а” банди билан ҳукм қилинган. Ҳукмда келтиришича “С” “Муҳаммад” фермер хўжалигига мол боқувчи бўлиб ишга кирган. Молларни боқиш учун Қирғизистон Республикаси Ўзган тумани яйловига жами 68 бош қорамолни хайдаб кетади. “С” жами 23 бош, баланс баҳоси 8.260.000 сўмлик молларни касалликка чалиниб сўйилди, деб

ўзлаштириб юборган. “С” “Муҳаммад” фермер хўжалигига келтирган зарарни ҳисобга олиб, суд унга нисбатан Жиноят кодекси 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан ҳукм қилиниб, ойлик иш ҳақининг 20 фоизини ушлаб қолиб давлат фойдасига ўтказиш билан уч йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларини тайинлаган. “С” муқаддам судланмаган, оилали, бир нафар фарзанди бор¹.

Бизнинг фикримизча, ишнинг барча ҳолатларни ҳисобга олган ҳолда, “С”га нисбатан жазо тўғри тайинланган. Суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва жазо тайинлашни либераллаштириш туфайли оғир жиноят содир қилган шахсларга нисбатан ҳам озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазони тайинлаш имконияти вужудга келди. Шунинг учун ҳам 167-модданинг 3-қисмида назарда тутилган жиноятлар оғир жиноят бўлишига қарамай биз ўрганиб чиққан 100га яқин жиноят ишларининг 11,2 фоизигагина озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги аниқланди.

Агар, 167-модданинг 3-қисмида назарда тутилган жиноят бошқа бир факат озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинланиши шарт бўлган жиноят билан жиноятлар жами тариқасида квалификация қилинган бўлсагина судлар озодликдан маҳрум қилишни тайинлаганлар.

Таҳлил этилаётган жиноятлар оғир турдаги жиноятлар туркумига кирганлигига қарамай, бундай жиноятлар учун жарима жазосини тайинлаш имконияти ҳам вужудга келди. Шу туфайли биз тадқиқ қилган юзга яқин жиноят ишларининг 27,8 фоизига нисбатан жарима жазоси тайинланган.

Жиноят кодекси 167-моддасининг 3-қисми мазмунига кўра, айбдорлар томонидан келтирилган зарарни қопламаган тақдирда ҳам санкцияда назарда тутилган озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазони тайинлашлари мумкин. буни қуйидаги жиноят ишини мисол тариқасида келтириш мумкин.

“Д” “Машина трактор парки” акциядорлик жамиятида ёнилғи мойлаш материаллари омбор мудир вазифасида ишлаган.

Суд “Д”га нисбатан 2007 йил 25 декабрдаги ҳукми билан Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан жарима жазосига ҳукм қилган (“Д” олдин Жиноят кодексининг 277-моддаси 2-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилган. Лекин, Ўзбекистон мустақиллигининг ўн йиллиги муносабати билан чиқарилган амнистия актига асосан жавобгарликдан озод қилинган).

¹ Андижон вилояти Жиноят ишлари бўйича судининг 2008 йилги архивидан

Суд “Д”нинг олдин судланмаганлигини ҳисобга олиб, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 167-моддаси 3-қисми “а” банди билан Жиноят кодексининг 57-моддаси қоидаларини қўллаган ҳолда ойлик иш ҳақининг 200 баравари миқдорида (907.000 сўм) жарима жазосига ҳукм қилган. 167-модданинг 3-қисмида жариманинг миқдори энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдори белгиланган¹.

Жиноят кодекси 167-моддасининг 3-қисмида назарда тутилган жиноятлар оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлишига қарамай, бу қисмнинг санкциясида озодликдан маҳрум қилишдан ташқари жарима ва аҳлоқ тузатиш ишлари яъни муқобил жазолар назарда тутилганлиги, мазкур жиноят содир қилган шахсларга озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазони тайинлаш имкониятини вужудга келтирди. Бу билан озодликдан маҳрум қилиш жазосини ўташ билан боғлиқ бўлган жуда кўп миқдордаги давлат маблағларини иқтисод қилиш, жазони ижросини таъминлашга қаратилган кўплаб мутахассисларни бу ишга жалб қилиш зарурати қолмади ва энг муҳими, мазкур жиноятда айбланган кўплаб одамлар озодликдан маҳрум қилишнинг салбий таъсиридан қутулиб қолди. Ниҳоят судланганлик муддати жуда қисқарди.

Жиноят кодекси 78-моддасига кўра, озодликдан маҳрум қилинган судланганликнинг энг кам муддати тўрт йил белгиланган бўлса, жарима жазоси ижро этилган кундан кейин, аҳлоқ тузатиш ишлари эса, жазоси ўталгандан кейин бир йил қилиб белгиланган.

Жиноят кодекси 168-моддасининг 3-қисмида фирибгарликнинг жавобгарликни оғирлаштирувчи турлари сифатида жуда кўп миқдордаги мулкни талон-тарож қилиш, ўта хавфли рецидивист томонидан, уюшган гуруҳ томонидан ва уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб талон-тарож қилганлик учун жавобгарлик назарда тутилган, бўлиб, Жиноят кодекси 15-моддасининг мазмунига кўра, мазкур жиноят оғир жиноятлар гуруҳига киритилган. Шунинг учун ушбу жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилиш жазоси кўпроқ тайинланган. Жиноят кодексининг 168-моддасининг 3-қисми билан ҳукм қилинганлар ўрганиб чиқилган ишларининг 40 фоизига аҳлоқ тузатиш ишлари, 60 фоизига нисбатан эса озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган.

Фирибгарлик жинояти учун ҳукм қилинганларнинг асосий кўпчилик қисми қалбаки ёки сохта ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда жиноятларни содир қилган. Тадқиқ қилинган жиноят ишларининг 54,6 фоизига шундай ҳужжатлардан фойдаланган ҳолда жиноятни содир этиб, жиноятлар жами тариқасида Жиноят кодекси 168- ва 228-моддалар билан квалификация қилиниб жазо тайинланган.

¹ Андижон вилоят Жиноят ишлари бўйича судининг жорий архивидан.

Маълумки, ушбу модданинг 4-қисмида етказилган моддий зарарнинг ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланмаслик кўрсатилган. Судлар мазкур модданинг 3-қисми бўйича қоидага амал қилган ҳолда жазо тайинламоқдалар. 168-модданинг 3-қисмида жавобгарлик белгиланган жиноятлар оғир жиноятлар туркумига киритилган бўлсада, шу модданинг 3-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 40 фоизига озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазо, асосан ахлоқ тузатиш ишлари тайинланган.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинламаслик, жиноят жазони оғирлаштирувчи ҳолатларда содир қилинган тақдирда ҳам қўлланадими, ёки суд ушбу жиноятчи томонидан келтирган зарарни қоплаган тақдирда ҳам бу қоидани қўлламаслиги ҳам мумкинми? Ўрганилган жиноят ишларининг озодликдан маҳрум қилишни қўлламаслик тўғрисидаги норма жиноят ишида енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлган ёки бўлмаганлигидан қатъий назар озодликдан маҳрум қилиш қўлланмаган. Чунки, “Қонунда етказилган моддий зарарни ўрни қопланган тақдирда озодликдан маҳрум қилиш тариқасидаги жазо қўлланилмайди” – деб қатъий белгилаб қўйилган ва судларга енгиллаштирувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиб жазо тайинлаш имкониятларини қолдирмаган.

Бу ҳолатларни судда кўрилган қуйидаги жиноят ишини мисол тариқасида келтириш мумкин.

“А” ва “М”лар олдиндан жиноий тил бириктириб, тақроран 168-модданинг 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни содир қиладилар. Улар 2008 йил 10 феврал куни “М” исмли шахснинг автомашинасини сотиб олиб, пулини кейин олиб келиб берамиз, деб алдаб кетадилар ва автомашинани бозорга олиб бориб сотадилар ва пулларни ўз эҳтиёжларига ишлатиб юборадилар.

2005 йил 8 март куни “А” исмли шахснинг автомашинасини ҳам сотиб олиш ниқоби остида алдаб олиб кетадилар ва бозорда сотиб, пулини ўз эҳтиёжлари учун ишлатиб юборадилар. “А” ва “М”ларнинг жиноий қилмишида Жиноят кодексининг 56-моддасининг 1-қисми “м” бандида ва “н” бандида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар бўлганлигига қарамай суд “А”га нисбатан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишлари тайинлаб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш бўйича ва “М”ни эса, бир йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилиб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолишни белгилайди¹.

¹ Андижон вилояти Жиноят ишлари бўйича судининг 2008 йилги архивидан.

Жиноят кодексининг 167-модда ва 168-моддаларининг 3-қисми “в” бандида мазкур жиноятларни уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Жиноят кодекси Махсус қисмининг моддалари қисмларга ва бандларга бўлиниб, ҳар бир қисмлар ва бандларида назарда тутилган жиноятлар оғирлик даражасига қараб жойлаштирилган.

Жиноят кодекси 167-, 168-моддаларида бу жиноятларни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этиш энг оғир жиноят сифатида шу қисмнинг энг охирига жойлаштирилган. Уюшган гуруҳ аъзоси бўлмаган шахснинг жиноятини уюшган гуруҳнинг жиноятдан ҳам сунъий равишда оғирроқ жиноят, деб белгиланган. Ваҳоланки, 167-модда ва 168-моддаларда назарда тутилган жиноятларни уюшган гуруҳнинг манфаатларини кўзлаб содир қилиш, шундай жиноятни содир қилишга мажбур қилинганлиги ёки айрим сабабларга кўра шахс шундай шароитга солиб қўйилганлиги туфайли содир қилган бўлиши мумкин. Одатда шахс ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб жиноят содир қилмайди. Агарда шахс уюшган гуруҳ ёки унинг бирор аъзоси томонида бу жиноятни содир этишга мажбур қилинган бўлса, Жиноят кодекси 55-моддасининг 1-қисмининг “г” бандига биноан жазони енгиллаштирувчи ҳолат ҳисобланади. қонунда эса, мазкур жиноятларнинг энг оғири сифатида кўзда тутилган.

Бу ҳолатларни ҳисобга олиб 167-модда ва 168-моддаларнинг 3-қисми “в” бандидаги “Уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса”, - деган нормани шу моддаларнинг (167-, 168-моддалар) 2-қисмига “д” банд деб ўтказилиши керак. Шунда, объектив сабаб туфайли жиноят содир қилган шахснинг қисмати маълум даражада енгиллашади, адолат принциплари ҳам бу моддаларда тўла қарор топади ва судлар жазо тайинлашда бу моддаларнинг 2-қисми санкцияси доирасида жазо тайинлайди. Бундай ўзгартириш, ҳозирги даврда амалга оширилаётган либераллаштириш тамойилларига ҳам мувофиқ келади.

Жиноят кодексининг 169-моддасининг 3-қисмида ўғрилик жиноятларининг оғир турлари, 4-қисмида ўта оғир турлари учун жавобгарлик белгиланган.

Ўзгалар мулкини зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари ичида энг кўп содир қилинадиган ва нисбатан хавфлироғи ўғрилик жиноятларидир. Шунинг учун ҳам 169-модданинг 3 ва 4-қисмлари санкциясида фақат озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Демак, судлар бундай жиноятлар учун озодликдан маҳрум қилишдан бошқа жазони тайинлай олмайдилар.

Жиноят кодекси 169-моддаси 3- ва 4-қисмлари бўйича 2005-2008 йилларида кўрилган 200га яқин жиноят ишлари таҳлил қилиб кўрилганда, уларнинг 90 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Қолган 10 фоизига нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддаси (енгилроқ жазо тайинлаш) қоидалари қўлланилиб, ахлоқ тузатиш ишлари ва шартли ҳукм қилиш жазолари қўлланилган.

Мазкур модданинг 3-қисми санкциясида фақат беш йилдан саккиз йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Демак, суд ушбу модданинг 3-қисми бўйича агар, 57 ва 72-моддаларининг қоидаларини қўлламаса, озодликдан маҳрум қилишдан бошқа жазони тайинлай олмайди.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисмида ўғрилик жиноятини такроран содир этганлик, хавфли рецидивист томонидан содир этганлик учун, компьютер тизимида рухсатсиз кириб содир этиш ва кўп миқдорда содир этганлик жавобгарлик назарда тутилган. Ўрганилган жиноят ишларнинг 90 фоизига озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Нима сабабдан зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жиноятларининг оғир турлари учун озодликдан маҳрум қилиш жуда оз миқдордаги шахсларга нисбатан тайинланган бўлса, ўғриликнинг жавобгарликнинг оғирлаштирувчи турларига асосан озодликдан маҳрум қилиш кўп тайинланган. Чунки, ўғрилик жиноятининг кўрсаткичларида камайиш юз бермаяпти. Бу жиноятларнинг содир қилишнинг осонлиги меҳнат қилмасдан ўғрилик орқали топилган жиноий бойлик орқали яшашга ўрганиб қолиш, ишсизлик, жамиятдаги иқтисодий муаммолар, шахснинг оилавий инқироzi бу жиноятни содир этилишига олиб келувчи шарт-шароитлардир. Мазкур жиноятга қарши кураш ишида турли-туман чоралар қўлланилган бўлишига қарамай, яқин ўтмишда бундай жиноят учун жазо кучайтирилган тарзда ҳам бу турдаги жиноятда камайиш юз бермади.

Бундай ҳолатни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг суд статистикаси бўлимидан олинган маълумотлар ва бизнинг ўрганишимиз ишимиз ҳам тасдиқламоқда.

Судларнинг ўғрилик жинояти учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиб, шундай хулосага келдикки, ўғриликнинг энг кўпи 169-модданинг 3-қисми “а” банди билан жавобгар қилинмоқда.

Жиноят кодексининг 169-моддасининг 3-қисми билан жавобгарлик қилиниб, жазо тайинланган 200 та жиноят иши таҳлил қилинганда, шу қисм билан ҳукм қилинганларнинг ўғрилик жиноятини такроран содир қилганларини ҳам қўшиб ҳисоблаганда, 42,7 фоизни, биринчи марта судланганлар ташкил қилмоқда. Ўғрилик учун олдин судланиб, яна шундай жинояти учун иккинчи марта судланганлар 30,7 фоизни, учинчи марта судланганлар 14,3 фоизни, тўртинчи ва ундан ортиқ судланганлар 12,5 фоизни ташкил қилмоқда. Демак, 169-

модданинг 3-қисми барча бандлари билан ҳукм қилинганларнинг 57,3 фоизини ўғрилик жинояти учун олдин шундай жиноят содир этиб, судланганлар ва ўғриликнинг касб қилиб олган шахслар содир қилмоқдалар. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми билан ҳукм қилинган 200 та жиноят ишининг 42,7 фоизи биринчи марта ўғрилик қилишда, яъни шу модданинг 3-қисми “б” банди билан ҳукм қилинган шахслардир. Бу модданинг “б”-банди кўп миқдордаги мулкни талон-тарож қилганлик учун жавобгарликни назарда тутди. Ушбу маълумотлар мазкур жиноят ҳақида аниқ маълумотлар бермасда, бу ҳақда фикр юритишга мажбур қилади. Содир этилаётган жиноятлар ичида латентлиги юқори бўлган жиноят ўғрилик жиноятчилигидир. Чунки, жабрланувчилар ҳар доим ҳам ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга турли сабаблар туфайли, мурожаат қилмайдилар ва натижада содир этилган ўғрилик латент жиноят бўлиб қолаверади.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисмида ўғриликни такроран содир этганлик, хавфли рецидивист томонидан содир этганлик, компьютер тизимига рухсатсиз кириб ва кўп миқдорда содир этганлик учун жавобгарлик кўзда тутилган. Судларнинг Жиноят кодексининг 169-моддасининг 3-қисми бўйича жазо тайинлаш амалиётини ўрганиб ўғриликни такроран содир этишнинг қонунда белгиланган тушунчасини таҳлил қилиб, ушбу нормада қисман адолатсизлик бор, деган хулосага келдик. Чунки, қонунда ўғриликни такроран содир этиш билан хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги учун мазкур модданинг битта қисми ва битта бандида жавобгарлик белгиланганини маълум даражада қонуннинг ўзида адолат принципларига риоя этилмаганлиги, жазо тайинлаш масаласида ҳам маълум даражада адолатсизликка йўл қўйиш имкониятлари борлигини кўрсатмоқда.

Жиноят кодексининг 32-моддасида такроран жиноят содир этиш тушунчаси берилган бўлиб, бу тушунча 1959 йилда қабул қилинган Ўзбекистон ССРнинг Жиноят кодексида берилган тушунчадан тамоман фарқ қилиб, олдинги жинояти учун шахс судланмай яна, айнан ўша жиноятга ўхшаш жиноятни содир қилса, такроран содир этилган деб топилади.

1959 йилда қабул қилинган Жиноят кодексидаги такроран жиноят содир қилиш билан амалдаги Жиноят кодексидаги такроран тушунчаларининг фарқи шундаки, олдинги Кодекснинг умумий қисмида такроран жиноят содир қилиш тушунчаси берилмаган. Фақат, Жиноят кодекси Махсус қисмининг айрим моддаларида (масалан, 125-моддасининг изоҳида ўзгалар мулкни ўғрилик йўли билан такроран талон-тарож қилиш тушунчаси берилганди. Бунда, ўғриликни такроран содир этилган деб топиш учун, шахснинг олдинги ўғирлик жинояти учун судланганлиги, ёки судланмаганлигининг аҳамияти йўқ эди.

1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган, амалдаги Жиноят кодексининг Умумий қисмида, яъни мазкур Кодекснинг 32-моддасида такроран жиноят содир этишнинг аниқ

тушунчаси берилди ва бунда олдинги жиноят такроран содир этилган, деб топилмай, рецидив жиноят деб, ҳисобланадиган бўлди.

Қонунда такроран содир этилган деб топишнинг бошқача ҳолати белгиланмаган. Масалан, шахс Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир қилиб, хали судланмай туриб, яна шу модданинг 1-қисмида кўрсатилган жиноятни содир этса, қилмиш шу модданинг 3-қисми “а” банди билан жавобгар қилинади. Ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноятни қонунда оғир жиноят турига айлантириш билан, оғирроқ жазо чоралари тайинланмоқда

Бундан ташқари ўғриликни такроран содир этилганликни хавфли рецидивист томонидан содир этилганлик билан тенглаштириб қўйиш тўғри бўлмайди. Чунки, ўғриликни хавфли рецидивист томонидан содир қилиш деганда, Жиноят кодекси 43-моддасининг 2-қисмининг мазмунига кўра шахс олдин Жиноят кодексининг 169-моддасининг хоҳлаган қисми бўйича икки марта судланган бўлиши керак. Шахс биринчи марта ўғрилик учун судланиб, иккинчи марта ўғрилик қилганидагина хавфли рецидивист деб топилади. Аммо, суд амалиётида ўғрилик учун бир марта судланиб, судланганлик муддати ўтмасдан шахс, яна ўғрилик қилса, судлар хавфли рецидивист томонидан содир қилинган деб, жиноятларни квалификация қилмоқдалар ва Жиноят кодексининг 169-моддаси 3-қисмининг “а” банди билан айблаб жазо тайинламоқдалар ва шундай амалиёт айрим судларда оддий ҳолга айланиб қолган. Бундай ҳолатни судда 2008 йил 9 март куни кўрилган қуйидаги жиноят иши ҳукмини кетириш билан асослаш мумкин.

2008 йил 9 март куни Булоқбоши туман судида “Л” исмли шахснинг жиноят иши кўрилиб, унинг жиноий қилмиши Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисми “а” банди билан (ўғрилик хавфли рецидивист томонидан содир қилинса, деган “а” банди) квалификация қилинган. Ушбу норманинг санкциясида беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш назарда тутилган. Суд “Л”га нисбатан Жиноят кодексининг 57-моддаси қоидаларини қўллаб, уч йил муддатга озодликдан маҳрум қилишни тайинлаган.

Иш ҳолатларига кўра “Л” 2007 йил 22 сентябр куни юқорида айтилган туман суди томонидан Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми ва 169-моддасининг 2-қисми “г” банди билан жиноятлар жами тариқасида уч йил муддатга аҳлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган. 2007 йил декабрдаги амнистия акти билан жазодан озод қилинган.

2008 йил 20 декабр куни “М” исмли шахснинг уйига кириб, жами 43 минг сўмлик мулкни ўғирлаб кетилган. Суд “Л”нинг бу ўғрилик жиноятини Жиноят кодексининг 169-моддасининг учинчи қисми “а” банди билан квалификация қилиб жазо тайинлаган¹.

Биринчи марта ўғрилик учун судланиб, иккинчи марта содир этилган ўғрилик жиноятини “хавфли рецидивист томонидан қилинса” – деган норма билан квалификация қилиб жазо тайинлаш амалдаги Жиноят кодексининг 169-моддасининг 3-қисмининг “а” бандига хилоф. Чунки, 169-модданинг 3-қисми “а” бандида ўғриликни хавфли рецидивист томонидан содир этилганлиги учун жавобгарлик назарда тутилади. Шахс ўғрилик учун биринчи марта судланиб, яна ўғрилик қилса, иккинчи ўғрилик жиноятини содир этишдан олдин хали хавфли рецидивист деб ҳисобланмай, шу иккинчи жиноятни содир қилиши муносабати билан хавфли рецидивист деб ҳисобланади. Бу билан кўринадики, агар шахс яна ўғрилик жиноятини содир этса, агар бошқача квалификация қилишнинг оғирроқ белгиси бўлмаса, қилмишни хавфли рецидивист томонидан қилинса, деган норма билан жавобгар қилиш мумкин. чунки, шахс олдинги ўғрилик жиноятлари учун камида икки марта судланиб, учинчи марта яна шундай жиноят содир қилсагина “хавфли рецидивист томонидан қилинса” – деган норма билан жавобгар қилиш мумкин.

Жиноят кодексининг 34-моддасининг 2-қисмида хавфли рецидивист тушунчаси қуйидагича берилган: “Илгари ҳукм қилинган жиноятга ўхшаш жиноят содир этган, ушбу Кодекста алоҳида кўрсатилган ҳолларда эса, Махсус қисмнинг бошқа моддалари билан ҳам ҳукм қилинган шахснинг қасддан янги жиноят содир этиши, хавфли рецидив жинояти деб топилади”, - дейилади. Қонуннинг ушбу мазмуни бизнинг юқорида айтган фикрларимизга тўла мувофиқ келади.

Юқорида келтирилган Булоқбоши туман судида кўрилган “Л”нинг жиноий қилмишини нотўғри квалификация қилиб, жазо тайинлашда мазкур суднинг айби йўқ деб ҳисоблаймиз. Чунки, бундай амалиёт Ўзбекистоннинг кўплаб судларининг фаолиятида шаклланиб қолган. Бундан ташқари, қонуннинг мукаммал ишлаб чиқилмаганлиги, шундай хатога йўл қўйилишига ҳам сабаб бўлмоқда. амалдаги Жиноят кодексининг 169-моддасининг ҳозирги таҳрининг мазмунига кўра шундай жиноят учун агар бошқача оғирроқ квалификация қилиш белгилари бўлмаса, ўғрилик учун олдин судланиб, яна ўғрилик қилса шу модданинг 1-қисми билан квалификация қилиб жазо тайинлаш керак бўлади. Бундай ҳолда яна адолатсизлик юз беради. Қонундаги бу камчилик судларни олдин судланган шахснинг яна янги ўғрилик қилишини Жиноят кодексининг 169-моддасининг 3-қисми “а” банди билан жавобгар қилишга мажбур этмоқда.

¹ Андижон вилояти Жиноят ишлари бўйича судининг 2008 йилги архивидан

Қонундаги ана шундай камчиликни бартараф қилиш учун Жиноят кодексининг 169-моддаси 2-қисмига “шундай жиноят учун олдин судланган шахс томонидан содир қилинса”, - деган банд киритилиши, Жиноят кодексининг 169-моддасигагина эмас, балки Махсус қисмнинг бошқа моддаларига ҳам киритиш мақсадга мувофиқ бўлади.

Жиноят кодексини бундай норма билан тўлдирилиши энг аввало қонундаги камчиликни бартараф қилади. Бу билан қонуннинг адолатлилиқ принципи амалга ошади ва энг муҳими жиноят содир этган шахснинг айбига мувофиқ бўлган жазони тайинлаш имконияти вужудга келади.

Судларнинг Жиноят кодекси 169-моддаси бўйича жазо тайинлаш амалиётини ўрганиб, қонундаги яна бир номувофиқлик тўғрисида баён қилишни лозим топдик.

Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми “а” бандида ўғрилиқни “такроран ёки хавфли рецидивист томонидан”, - қилинганлиги учун жавобгарлик белгиланган. Судлар томонидан ушбу норма билан жазо тайинланган ҳукмлар ўрганилиб, ҳамда Жиноят кодексининг 32-моддасининг мазмунини таҳлил қилиниб, жиноятни такроран содир этиш ва хавфли рецидивист томонидан содир этишнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси бир хил эмас, деган фикрга келдик. Қонунда уларни бир хил даражага қўйиш маълум даражада адолат принципларини амалга ошириш имконини бермайди. Уларнинг ижтимоий хавфлилиқ даражаси бир хил эмас. Чунки, шахс муайян жиноят учун судланиб, яна шундай жиноятни содир қилганлиги унга нисбатан содир этган жинояти учун тайинланган жазодан етарли ҳулоса қилмаганлигини ва жазо қўллашдан Жиноят кодекси 42-моддаси 2-қисмида кўзда тутилган мақсадга эришилмаганлигини кўрсатади. Муайян жиноят учун судланганлигига қарамасдан яна шундай жиноятни содир этганлиги жиноятчи шахс ҳуққининг янада чуқурроқ бузилганлигини, янада тубанлашганлигини ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини янада ошганлигини кўрсатади. Энг ёмони шундаки, бундай шахслар жиноятни ҳар сафар содир қилганда, ўша жиноятни содир этишнинг мукамал усулларини қўллайдилар. Жазони ўташ вақтида бошқа шундай жиноятни содир қилган шахслардан ўша жиноятни содир этишнинг сирларини ўзлаштириб борадилар. Натижада жиноий йўл билан топилган даромад, уларнинг яшаш тарзига ва моддий эҳтиёжини шундай йўл билан қондиришнинг асосий манбаига айланиб қолади.

Такроран жиноят содир қилинганда эса, шахсга нисбатан жиноий жавобгарлик қўланмаган, жазо тайинланмаган бўлади. Такроран жиноят содир этилганда эса, шахс олдин шундай жиноятни неча марта содир қилганидан қатъий назар шахс биринчи марта судланган ҳисобланади.

Юқорида кўрсатилганларга кўра, жиноятни такроран содир қилиш билан хавфли рецидивист томонидан содир қилиш, уларнинг мазмуни жиҳатидан ҳам, ҳукуқий оқибатлари жиҳатидан ҳам жиноят субъектлари жиҳатидан ҳам фарқ қилади. Шунинг учун, уларни ижтимоий хавфлилигини бир хил даражага қўйиш тўғри бўлмайди.

Бундай ҳолатни Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисми “а” банди билан чиқарилган иккита ҳукми солиштириш орқали асослаш мумкин.

2007 йил 28 март куни Андижон туман суди томонидан “Н” исмли шахс Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисми “а” банди билан такроран ўғрилиқ қилишда айбланиб, беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган.

Иш ҳолатларига кўра, “Н” 2007 йил 28 август куни “С”нинг уй-ховлиси панжарасидан ошиб тушиб, “Агилель” русумли сув насосини ўғирлаб кетади. “С” яна худди шу куни “Э” исмли шахснинг уй-ховлисидан электродвигатель ва бошқа электр асбобларини (жами, 62 минг сўмлик) ўғирлаб кетади. Суд қонунга мувофиқ равишда Жиноят кодекси 169-модданинг 3-қисми “а” банди билан беш йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлайди.

2005 йил 4 январ куни Андижон туман суди томонидан “М” исмли шахс Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисми “а” банди билан ҳукм қилиниб, олти йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаган. “М” олдин Жиноят кодексининг 127-моддасининг 4-қисми “а” банди ва 169-моддасининг 4-қисми “а” банди билан ўн бир йил муддатга озодликдан маҳрум қилинган. Жазонинг муайян қисмини ўтаб бўлгандан кейин Жиноят кодексининг 74-моддаси қоидаларини қўллаб, жазони қолган қисмини аҳлоқ тузатиш иши билан алмаштирилган. “М” жиноий фаолиятини давом эттириб, 2007 йил 27ноябр куни “А”нинг молхонасидан қора молини ўғирлаб олиб кетган¹.

Жиноят кодексининг битта нормаси билан жавобгарлик қилинган иккита иш юзасидан тайинлаган жазоларни солиштирсак, биринчи иш юзасидан “Н”га исбатан беш йил, иккинчи иш юзасидан “М”га нисбатан олти йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси ҳар иккаласининг айби, шахси ва бошқа ҳолатларига кўра адолатли эмас. Ушбу ишларда суд ҳар иккаласининг жиноятини тўғри квалификация қилган ва қонунга мувофиқ жазо тайинлаган. Аммо, қонундаги номувофиқлик эса, енгилроқ жазо тайинлаш имкониятини қолдирмаган.

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралдаги 1-сонли “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Пленум қарорининг жазо тайинлашнинг умумий асосларини қўллаш бўйича берган тушунтиришининг 4-бандида

¹ Андижон вилояти Жиноят ишлари бўйича судининг 2007 йилги архивидан.

“Қонун тайинланадиган жазо тури ва меъёрини айбдорнинг шахсини тасдиқловчи объектив ва ижтимоий омиллар билан боғлиқ қилиб қўйганлиги туфайли судлар жиноят ишларини кўриб чиқиш пайтида мазкур ҳолатларни (бунда Пленум қарори Жиноят кодексининг 54 моддасида назарда тутилган ҳолатларни назарда тутмоқда. Шарҳ бизники) аниқлашлари шарт. Объектив омилларга, хусусан айбдорнинг ёши, жинси, ҳомиладорлик ҳолати, ижтимоий омилларга муносабати судланганлиги, жамиятдаги ҳуқ-атвори, машғулот, давлат ёки ижтимоий мавқеи ва ҳоқазолар киради¹”-дейилган.

Пленум қарорининг ушбу тушунтиришлари нисбатан объективликни таъминлашга қаратилган бўлсада, судлар жазо тайинлашда бундай тушунтиришни ҳисобга олмоқдалар. Аммо, мазкур Пленум қарорида айрим нотўғри тушунтиришлар берилганки, улар амалдаги қонуннинг мазмунига тўғри келмайди.

Жумладан, ушбу Пленум қарорининг “Бир неча жиноят ва бир неча ҳукм юзасидан жазо тайинлашга оид қонунларни қўллаш бўйича”, берган тушунтиришининг 49-бандининг 6-хат бошисидаги тушунтириш амалдаги Жиноят кодекси 32-моддаси 2-қисмидаги қонун нормасига зиддир.

Унда шундай дейилади – “Шахс Жиноят кодекси Махсус қисми айнан бир моддасининг турли қисмларида назарда тутилган ўхшаш қилмишни содир этганликда айбдор деб топилганда, жазо шу модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича тайинланади (Жиноят кодексининг 33-моддаси), - деб кўрсатилган².

Ушбу берилган тушунтиришда “Айнан бир модданинг турли қисмларида назарда тутилган ўхшаш қилмишни содир этган тақдирда ...” деб икки ёки ундан ортиқ жиноий қилмиш тушунилмоқда.

Жиноят кодекси 33-моддасининг 2-қисмида, “Агар шахс содир этган қилмишда ушбу Кодекс Махсус қисм айти бир модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларнинг аломатлари мавжуд бўлса, у модданинг оғирроқ жазо белгиланган қисми бўйича жавобгарликка тортилади”, -деб кўрсатилган. Демак, ушбу қонун мазмунига кўра, битта модданинг турли қисмларида назарда тутилган ўхшаш жиноятлар эмас, балки битта жиноий қилмиш ҳақида гап кетади. Қонунда “... содир этган қилмишда”, - деб грамматик мазмунини таҳлил қилинса, биргаликда бермоқда ва битта жиноятни назарда тутмоқда.

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. II-жилд. 1991-2006 йиллар. Тошкент: Адолат, 2006. –Б.226

² Қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. II-жилд. 1991-2006 йиллар. Тошкент: Адолат, 2006. –Б.239

Пленум қарорининг юқорида кўрсатилган нотўғри тушунтириши туфайли шахс бир неча марта ўғрилик қилиб, улар Жиноят кодекси 169-моддасининг турли қисмларида кўзда тутилган жиноятлардан иборат бўлган бўлса, уларнинг энг оғири билан жавобгар қилинмоқдалар ва бу билан Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини, Жиноят кодекси 32- ва 33-моддаси қоидаларини, 54-моддада белгиланган қоидаларни ва ниҳоят 59-моддадаги бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш қоидаларини бузмоқдалар.

Жиноят кодекси 33-моддасининг 2-қисмида битта жиноят ҳақида гап боради ва уни қуйидаги мисол билан тушунтириш мумкин.

Айтайлик, уй-жойга кириб, жуда кўп миқордаги мулк бир гуруҳ шахслар томонидан ўғрилик йўли билан талон-тарож қилинган. Гуруҳ аъзоларидан бирини хавфли рецидивист, деб ҳисоблайлик. Мазкур жиноят бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб содир этилганлиги учун Жиноят кодекси 169-моддасининг 2-қисми “в” бандида назарда тутилган ҳаракатни квалификация қилиш белгиси ҳисобланади. Уй-жойга ғайриқонуний равишда кириб, ўғрилик қилингани эса, шу модданинг 2-қисми “г” бандида назарда тутилган жиноятни квалификация қилиш, гуруҳ аъзоларидан бири хавфли рецидивист бўлганлиги учун шу модданинг 3-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни квалификация белгилари бор. Жуда кўп миқдордаги мулк талон-тарож қилинганлиги туфайли Жиноят кодекси 169-моддасининг 4-қисми “а” бандида назарда тутилган жиноятни квалификация қилиш белгиси бор. Демак, битта жиноятда муайян модданинг учта қисмида назарда тутилган квалификация қилиш белгиси бор. Бу ҳолда жиноий қилмишни қайси квалификация қилиш белгиси бўйича жавобгар қилиш керак, деган савол туғилади.

Қонуннинг мазмунига кўра (32-модданинг 2-қисмида берилган норманинг мазмунига кўра) бундай ҳолда гуруҳ аъзоларининг барчаси 169-модданинг 4-қисми “а” банди билан жавобгар қилиниши керак. Чунки, гуруҳ аъзолари битта жиноятни содир этиб, бу жиноятнинг энг оғир квалификация қилиш белгиси 169-модданинг 4-қисми “а”-бандида кўрсатилган жуда кўп миқдордаги мулкни талон-тарож қилишдир.

Агар бир неча марта ўғрилик жинояти содир этилиб, уларнинг ҳар бири алоҳида-алоҳида жиноят бўлиб, 169-модданинг турли қисмларида назарда тутилган жиноятлардан иборат бўлса, Жиноят кодекси 33-моддаси 2-қисмининг ҳамда 32-модданинг мазмунига кўра бир қанча жиноятлардан иборат бўлади ва жиноятлар жами тариқасида жазо тайинлаш керак бўлади. Жиноят кодекси 32-, 33- ва 59-моддаларининг мазмунига кўра бундан бошқача жазо тайинлаш тартиби йўқ.

Жиноят кодекси 33-моддаси 2-қисмида шундай ҳоллар жиноий қилмишни қандай квалификация қилиш кераклиги жуда аниқ ва тўғри ёритиб берилган. Яъни, бундай ҳолда ўша модданинг оғирроқ жазо белгиланган квалификация қилиш белгиси бор қисми бўйича жавобгар қилиниш кераклиги тўғрисида айтилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 169-моддаси, 4-қисмида ўзгалар мулкини ўғрилик йўли билан талон-тарож қилишнинг алоҳида оғир турлари учун жавобгарлик назарда тутилган. Судларнинг ўғрилик учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиб, шундай хулосага келдикки, Жиноят кодекси 169-моддасининг 4-қисмида назарда тутилган жиноят шу модданинг бошқа қисмларидагига нисбатан камроқ содир қилинар экан. Жиноят кодекси 169-моддасининг барча қисмлари билан ҳукм чиқарилган 380 та жиноят ишлари ўрганиб чиқилганда 2,5 фоизигина Жиноят кодекси 169-моддасининг 4-қисми билан жавобгар қилинган. Ушбу модданинг 4 қисми билан жавобгар қилинган шахсларнинг барчасига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган. Бу норманинг санкциясида фақат саккиз йилдан, ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Жиноят кодекси 169-моддасининг 4-қисми билан жавобгар қилинган шахсларнинг уч фоизига нисбатан Жиноят кодекси 57-моддаси асосида енгилроқ жазо тайинланиб, санкцияда белгиланган озодликдан маҳрум қилишнинг энг кам қисмидан ҳам камроқ озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланган. Ушбу келтирилган рақамлар ҳақиқий ҳолатга жуда аниқ тўғри келмасада, ҳар ҳолда мазкур масалада фикр қилиш учун керак бўладиган маълумотлардир.

III-БОБ. ЎҒРИЛИК ИШЛАТМАСДАН ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ ЖИНОЯТЛАРИНИ ОЛДИНИ ОЛИШНИНГ ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ МУАММОЛАРИ

3.1. Ўғрилик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларини содир этиш шарт-шароитлари

Мамлакатимизда иқтисодий қайта куриш ва уни ривожлантириш амалга оширилаётган ҳозирги даврда жамият аъзоларининг маънавий жиҳатдан баркамоллаштириш, уларнинг билим ва маданий савиясини ошириш йўлида жуда катта ишлар амалга оширилмоқда.

Сўз юритилаётган масала иқтисодий жиноятлар учун жазо тайинлашни ўрганишга бағишланган бўлиб, иқтисодий соҳада жиноятчиликни олдини олишнинг энг муҳим шарти ишлаб чиқаришнинг энг замонавий технология асосида ривожлантириш, ишлаб

чиқаришнинг мақсадга мувофиқ структурасини ва инвестиция стратегиясини амалга ошириш, мулк тақсиротини адолатли хал қилиш, миллий валюта ва бутун молия тизимини мустаҳкамлаш, инфляцияни камайитириш ва иқтисодийёт билан боғлиқ бўлган соҳаларни ривожлантириш талаб қилинади.

Президентимиз И.А.Каримов Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 14 йиллигига бағишланган тантанали маросимида “Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш - устувор вазифалардир”, - мавзусида қилган маърузасида “Ҳеч кимга сир эмас – биз қураётган янги жамият ҳаётимизга тобора кириб келаётган янгилашни жараёнлари ислохотларнинг тақдири ва келажаги аввало, халқимизнинг бу ўзгаришларни қўллаб-қувватлашига, жойларда шу борада одамларимизнинг фаоллиги, уларнинг дунёқараши, онгу тафаккурини юксалишига боғлиқ”, - деган эди¹.

Иқтисодий жиноятларни олдини олишда ислохотларни муваффақиятли амалга ошириш орқали жиддий муваффақиятларга эришилганлигига қарамасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларида камайиш юз бермаётганлиги, хали бу борада, анчагина амалга оширилиш керак бўлган вазифалар турганлигини кўрсатмоқда.

Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар ва суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришнинг пировард мақсади, инсон ҳуқуқлари ва манфаатлари тўла-тўқис таъминланадиган ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаровий жамиятни барпо этишдан иборат экан, ана шу вазифаларни амалга оширишга маълум даражада жиноятчилик, шу жумладан иқтисодий жиноятлар ҳам тўсиқ бўлиб қолади.

Ҳозирги жаҳон молиявий инқирози юз бераётган бир шароитда, мамлакатимизда коррупция ва иқтисодий жиноятларни олдини олиш ғоят муҳим вазифалардан бири бўлиб қолмоқда.

Президентимиз И.А.Каримов, ўзининг “Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида “Мамлакатимизнинг узок ва давомли манфаатлари тақозо этган ҳолатлардан ва кескин вазиятлардан чиқиш, улар туғдирадиган муаммоларни хал этиш зарур бўлганда иқтисодийётда давлат томонидан бошқарув усуллари қўлланди ва бундай ёндашув охир-оқибатда ўзини тўла оқлади”², - деб айтдилар.

¹ Каримов И.А. Инсон манфаатларини таъминлаш, ижтимоий ҳимоя тизимини такомиллаштириш – устувор вазифамиздир. -Т.: Ўзбекистон, 2007. –Б.5

² Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –Б.8

Ижтимоий тузумнинг ўзгариши, мулкчилик ва иқтисодий муносабатлар турли шакллари пайдо бўлиши иқтисодиётда жиддий ўзгаришларнинг юз беришига олиб келди. Собиқ Иттифок даврида иқтисодий муносабатлар аҳоли ўртасида боқимандалик кайфияти шаклланиб қолганлиги, экстремал вазиятда ва янги жамиятнинг иқтисодий муносабатларига ҳам кўникма ҳосил қилинмаганлиги Ўзбекистон мустақиллигини дастлабки ўн йиллигида аҳолининг иқтисодиётни янгича бошқарилишига етарлича тайёр эмаслиги, ғайри қонуний иқтисодий ҳуққнинг тарқалишига олиб келди. Аҳолининг янги иқтисодий сиёсатни амалга оширадиган қисмининг касбий қайта тайёрлаш соҳадаги жиддий камчиликлар туфайли иқтисодиётни бошқаришнинг янги тизимини жадал ўзлаштириб олишини тез фурсат ичида ҳал қилишини иложи бўлмаганлиги туфайли ҳам айрим фуқаролар шахсида жиноий ҳуққнинг ривожланиб кетишига сабаб бўлди. Боқимандалик кайфияти шаклланиб қолган собиқ Иттифок давридан энди қутулган аҳоли онгининг янги шароитга мослашуви анча қийин кечди. Собиқ Иттифок даврида иттифокдош республикалар ўртасидаги иқтисодий алоқаларнинг узилиб қолганлиги шароитда эскириб кетган технология билан ишлаб турган корхоналарнинг тўхтаб қолганлиги минглаб мутахассисларнинг ишсизлар гуруҳига айланиб қолишига сабаб бўлди. Мамлакатдаги бундай ҳолат ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жиноятларининг кўпайишига сабаб бўлган эди. Ҳар қалай бундай шароитда аҳолининг янги даврга мослашуви анча қийин кечди. Айрим ҳолларда яхши турмуш шароитини яратиб бера оладиган, миллий ғурурни таъминлай оладиган иқтисодий шаклланишнинг янги тизими ва тадбиркорлик ва унинг аҳамиятини нотўғри тасаввур қилиш жамиятнинг ахлоқий-руҳий бирлигига маълум даражада салбий таъсирини кўрсатмай қолмас эди.

Ҳар қандай қасддан жиноят содир этувчи шахс жиноий қилмиши орқали муайян мақсадга эришишни кўзлайди. Хатто жиноят орқали сиёсий мақсадга эришилади.

Рус олими В.Н.Кудрявцев “Одам ўлдириш, одамларни ўғирлаш, одамларни сотиб олиш, террорчилик, тухмат қилиш, ҳужжатларни қалбакилаштириш ва ҳоказо жиноятлар сиёсий мақсадга эришишнинг воситалари сифатида фойдаланиш ҳозирги даврдаги ҳақиқатдир”, - деб ёзган эди.

Иқтисодий жиноятларнинг шароит ва сабабларини бартараф қилишнинг умумий иқтисодий қонуниятларига мувофиқ равишда, жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларидаги зиддиятларни ҳал қилишга қаратилган ва жамиятнинг муҳим вазифаларидан бири жиноятни содир бўлиш шароит ва сабабларини бартараф қилишга қаратилиши керак.

Жиноят содир этган шахсларнинг шахсий хусусиятларини ҳисобга олиб жазо тайинлаш ғоят муҳим ҳисобланади. Судлар жазо тайинлашда Ўзбекистон Республикаси

Жиноят кодексининг 42-моддаси талабларига тўла риоя қилишлари ва жазонинг мақсадига эришишни назарда тутишлари керак. Лекин 700га яқин таҳлил этилаётган жиноят ишлари бўйича судларнинг ҳукмларини ўрганишдан маълум бўлишича уларнинг айримлари ҳар доим ҳам бундай талабга риоя қилмоқдалар, деб бўлмайди. Чунки, жавобгарликдан озод қилинаётганларнинг (масалан, ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш – 66¹-модда) жуда кенг қўлланилаётганлигига қарамай зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятини шундай жиноятлар учун олдин судланганлар томонидан содир этилиши анча қисмни ташкил этмоқда.

Ҳар бир жиноят содир қилган шахсда ўзининг яшаётган муҳит билан боғлиқ ҳолда яхши ва ёмон сифатлар шаклланиб боради. Ҳатто жиноят содир қилган шахсларнинг ҳар бирининг ўзига хос хусусиятлари бўлади. Жумладан, безори ўғри талончилик қилмаслиги ёки босқинчи ўғрилик қилмаслиги мумкин. Ҳатто, ўғри одамлар билан жуда хушмуомалада бўлиши, юриш-туришда жуда маданиятли бўлиши, уларнинг бир тоифаси кассавурликни, бошқа бирлари қулфларни очишга уста бўлиши, яъни ўғрилар бу жиноятнинг муайян усулини ўзлаштириб олган бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш амалга оширилганлиги муносабати билан тадқиқ этилаётган жиноятлар учун судланганлар миқдорининг ўсишини тўхтатишга ёки ўсишини минимум даражага пасайтиришга эришилмоқда.

Рўйхатга олинган ёки судланган шахсларнинг миқдор кўрсаткичлари кўп ҳолларда қонундаги ўзгаришларга ҳамда аҳоли ҳуқуқий онгининг қай даражада юқорилигига ва ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларининг иш фаолиятининг мукамал ташкил этилганлигига ҳам боғлиқдир.

Бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш муаммоларини тадқиқ қилган М.З.Муқимова "... бу соҳадаги жиноятларда оз бўлсада ўзгариш бўлишига қарамай, статистик маълумотлар нисбий хусусиятга эга бўлиб, ўзгарувчан характерга эга. Бир даврда кўпайиши, бошқа бир даврда камайиш хусусиятига эга бўлиши мумкинлигини таъкидлайди¹. Бунинг судларнинг ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлаш амалиётида кўринади яъни Ўзбекистон Республикаси судларида ахлоқ тузатиш ишлари жазосини тайинлашнинг 2000-2004 йиллардаги фаолиятдан ҳам кўриш мумкин. Жумладан, 2000 йилда ахлоқ тузатиш жазосини тайинлаш 20,2 фоизни ташкил қилган бўлса, 2001 йилда 21,5 фоизни, 2002 йилда 29,3 фоизни, 2003 йилда 27,6 фоизини, 2004 йилда 30,5 фоизни ташкил қилган. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, 2000 йилдан бошлаб ахлоқ тузатиш ишлари жазосини

¹ Муқимова М.З. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш хусусиятлари. -Тошкент: Адолат, 2005. –Б.7

тайинлаш кўпайиб борган. Бундай кўпайишнинг сабаби жиноят содир этиш фактининг кўпайиб борганлиги туфайли эмас, аксинча 2001 йилдан суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бошлангани, оғир жазо чораларини қўллашни чеклаш билан боғлиқ бўлган Жиноят кодексига киритилган қўшимчалар ва ўзгартиришлар туфайли судлар кўпроқ озодликдан маҳрум қилишдан бошқа жазо чораларини тайинланганидир. Шу туфайли аҳлоқ тузатиш жазосини тайинлаш йилдан йилга кўпайиб борган. Шунинг ҳисобига озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш эса йилдан йилга қисқариб борган.

Шунингдек бу ҳолатни статистик маълумотлардан ҳам кўриш мумкин. агарда 2004 йили судда қўрилган жиноят ишларининг 32,4 фоизига озодликдан маҳрум қилиш тайинланган бўлса, 2005 йили – 25,6 фоизини, 2006 йили – 23,4 фоизни, 2007 йили – 21,1 фоизни, 2008 йили-19,9 фоизни ташкил қилган.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашнинг бу даражада қисқариши жамиятнинг катта ютуғи ҳисобланади. Чунки, озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган шахсларнинг ўзи учун ҳам, жамият учун ҳам бир қатор салбий оқибатлар келтириб чиқишига олиб келади. Жамият учун келиб чиқадиган салбий оқибати энг аввало маҳкумларнинг жазосини ижро этиш муассасаларини бутун бир хизмат қисмлари, инсон яшашини таъминлаш учун барча шароитларни ташкил қилиш, катта миқдордаги маъмурият вакиллари ва уларга тўланадиган иш ҳақи ва ҳоказо харажатлар, бу эса давлат бюджетига жуда кўп миқдордаги пул маблағларини сарф қилишга олиб келади. Булардан ташқари маҳкумнинг ўзи учун ҳам бир қатор салбий оқибатлар келтириб чиқаради. Яъни жамиятдаги руҳий касаллар ва айрим оғир турдаги касалликлар оддий шароитдагига нисбатан жазони ўташ колонияларида кўпроқ учрайди. Озодликдан маҳрум қилишнинг салбий оқибати шундаки, М.Усмоналиев “Шахсни жиноий жазо сифатида жамиятдан ажратилганлигининг ўзи, уни эркин инсонларга хос бўлган ҳуқуқларининг чекланиши билан боғлиқ бўлиб, бундай шароит шахсни жамиятдан янада узоқлаштиради ва фақат аҳлоқан тубанлашган шахслар муҳитига солиб қўяди. Шахс эркинлигининг жиддий равишда чекланиши фақат унинг оила аъзолари билан мулоқотда бўлиш ёки учрашишнинг жиддий камайиб кетганлигининг ўзи билан ифодаланмай, жамиятнинг маънавий қадриятларидан баҳраманд бўлишидан ҳам маҳрум этилганлигидир¹-деб ёзади. Озодликдан маҳрум қилинганлар энг замонавий фан, маданият, санъатдан баҳраманд бўлиш, меҳнат жамоалари билан мулоқотда бўлиш, жамиятнинг аҳлоқан пок, ақлан баркамол одамлари билан учрашишдек шароитдан тамоман маҳрум қилинган ёки чекланган шахслардир². Лекин, шунга қарамасдан давлат ўз фуқароларини жиноятчиларнинг тажовузидан сақлаш, хавфсизлигини таъминлаш

¹ Усмоналиев М., Каракетов Й.М. Криминология. -Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б.446

² Ўша жойда.

мақсадида, оғир ва ўта оғир жиноят содир этган ёки хавфли рецидивистларни жамиятдан ажратиш мақсадида озодликдан маҳрум қилиш жазосини назарда тутишга мажбур. Шунинг учун судлар бундай шахсларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашга мажбур бўлмоқдалар.

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бошланганидан буён (2001 йилдан бошлаб) судлар томонидан озодликдан маҳрум қилишни тайинлаш жуда қисқариб кетди. Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилишда айбланиб ҳукм қилинган ва ўрганилган 700га яқин жиноят иши юзасидан шундай хулосага келдикки, Жиноят кодекси Махсус қисмида назарда тутилган жиноятлар тизимида ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятларини содир қилган шахсларга бошқа гуруҳдаги жиноятларга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш кўпроқ тайинланар экан. Агарда 2008 йилда Ўзбекистон судларида озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш яқин 20% фоизни ташкил қилганлигини ҳисобга оладиган бўлсак, биз ўрганган жиноят ишларининг 33% фоизига озодликдан маҳрум қилишнинг тайинланганини солиштирсак юқорида айтилган фикримизнинг тўғри эканлигига ишонч ҳосил қиламиз.

Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари учун ҳар доим ва барча халқларда қонун йўли билан қаттиқ таъқиб остига олинган ва оғир жазо чоралари белгиланган. Чунки шахснинг ойлаб ёки йиллаб оғир меҳнати туфайли топилган мулкини талон-тарож қилиниши, жабрланувчида жиддий ва маънавий қийинчиликларни пайдо бўлишига олиб келади.

Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари кўп ҳолларда уюшган гуруҳлар томонидан ёки иштирокчиликда содир қилиниши билан хаавфлидир. Ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш фақат жабрланувчилар манфаатларига зарар етказибгина қолмасдан, жамият манфаатларига путур етказади.

Шунинг учун ҳам мулк ва унга бўлган эгалик ҳуқуқи қонунлар орқали қаттиқ ҳимоя қилинади. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 53-моддасида “Бозор муносабатларини ривожлантиришга қаратилган Ўзбекистон иқтисодиётининг негизини хилма-хил шакллардаги мулк ташкил этади. Давлат истеъмолчиларнинг ҳуқуқи устунлигини ҳисобга олиб, иқтисодий фаолият, тадбиркорлик ва меҳнат қилиш эркинлигини, барча мулк шакларининг тенг ҳуқуқлилигини ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза қилинишини кафолатлайди”,- дейилади. Демак, мулкни талон-тарож қилиш жиноятлари туфайли фуқароларга ва жамиятга етказиладиган зарарнинг миқдори юқори бўлганлигини ҳисобга олиб, қонунда оғирроқ жазо чоралари назарда тутилган.

Ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятларининг ижтимоий хавфлилик даражасини оширувчи омиллар борки, булар тадқиқ этилаётган жиноятларни кўпроқ бир гуруҳ шахслар томонидан, уюшган гуруҳ ёки жиноий уюшмалар томонидан содир қилинишидир.

Биз тадқиқ қилган жиноятлар ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятлари бўлганлиги учун фақат бир гуруҳ шахслар таркибида жиноят содир қилганларни ажратиб олинди. 700га яқин суд ҳукмларини таҳлил қилганимизда 42,3 фоизи бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб жиноятни содир қилган шахслар эканлиги аниқланди.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятлари ичида гуруҳ бўлиб содир этилаётгани ўғрилиқ жинояти эканлиги маълум бўлди. Бу қуйидаги рақамларда ҳам ўз тасдиғини топмоқда. Биз тадқиқ қилган ўғрилиқ жинояти учун ҳукм қилинганларнинг 52,9 фоизи бир гуруҳ шахслар таркибида амалга оширган, ўзлаштириш ёки растрата қилиш жинояти учун ҳукм қилинганларнинг 15,8 фоизи фирибгарлик жинояти учун ҳукм қилинганларнинг 28,7 фоизи жиноятни бир гуруҳ шахслар таркибида содир этганлиги кўринади.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятларини содир қилувчилар таркибида шундай жиноят учун муқаддам судланганлар умумий 24,4 фоизини ташкил қилмоқда. Бу ҳолатни турларига бўлиб чиқилса, тадқиқ ўғрилиқ жинояти 28,2 фоизни, ўзлаштириш ёки растрата учун судланганларнинг 15,8 фоизини фирибгарлик учун судланганларнинг 28,7 фоизини олдин судланган шахслар томонидан содир этилган. Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятлари содир этувчилар ичида шундай жиноят учун олдин бир неча ва ундан ортиқ судланган шахсларнинг миқдори эса қуйидагини ташкил этмоқда. Фирибгарлик учун судланганларнинг 71,3 фоизи бу жиноят учун биринчи марта судланган шахслардир, 22,8 фоизи шундай жиноят учун иккинчи марта, 6 фоизи учинчи марта судланаётган шахслардир.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми бўйича (ўғрилиқнинг оддий тури) олдин ҳар қандай бошқа жиноятлари учун судланганларнинг миқдори 20 фоизни ташкил қилмоқда.

Шу модданинг 2-қисми бўйича судланганларнинг 86,2 фоизи биринчи марта судланаётган шахсларни, 10,6 фоизи шундай жиноят учун иккинчи марта судланаётган шахслар, 3,4 фоизи учинчи марта судланаётган шахслардир. Лекин, уларга озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазолар тайинланганлиги учун олдинги жиноятининг судланганлик муддати ўтиб кетганлиги туфайли шахс хавфли рецидивист деб ҳисобланмаган.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 42,7 фоизи ўғрилиқ жинояти учун биринчи марта судланган шахслардир.

Рецидив жиноят учун жазо тайинлаш муаммоларини тадқиқ қилган Умидуллаев Ш.У.тадқиқотига кўра, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми бўйича ҳукм қилинганларнинг, яъни рецидив жинояти учун ҳукм қилинганларнинг фақат 6,9 фоизига озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазолар қўлланилган.¹

Тадқиқотлардан маълум бўлишича Жиноят кодекси Махсус қисмида жавобгарлик белгиланган жиноятлар ичида, шу жумладан мулкни талон-тарож қилиш жиноятларида ҳам энг кўп содир этиладигани ўғрилиқ жинояти эканлиги аниқланди. Агар мазкур жиноятчиликда латентликни (содир этилган, аммо рўйхатга олинмаган ўғрилиқ жиноятлари) юқорилигини ҳам ҳисобга олинадиган бўлса, бу жиноятни қанчалик кўп содир этилишини тасаввур қилиш мумкин.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жинояти учун судланганларга нисбатан Жиноят кодексида назарда тутилган имтиёзли нормаларни қўллаш, амнистия акти орқали жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни қўлланиши ҳам бир мунча юқорилиги кўринади.

Жумладан, 167-модданинг 1-қисми бўйича амнистия акти қўлланиб, жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинганлар 25 фоизни, 2-қисми бўйича 37 фоизни, 3-қисми бўйича 18,9 фоизни ташкил этган. Жиноят кодекси 57-моддаси асосида (енгилроқ жазо тайинлаш) қонунда кўрсатилганидан ҳам енгилроқ жазо тайинлаш 17,8 фоизни ташкил этган.

Жиноят кодекси 168-моддаси билан ҳукм қилинганларнинг 25,8 фоизи амнистия акти орқали, 10,7 фоизи шартли ҳукм қилиш орқали жазодан озод қилинган.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми бўйича ҳукм қилинганларнинг 50 фоизига нисбатан 66¹-модда асосида ярашув институти қўлланилган, 5 фоизи амнистия акти асосида жавобгарлик ёки жазодан озод қилинган.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 2-қисми бўйича ҳукм қилинганларнинг 6,7 фоизи шартли ҳукм қилиш орқали 3,9 фоизи амнистия акти орқали жазодан озод қилинган.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисми бўйича 17,6 фоизига нисбатан 57-модда асосида енгилроқ жазо тайинланган, 5,7 фоизига нисбатан шартли ҳукм қилиш (72-модда) қўлланилган.

¹ Умидуллаев Ш. Рецидив жиноят тушунчаси ва рецидив жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. –Т.: Янги аср авлоди, 2001. –Б.88

Бу келтирилган рақамлар суд томонидан жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларга ҳукм чиқаришда қўлланилган имтиёзли нормалар бўлиб, бундан ташқари жазони ўташ вақтида жазони муайян қисмини ўтаб бўлганидан кейин жазодан озод қилишни назарда тутувчи яна бир қатор нормалар ҳам мавжуд. Яъни: Жиноят кодексининг 69, 73, 74, 75, 76-моддаларидир.

Жиноят кодексидаги жавобгарликдан ва жазодан озод қилишни назарда тутувчи нормаларнинг кўплигидан, жиноят қонунини либераллаштириш туфайли Жиноят кодексига киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар мазмунидан қонунлар асосан жабрланувчиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини эмас, балки жиноят содир қилган шахсларнинг манфаатларини ҳимоя қилади, деган фикр туғилиб қолиши ҳам мумкин.

Биз жиноят содир қилган шахсларни жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни назарда тутувчи институт ва нормаларни камайитириш керак, деган фикрда эмасмиз. Қонунда жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни назарда тутувчи нормаларнинг хилма-хил турларининг назарда тутилганлиги энг аввало жиноят қонунининг инсонпарварлик принципининг юқори даражага кўтарилганлигининг исботи ҳисобланади ва жамиятнинг тўғри йўлдан адашган аъзоларини нопок йўлга кириб қолганлигини тезроқ англаб етишига ва ҳалол меҳнат йўлига ўтиб олишига ёрдам беришдан иборатдир.

Жиноят қонунида жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишни белгиловчи хилма-хил нормаларнинг назарда тутилганлиги судларга жазо тайинлаш вақтида содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилиқ даражасини, жиноятнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсини, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларини ва ишнинг бошқа ҳолатларини ҳисобга олиб шахсга нисбатан жавобгарликдан ёки жазодан озод қилишнинг муайян турини танлаб қўллаш ёки жазо тайинлаш имконини беради.

Аммо, асоссиз равишда иш ҳолатлари буни тақозо қилмасда, жавобгарлик ёки жазодан озод қилишни қўллавериш шахсда жинояти учун жавоб бериш ҳиссини пасайтиради. Бу билан эса аҳоли ўртасида қонунларни ҳурмат қилиш ва унинг талабларига риоя қилиш мажбурияти борлигини ҳис қилиш, яъни ҳуқуқий маданиятнинг савияси тушиб кетиши мумкин. Шунингдек ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларига нисбатан ишонч пасайиб кетади.

Жиноят кодекси 57-моддаси қўлланиб ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган “М” исмли шахс билан бўлган суҳбатда шундай дейди: “Ишсиз эдим, шу туфайли жиноят содир қилдим. Менга нисбатан ахлоқ тузатиш ишлари тайинланди. Натижада иш билан таъминландим ва яхшигина маош олмақдаман. Жазо муддатим тугаса мени ишдан

бўшатади. Мени ана шу ҳолат ташвишга солмоқда. Яна янги жиноят содир қилсам яна шундай жазо турини тайинласа ишимни давом эттирган бўлар эдим”-деб таъкидлайди.

Биз ўрганиб чиққан судда кўрилган 700га яқин ҳукмларни таҳлил қилиш чоғида шундай ҳолат аниқландики, жиноят содир қилишда айбланаётган шахс, унга нисбатан қонунда назарда тутилган рағбатлантирувчи нормаларни қўлланилганлигидан тегишли хулоса чиқармай жиноий фаолиятни давом эттирганлар ҳам борлиги аниқланди.

Яъни жиноят кодекси 169-моддаси билан ҳукм қилинган ва биз тадқиқ қилган шахсларнинг 20,2 фоизига олдин амнистия акти орқали жазодан озод қилиш қўлланилган ва жазодан озод бўлганидан кейин ўғрилиқ қилишни давом эттирган. Олдин Жиноят кодекси 73-моддаси асосида жазодан озод қилинганлар 15 фоизни ташкил қилган. Ушбу маълумотлардан кўриниб турибдики, судлар маҳкумни жазодан озод қилишда ҳар доим ҳам иш ҳолатларини батафсил ўрганмаган.

Қуйидаги мисолда юқоридаги фикримиз ўз исботини топади.

“А” исмли шахс 2002 йил 28 март кунидаги суднинг ҳукми билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисми “а” банди билан Жиноят кодекси 57-моддаси қўлланиб, 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш ишларига ҳукм қилинган. У 2002 йил 26 декабрдаги амнистия акти тадбиқ этилиб жазодан озод қилинган, 2006 йил 24 апрелдаги суднинг ҳукми билан Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисми “а” банди билан янги содир қилган ўғрилиқ жинояти учун беш йил муддатга озодликдан маҳрум этилган. 2006 йил 21 феврал куни ўғрилиқ қилганлиги аниқланиб, Жиноят кодекси 59-моддаси асосида олти йил муддатга озодликдан маҳрум этилган.

“А”нинг 2005 йил 29 декабрда ҳам ўғрилиқ қилганлиги аниқланиб, 2006 йил 29 май куни Жиноят кодекси 59-моддаси асосида олти йил икки ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланади.

Ушбу жиноят ишидан кўриниб турибдики, “А”га нисбатан икки марта рағбатлантирувчи норма қўлланган бўлишига қарамай, жазодан озод бўлиши билан жиноий фаолиятини давом эттирган.

Судларнинг жарима жазосини тайинлаш амалиётини ўрганишдан маълум бўлишича айбланувчининг моддий ахволи оғир бўлганлиги учун жарима жазосини ҳар доим ҳам тайинлай олмайдилар чунки бундай жазони тайинлаш эса, ҳукм ижросига салбий таъсир кўрсатади.

Шунинг учун судлар жарима жазосини 167-моддада назарда тутилган жиноятни содир қилган шахсларга кўпроқ қўлламоқдалар.

Жиноят кодекси 167-моддаси билан ҳукм қилинган 200та жиноят ишларини таҳлил қилинганда бу моддани 1-қисми билан ҳукм қилинадиганларнинг асосий қисми ярашув туфайли ва амнистия акти орқали жавобгарликдан ёки жазодан озод қилинганлиги туфайли жарима жазосини тайинлашни зарурати қолмаган. Шу модданинг 2-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 16,3 фоизига, 3-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 27,8 фоизига жарима жазоси тайинланган. Мазкур жиноятни содир қилганлар асосий қисмининг моддий аҳволи яхшироқ бўлганлиги учун жарима жазосини тайинланиши тўғри.

Фирибгарлик жинояти учун ҳукм қилинган шахсларнинг ҳам моддий аҳволи яхши бўлганлиги учун судлар жарима жазосини кўпроқ тайинлаганлар.

Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 50 фоизига, 2-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 11,2 фоизига жарима жазосини тайинлаганлар.

Жиноят кодекси 169-моддаси билан айбланиб ҳукм қилинганларга нисбатан жарима жазоси жуда кам қўлланилган. Яъни, ушбу модданинг 1-қисми билан ҳукм қилинганларга нисбатан жарима тайинланмаган. 2-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 8,4 фоизигагина жарима тайинланган. 3-қисми билан ҳукм қилинганларга нисбатан эса, жарима жазоси умуман тайинланмаган.

Суд томонидан ўғрилиқ жиноятлари учун чиқарилган 380 та ҳукмни таҳлил қилганимизда, уларнинг 60,5 фоизи ҳеч қаерда ишламайдиган шахслар эканлиги аниқланди. Фақат 39,5 фоизигагина жиноят содир қилган пайтда иш билан таъминланган бўлсада, даромади жуда паст ва айримлари моддий жиҳатдан кам таъминланган шахслар ёки оила аъзолари кўпчиликни ташкил қилган шахслардан иборат бўлган.

Бундай ҳолатни ўғрилиқ учун ҳукм қилинганларнинг 60,5 фоизи ишсизлар экани ҳам тасдиқламоқда. Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 55 фоизи оиласиз шахслар томонидан жиноят содир этилганларни. Оиласи бўлиб, бир фарзанди борларни эса 10 фоизни, икки фарзанди борлар 15 фоизни, уч ва ундан ортиқ фарзанди борлар 20 фоизни ташкил қилмоқда.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 2-қисми билан ҳукм қилинганларнинг оиласи бор, лекин хали фарзанди йўқлар 6,2 фоизни, умуман оиласи йўқлар 62,3 фоизни, битта фарзанди борлар 10 фоизни, иккита фарзанди борлар 10 фоизни, 3-4 фарзанди борлар 15 фоизни, 5 ва ундан кўп фарзанди борлар 2,3 фоизни ташкил қилмоқда.

Мазкур модданинг 3-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 53,4 фоизини оиласи йўқ шахслар, бир фарзанди борлар 17 фоизни, икки фарзанди борлар 14,3 фоизни, 3-4 фарзанди борлар 12,5 фоизни, беш ва ундан ортиқ фарзанди борлар, 2,9 фоизни ташкил этмоқда.

Ўғрилик жиноятини содир қилганларнинг деярли ярмида оиласи ва фарзандлари бўлишига қарамай бундай жиноятларни содир қилаётганлиги жамиятдаги ижтимоий муносабатларни ривожлантиришни янада жадаллаштириш лозимлигини тақозо этади.

Фирибгарлик учун ҳукм қилинганларнинг фақат 15,2 фоизидagina оиласи бўлмаган, 19,7 фоизда 1 нафар, 16,7 фоизда 2 нафар, 22,8 фоизда 3 нафар, 16,7 фоизда 3,4 нафар, 9 фоизда 5 нафар ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган шахслардир.

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, биз тадқиқ қилган фирибгарлик учун судланганларнинг 85 фоизи ота ёки она бўлган шахслардир.

Бозор иқтисодиёти тизими шаклланаётган ва жамиятдаги моддий бойлик ҳисобланган мулкни қайта тақсимлаш жараёни кетаётган бир шароитда, олдинги тузумда деярли ҳеч қандай мулки бўлмаган шахсларнинг янги ижтимоий тузумда ҳеч қандай мулкка эга бўлмай қолиши маълум даражада мулкни талон-тарож қилиш жиноятларининг ўсишига олиб келиши табиийдир.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-тарож қилувчиларнинг маълумоти жиҳатидан кўрсаткичлари қуйидагича аниқланди:

Жиноят кодекси 166-моддасини 1-қисми бўйича биз ўрганган ҳукмларда айбдорларнинг барчаси тўлиқсиз ўрта ёки ўрта маълумотга эга бўлган шахслардир. Жиноят кодекси 167-моддаси билан ҳукм қилинганлар моддий жавобгар ёки мансабдор шахслар бўлганлиги учун айбдорларни асосий кўпчилик қисми ўрта махсус ёки олий маълумотга эга бўлган.

Фирибгарликда айбланган шахсларнинг 7,6 фоизигина тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлган, 62,2 фоизи ўрта маълумотга эга бўлганларни, ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар эса 19,7 фоизни, олий маълумотга эга бўлганлар 10,7 фоизни ташкил қилган.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 1-қисми билан ҳукм қилинганларнинг 1,2 фоизи тўлиқсиз ўрта, 8 фоизи ўрта маълумотга, 0,25 фоизи ўрта махсус маълумотга, 0,25 фоизи олий маълумотга эга бўлган шахсларни ташкил этмоқда.

Шу модданинг 2-қисми бўйича тўлиқсиз ўрта маълумотга эга бўлганлар -11,7 фоизни, ўрта маълумотга эга бўлганлар - 83,8 фоизни, ўрта махсус маълумотга эга бўлганлар – 2,8 фоизни, олий маълумотга эга бўлганлар - 1,7 фоизни ташкил этмоқда. Мазкур модданинг 3-қисми бўйича ҳукм қилинганларнинг 25,5 фоизи тўлиқсиз ўрта маълумотга, 71,1 фоизи ўрта маълумотга эга, 6,3 фоизи ўрта махсус маълумотга, 0,6 фоизи эса олий маълумотга эга бўлган шахслар эканлиги аниқланди.

Агарда фирибгарликда айбланган шахслар билан ўғрилик жиноятида айбланган шахсларнинг маълумоти жиҳатидан солиштирилса, фирибгарликда айбланган шахсларнинг маълумотлилик даражаси анча юқори эканлигини кўрамиз. Фирибгарликда айбланган шахсларнинг ўрта махсус маълумотга эга бўлганлари 19,7 фоизни ташкил қилса, ўғрилик жиноятида айбланган шундай маълумотга эга бўлганлар - 2,8 фоизни, олий маълумотга эга бўлганлар - 0,6 фоизни ташкил этмоқда.

Ўғрилик жиноятини ўсишидаги омил, бу жиноятни содир этган шахс меҳнат қилишни хоҳламай, қандай бўлмасин ўзгалар мулкига эга бўлиш мақсадида ҳеч ким йўқлигидан фойдаланиб, ўзгалар мулкани яширин равишда талон-тарож қилади. Улар текинхўрликка ўрганиб қолган, моддий эҳтиёжини меҳнат қилмай бошқалар ҳисобига қондириш йўлига ўтиб олган шахслардир. Айниқса, ишсизлар миқдорининг юқорилиги, ўғрилик жиноятининг ўсишига маълум даражада таъсир қилади.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятларини содир қилган шахсларни ёшига кўра солиштирилганда, ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятларида ҳамда фирибгарлик жиноятида айбланган шахсларнинг ёши, талончилик ва ўғрилик қилувчиларнинг ёшига нисбатан анча юқори эканлигини кўрамиз. Бунинг сабаби ўзлаштириш ёки растрата жиноятлари асосан мулк ишониб топширилган ва улар моддий жавобгар бўлган ҳамда мансабдор шахсларгина содир қила олади. Фирибгарликни эса, анча ақли, ҳаётий тажрибага эга бўлган ва ақли ва ҳаётий тажрибасидан жиноят содир қилишда фойдалана оладиган шахслар содир қиладилар.

Талончилик ва ўғрилик жиноятини ҳар ёшдаги ҳалол меҳнат қилишни хоҳламайдиган шахслар содир қиладилар. Биз тадқиқ қилган ўғрилик жинояти учун ҳукм қилинган шахсларнинг 5,2 фоизи вояга етмаган шахслар эканлиги аниқланди. 18 ёшдан 25 ёшгача бўлганлар 44 фоизни ташкил қилмоқда. 26 ёшдан 30 ёшгача бўлганлар – 15 фоизни, 31 ёшдан 35 ёшгача бўлганлар 16,2 фоизни, 35 ёшдан 45 ёшгача бўлганлар 10 фоизни, 45 ёшдан ошганлар 6,7 фоизни ташкил қилмоқда.

Ушбу рақамлар ҳақиқий идеал ҳолатга тўғри келмасада, аммо фикр қилиш ва муайян хулоса чиқариш учун асос бўлиши мумкин.

Ҳозирги кунда вояга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар умумий жиноятчиликни салкам 4 фоизини ташкил қилгани ҳолда, ўғрилик жинояти учун судланганларнинг 6,2 фоизини ташкил қилаётганлиги ва 25 ёшгача бўлган шахслар ўғрилик жиноятини содир қилаётганларнинг ярмидан ортиғини ташкил этаётганлиги ташвишли ҳолат эканлигини кўрсатмоқда. Иккинчи томондан қараганда эса, хусусийлаштириш жараёни амалга оширилаётган давр учун табиий ҳолдир. Хусусийлаштириш жараёнида

кўплаб собиқ Иттифоқ давридан қолган, эскирган корхоналарнинг тўхтаб қолганлиги, янги корхоналарни қисқа вақт ичида ишга туширишнинг иложи бўлмаётганлиги туфайли ўрта мактабни битирганлар, ўрта махсус ва олий ўқув юртини тугатаётганлар, армия хизматидан бўшатирилганларнинг бир қисмини иш билан таъминлашнинг иложи бўлмаганлиги туфайли ёшлар ўртасида ўғрилик жиноятининг кўпайиши табиий ҳолдир.

Яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, ўғрилик жиноятини содир қилиш кўпроқ ёшлар ўртасида тарқалган бўлсада, тадқиқ қилинган жиноят ишларининг деярли ярмини 25 ёшдан ошган шахслар содир қилганлар. 35 ёшдан ошганлар эса, 17 фоизни ташкил қилаётганлиги мазкур жиноятни содир қилувчиларнинг ёши ҳам юқорилашганлигини кўради.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жиноятларининг содир бўлиш шароит ва сабабларини шартли равишда икки гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Ташкилий ҳўжалик ишларидаги камчиликлар.
2. Ижтимоий-руҳий ҳолатлар.

Эски ижтимоий тузум ўрнига янги ижтимоий тузум муносабатларининг шаклланиши даврида фуқаролар ва мулкни бошқарувчи шахсларнинг янги тузумда мавжуд бўладиган ижтимоий муносабатларнинг тўла тушуниб етмаётганлиги олдинги тузумдаги боқимандалик кайфиятидан қутула олмаганлиги ва мулкни бошқариш ва назорат қилишдаги камчиликлардир. Жумладан, ўзлаштириш ёки растрата қилиш жиноятларини содир бўлишида раҳбар томонидан ҳисоб-китоб ва ҳисобот тизимини назорат қилишдаги камчиликлар ҳом ашё ва материалларни ишлатиш меъёрларини ҳисобга олишдаги камчиликлар туфайли мулкни талон-тарож қилинишига шароит яратилади. Турли йўллар билан ҳисобга кирмайдиган мулкларнинг заҳирасининг яратилиши ҳам мулкни талон-тарож қилинишга сабаб бўлиши мумкин.

Мулкни қайта тақсимлаш жараёнида йўл қўйиладиган камчиликлар ҳамда мулкни хусусийлаштириш жараёнида кўплаб корхоналарнинг тугатилиши минглаб ишсизларнинг пайдо бўлиши, ўқишни тугатганлар, армия сафидан бўшатирилганлар, корхоналарнинг тугатилиши туфайли кўплаб юқори малакали мутахассисларнинг ишсиз бўлиб қолиши, жиний жазодан озод бўлиб келаётганларнинг иш билан таъминлашнинг иложи бўлмаётганлиги ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жиноятларининг энг асосий сабаблардан бири бўлиб қолмоқда. Ўтказилган тадқиқотларга кўра, ўғрилик жинояти учун жиний жазога ҳукм қилинганларнинг 60,5 фоизининг жиноят содир қилиш даврида ҳеч қерда ишламаганлиги аниқланиши фикримизни тасдиқламоқда. Ўғрилик жиноятини содир

қилиш пайтида ишлаётганларнинг миқдори бор-йўғи 39,5 фоизни ташкил қилган бўлсада, улар ҳам оилали, кўп болали ва кам таъминланган оила аъзолари бўлган.

Фирибгарлик жинояти учун жазога ҳукм қилинганларнинг фақат 15,2 фоизидагина оиласи ва фарзандлари бўлмаган. Қолган 84,8 фоизининг оиласи ва фарзандлари бўлиб, уларнинг 40 фоизидан ортиғини учтадан, бештадан ва ундан ортиқ фарзандлари бўлган. Ёши улғайиб қолган, оилали шахсларнинг жиноят йўлига кириб қолиши ташвишли ҳол бўлиб, бу ўз навбатида ислохотларни амалга оширишни янада жадаллаштириш ва жамиятнинг иқтисодий масалаларини ҳал қилишда жиддий ҳаракатлар қилишни тақозо этади.

Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларини содир қилувчилар орасида бу жиноятларни аёллар томонидан оз миқдорни ташкил қилмоқда. Жумладан тадқиқ қилинган Жиноят кодексининг 167-моддаси билан ҳукм қилинганларнинг 6 нафаригина аёллар бўлиб, уларнинг 3 нафари гуруҳ таркибида жиноят содир қилганликда айбланган.

Жиноят кодексининг 168-моддаси билан ҳукм қилинган ва биз ўрганган барча шахсларнинг етти нафари аёллар бўлган. Уларнинг тўрт нафари гуруҳ таркибида жиноят содир этган.

Ўғрилиқ учун ҳукм қилинган ва биз тадқиқ қилган шахсларнинг фақат беш нафари аёллар бўлган.

Судлар аёлларга нисбатан жазо тайинлашда ҳозирги даврнинг жазо тайинлаш сиёсатига асосланиб, уларга нисбатан асосан озодликдан маҳрум қилишдан бошқа турдаги жазоларни тайинлаган.

Ушбу ишимизда тадқиқ этилаётган жиноятлар учун аёлларга нисбатан жазо тайинлаш масалаларига алоҳида тўхталиб ўтмадик. Чунки, уларнинг миқдори жуда кам бўлиб, юқорида келтирилган миқдорни ташкил этмоқда. Бундан ташқари Абдурасулова К.Р. томонидан 2006 йилда “Аёллар жиноятчилигининг жиноят – ҳуқуқий ва криминологик муаммолари” мавзусида докторлик диссертацияси ҳимоя қилиниб, унда маълум даражада умуман аёллар жиноятлари учун жазо тайинлаш масалалари ҳам ёритиб берилган¹.

Ўзгалар мулкини талон-тарож қилишнинг ижтимоий-руҳий сабаблари эса, тарбиявий ишлардаги камчиликлар, ҳар бир фуқародан ва мансабдор шахслардан қонун талабларини тўғри бажарилишини талаб қилишдаги камчиликлар, судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлашда ишнинг барча ҳолатларини ҳисобга олмасдан жазо тайинлашда йўл қўяётган

¹ Қаранг: Абдурасулова К.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят – ҳуқуқий ва криминологик муаммолари”. докторлик диссертацияси автореферати. -Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.3-42

хато ва камчиликлар, асоссиз равишда жавобгарлик ва жазодан озод қилишлар маълум даражада кишиларнинг руҳий ҳолатига таъсир қилмай қолмайди.

Президентимиз И.А.Каримов, ўзининг “Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари” асарида “Ҳар бир давлат тарихида янги ижтимоий сифат ҳолатига ўтиш, афсуски, коррупция ва жиноятчилик каби жирканч ходиса билан бирга юз берган. Шу билан бирга, жиноятчиликнинг ўсиши нафақат ислохотлар йўлига жиддий тўсиқ, балки ўтиш даврида белгиланган мақсадларга эришишга ҳам қарши бевосита таҳдид туғдиради”, - деб ёзган эди¹. Ўтиш даврида коррупциянинг юқорилиги кишиларнинг руҳий ҳолатига ҳам таъсир қилмай қолмайди.

Шунингдек нарҳ белгилаш механизмидаги камчиликлар ҳам кишиларнинг руҳий ҳолатига жиддий таъсир кўрсатади. Бу соҳадаги камчиликлар турли ғайриқонуний ишбилармонлар ва фирибгарларга қўл келади. Ана шу камчиликлардан фойдаланиб қолишдан хазар қилмайдиганлар учун жиноий фаолият билан шуғулланишга шароит яратилади. Натижада аҳолининг асосий кўпчилик қисми ҳисобланган қонунга риоя қилувчилар ўртасида юқори малакали меҳнатни кадрига етиб, уларга ҳақ тўлашнинг адолатлилиги тўғрисида шубҳа туғилиб қолиши мумкин.

Ўтиш даврида иқтисодиётда жиддий ўзгаришларнинг юз бериши экстремал вазиятда аҳолининг иқтисодиётни бошқаришни мукамал ўрганиб олмаганлиги ва ҳоказолар иқтисодий салбий ҳулқининг кенг тарқалишига сабаб бўлади.

Кўплаб корхоналарнинг тугатилиши туфайли аҳолининг ишсиз қолган қисмини касбини қайта тайёрлаш соҳасидаги жиддий камчиликлар туфайли иқтисодиётни бошқаришнинг янги тизимини жадал ўзлаштириб олишни тез фурсат ичида хал қилишни иложи бўлмаганлиги ҳам маълум даражада кишилар руҳий ҳолатига ўз таъсирини кўрсатади. Юқорида кўрсатиб ўтилганлар жамиятнинг ахлоқий – руҳий бирлигига салбий таъсири одамларга яхши турмуш шароитини яратиб бера оладиган миллий ғурурни таъминлай оладиган иқтисодиёт тизими ва тадбиркорликнинг аҳамияти ҳақида нотўғри тасаввурнинг пайдо бўлишига сабаб бўлиши мумкин². Шундай қилиб мулкни талон-тарож қилиш жиноятларининг содир бўлиш сабаблари бундай жиноятлар учун тайинланаётган жазоларнинг енгиллиги ёки оғирлигига боғлиқ бўлмай бир ижтимоий тузумнинг иккинчи тузум билан алмашиши революция йўли билан бўладими, ёки эволюция йўли билан бўладими, янги шаклланаётган ижтимоий тузумни бирданига шакллантиришнинг иложи бўлмаганлиги, бундай даврда мулкий жиноятларнинг маълум даражада ўсишига сабаб

¹ Каримов И. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Тошкент: Ўзбекистон, 1997. –Б.85

² Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –Б.303

бўлади. Ўзбекистонда янги жамиятнинг эволюция йўли билан шакллантириш йўлидан ривожланиб бормоқда ва шунинг учун ҳам мамлакатимизда барқарорлик ҳукм сурмоқда.

Жиддий зиддиятларнинг юз беришига йўл қўйилмаётганлиги туфайли рўйхатга олинаётган жиноятлар ҳисобидан олинганда жиноятчиликнинг муттасил ўсиб боришининг олди олинди ва барқарор ҳолатга тушиб қолди. Аёллар ўртасидаги жиноятчиликни тадқиқ қилган К.Р.Абдурасулованинг тадқиқотларига кўра аёллар ўртасида содир этилаётган жиноятларда ҳам ўсиш юз берган¹.

Вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммоларини тадқиқ қилган Холиқулов У.Ш.нинг маълумотларига кўра вояга етмаганлар ўртасидаги жиноятчиликдан ҳам айрим йилларда камайиш юз берган бўлса, айрим йилларда ўсиш юз берган. Яъни, судланган вояга етмаганларнинг миқдори 2000 йили - 4 фоизни ташкил қилган бўлса, 2001 йили – 3,4 фоизни, 2002 йили-4,2 фоизни, 2003 йили – 3,4 фоизни, 2004 йили 3,2 фоизни, 2005 йили – 3,5 фоизни ташкил қилган².

Ушбу рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбекистонда ислохотларнинг жадал ривожлантирилиши туфайли жиноятлар ўсишининг тўхтатилишига, айрим турдаги жиноятларни содир этилишини камайтирилишига эришилган.

Янги ижтимоий тузумнинг ижтимоий муносабатларининг шаклланиши зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилишнинг камайишига олиб келиши керак.

3.2 Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларини олдини олиш чоратadbирлари (профилактикаси)

Жиноятчи шахснинг шаклланиши фақат ижтимоий муҳит ва ташқи шарт-шароитлар таъсиридагина рўй бермайди, балки шахснинг биопсихологик омилларидан келиб чиқувчи индивидуал хусусиятлари билан ижтимоий муҳит ва ташқи шарт-шароитларнинг ўзаро таъсири натижасида ҳам юз беради. Демак, ана шу айтилганларга кўра, зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятларини олдин олиш учун фақат ташқи муҳитни баркамол ривожлантиришни ўзи етарли бўлмай кишилар руҳиятига таъсир қила оладиган омиллар ҳам зарурдир.

¹ Қаранг: Абдурасулова К.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят – ҳуқуқий ва криминологик муаммолари”. докторлик диссертацияси автореферати. -Т.: ТДЮИ, 2006. –Б.19

² Қаранг: Холиқулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари. Юрид. фанл. номз. дис.. автореферати. – Т.: 2006. –Б.3

Жиноятчиликка қарши кураш амалиёти, аниқ самарали ёки ҳаётдан ажралиб қолган, инсонпарвар ёки репрессив, перспектив ёки муваффақият қозонишга ҳеч қандай умид қолдирмайдиган бўлиши мумкин¹. Жиноят учун ҳар қандай жиноий жазо адолатли инсонпарварлик принципларига асосланган бўлиши керак. Ҳозирги даврда инсонпарварликнинг асосларида инсон қадриятларининг ётиши умумэтироф этган асосий қоидадир.

Инсонпарварлик энг аввало инсонларга ижтимоий ҳодиса сифатида муносабатда бўлади. Табиий ҳолда мавжуд бўлган ва қонунларда белгиланган ҳуқуқларга эга бўлгандан кейин ўзининг ақли – идроки ва онги билан бундай ҳуқуқларга эриша оладиган ва эга бўладиган мавжудотга шахс, деб қаралади.

Лекин, унга табиий ҳолда берилган ва қонунларда белгиланган ўз ҳуқуқларига эга бўлиши, ўз ҳаётини фаолиятини давом эттириши, ривожланиши ва камол топиши учун энг аввало бунга шароит яратилган, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш таъминланган бўлиши керак.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, фалсафий инсонпарварлик ғоялар ҳар доим инсон ҳуқуқлари билан боғлиқ бўлган. Чунки, айнан ҳуқуқ ижтимоий муносабатларга таъсир қила оладиган восита ҳисобланади.

Инсонпарварликни жиноят ҳуқуқида ҳаётга татбиқ қилишни ўзига хос хусусиятлари бўлиб, бир томондан жамият манфаатлари ва жабрланувчининг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат бўлса, иккинчи томондан жиноят содир қилишда айбланаётган шахсни қонуний ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлашдан иборат.

Бу борада Ююшкина М.В. инсонпарварлик тамойили жиноят ҳуқуқида икки жиҳатга эга эканлигини таъкидлаб, биринчидан – инсонпарварликни барча инсонларга нисбатан, иккинчидан эса, жиноят содир этишда айбланган шахсларга нисбатан татбиқ қилиниши кераклигини баён қилади². Унинг бу фикрларига қўшилган ҳолда, шуни алоҳида таъкидлаш керакки, 1959 йилда қабул қилиниб, 1995 йил 1 апрелгача амалда бўлган Жиноят қонунида ҳам, 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган Жиноят қонунида ҳам инсонпарварлик принципини кўпроқ жиноят қилишда айбланаётган шахсга нисбатан қўлланиши кераклиги тушунтирилган.

¹ Дубинин Н.П., Карпец И.И., Кудрявцев В.Н. Генетика, поведение, ответственность. –М.: изд-во “Политической литературы», 1989. –С.9

² Юшкина М.В. принцип гуманизма в уголовном, уголовно-исполнительном праве и уголовной политике и его реализации при назначении наказания. Автореф. канд.юр.наук. -Тамбов, 2006. –С.13-14

Ўзбекистонда суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш ва либераллаштириш бошлангандан кейин инсонпарварлик принципи умумжамият манфаатлари ва жабрланувчининг манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлашга қаратилди. Шу муносабат билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексига кўплаб қўшимчалар ва ўзгартиришлар киритилди. Бу борада Жиноят кодексига киритилган 66¹-модда (ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш)ни мисол тариқасида келтиришнинг ўзи кифоя, деб ўйлаймиз.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб ислоҳотлар, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш орқали жиноят учун жазо тайинлашда инсонпарварлик принципига қатъий риоя қилиш, жиноятчиликка бўлган мурасасозлик кайфиятини ривожлантириш керак.

Мамлакатимизда туб ислоҳотлар ўтказилаётган экан, сиёсий, иқтисодий, маънавий ва бошқа соҳалардаги ислоҳотларни амалга ошириш, энг аввало мамлакатимиз аҳолисининг янги маънавиятини шакллантириш билан боғлиқдир. бу борада Президентимиз И.А.Каримов, маънавиятга таъриф берар эканлар, “... Маънавият – инсон руҳан покланиш, қалбан улғайишига чорлайдиган, одамнинг ички дунёси, иродасини бақувват, иймон-этиқодини бутун қиладиган, виждонини уйғотадиган беқиёс куч, унинг барча қарашларнинг мезонидир ...¹” деб таъкидлайди.

Мамлакатимизда олиб борилаётган ислоҳотларда инсон онгини эркин ривожланиши учун қулай шароит яратилди. Жиноят қонунини либераллаштириши туфайли, ўлим жазоси жиноят қонунидан батамом чиқариб юборилди. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш фақат оғир ёки ўта оғир жиноятлар содир қилган шахсларга нисбатан тайинланадиган бўлди.

Машҳур француз ёзувчиси В.Гюго ўз замонида, жиноятчиликка қарши курашда жазонинг аҳамиятини таърифлаб, “ҳар қандай жазода шафқатсизлик мужассам бўлса, унинг ўзига хос хусусияти шундаки, бундай жазо инсонни ўзгартиради, онгини ўзгартириб бориши билан бирга ақлини ва идрок қилишини заифлаштиради, аста-секин қандайдир ваҳший ҳайвонга айлантиради”, - деб ёзган эди².

Мамлакатимизда жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишнинг муҳим таркибий қисми бўлган суд-ҳуқуқ тизимини қурилишининг мутлақо янги концепцияси амалда жорий қилинди. Судлар жиноий ва фуқаровий ишлар бўйича ихтисослашуви амалга оширилди, суд ишларини апелляция ва

¹ Каримов И. Юсак маънавият енгилмас куч. –Т.: Маънавият, 2008. –Б.19

² Қаранг: Гюго В. Собр. соч. В 15 томах. –М.: 1954. Т.6. –С.109, 112

кассация тарзида кўриб чиқиш институти жорий қилинди, суд соҳасида кадрларни танлаш ва тасдиқлашнинг самарали ва демократик ҳуқуқий механизми яратилди.

Ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишнинг (66¹-модда) жиноят қонунига киритилганлиги суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилишнинг янги йўналиши бўлди.

Қонунда белгиланишига кўра, тадқиқ қилинган Жиноят кодексининг 167-моддаси 1-қисми (ўзлаштириш ёки растрата қилиш), 168-моддаси 1-қисми (фирибгарлик), 169-моддаси 1-қисми (ўғрилик) бўйича ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилишни қўлланиши мумкин. Мазкур моддаларнинг 1-қисми бўйича айбланган шахсларнинг анчагина қисмига нисбатан ярашув институти қўлланилиб, жиноий жавобгарликдан озод қилинган. Жумладан, ўзлаштириш ёки растрата жиноятида айбланганларнинг 25 фоизига нисбатан, ўғрилик жиноятида айбланган шахсларнинг 50 фоизига нисбатан ярашув институти қўлланилган.

Озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлаш эса, суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштириш бошланганидан кейин эса, жиддий қисқарган, буни Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд статистикаси бўлимининг маълумотларидан ҳам кўриш мумкин.

2002-2006 йилларда иқтисодиёт соҳасида содир қилинган жиноятлар бўйича маълумот¹

(Қонуний кучга кирган ҳукмлар бўйича)

Йиллар	ЖК моддаси	Умумий судланганлар сони % ҳисобида	Жазо турлари % ҳисобида						
			Жарима	Муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш	Ахлоқ тузатиш ишлари	Хизмат бўйича чеклаш	Қамок	Интизомий қисмга жўнатиш	Озодликдан маҳрум қилиш

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди суд статистикаси бўлиmidан олинган маълумотлар

2002 йил	166 модда 1-қисм	0,3	2,4	0,6	44,2		0,6		30,1
	167-модда	2,7	16,5	15,6	39,2		0,2		7,2
	168-модда	2,7	10,6	4,0	3,2		1,3		24,7
	169-модда	29,0	3,7	0,1	30,5		0,8		50,8
2003 йил	166-модда 1 қисм	0,3	2,4	-	39,0		0,6		35,0
	167-модда	9,1	0,1	0,3	32,0		0,1		7,6
	168-модда	3,1	9,7	5,2	32,1		0,7		23,6
	169-модда	23,7	4,0	0,3	29,3		0,6		45,6
2004 йил	166-модда 1-қисм	0,3	8,8	-	40,2		-		24,5
	167-модда	10,6	17,0	32,7	42,8		0,1		6,4
	168-модда	3,4	9,1	5,0	37,2		0,3		23,1
	169-модда	20,0	5,3	0,3	34,1		0,7		41,2
2005 йил	166-модда 1-қисм	0,3	2,6	0,6	54,2		2,6		21,3
	167-модда	10,2	18,6	37,1	45,1		0,1		6,5
	168-модда	3,2	11,0	7,2	36,0		0,8		22,4
	169-модда	19,8	5,3	0,2	33,9		0,9		42,5
2006 йил 1 ярми	166-модда 1-қисм	0,4	11,0	-	50,0		-		19,0
	167-модда	9,1	22,0	53,0	49,2		0,2		11,0

	168-модда	3,1	11,6	7,5	38,4		0,9		26,7
	169-модда	21,1	6,5	0,3	33,0		1,0		44,8

Криминология фанида жиноятчиликни олдини олишнинг иккита тури назарда тутилиб, булар: 1. Жиноятчиликни олдини олишнинг умумий (умумий ижтимоий) чоралари ва 2. Жиноятчиликни олдини олишнинг махсус чораларидир¹.

Жиноятчиликни олдини олишнинг умумий ижтимоий чоралари жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий ва бошқа соҳаларидаги зиддиятларини хал қилишга қаратилган бўлиб, жамият олдигаги муҳим вазифаларини бажариши орқали хал қилинади. Ижтимоий тараққиётнинг ҳозирги босқичида бозор иқтисодиёти тизимига асосланган ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозор иқтисодиёти инфратузилмаларини ташкил қилиш, инфляцияни бартараф қилиб бориш ҳалол рақобатчиликни таъминлаш, қишлоқ хўжалиги соҳасида эса, фермер хўжалиги, деҳқон хўжалигини ривожлантириш ва уларни ҳам ҳар қандай рақобатга чидай оладиган бақувват қишлоқ хўжалиги тизимини ташкил қилиш ва жамиятнинг барча ижтимоий муносабатларини ривожлантириш орқали жиноят содир бўлиш шароит ва сабабларини бартараф қилиб боришдан иборат.

Жиноятчиликни олдини олишнинг махсус чоралари бевосита жиноят содир этилишини олдини олишга қаратилган чора-тадбирлардир.

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилишни олдини олишда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар бундай жиноятларни олдини олишда ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлиши керак.

Президетимиз И.А.Каримов ўзининг “Жаҳон молиявий- иқтисодий инқирози. Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари” номли асарида 2009 йилни “Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили” деб эълон қилиниши ва Давлат дастурининг қабул қилиниши қишлоқларни, қишлоқ хўжалигини ривожлантиришда муҳим рол ўйнаши керак ва бу қишлоқ жойларида жиноятчиликни олдини олишда муҳим аҳамиятга эга бўлиши керак. Айниқса, 2009-2012 йилларга мўлжаллаб қабул қилинган инқирозга қарши чоралар дастури Ўзбекистонни 2009 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг энг устувор йўналиши бўлиб қолади²” – деб ёзади.

¹ Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –Б.309

² Каримов И. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.: Ўзбекистон, 2009. –Б.30

Зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкани талон-тарож қилиш жиноятларини олдини олиш ҳам умуман жиноятчиликни олдини олишнинг бир қисми бўлиб ҳисобланади ва бундай жиноятларни олдини олишда ҳам ана шу икки йўлда фойдаланилади.

Маълумки, жиноятлар муайян вақтда ва ҳудудда содир этилади. Жумладан, талончилик жиноятлари кўпроқ одамлар камроқ бўладиган жойларда, қоронғу тушган вақтларда, қисқа қилиб айтганда, шундай жиноятни содир қилиш учун вазият мавжуд бўлган жойларда содир қилинади. Ўзлаштириш ёки растрата жиноятлари эса, корхона, муассаса, ташкилотларда, қисқа қилиб айтганда мулк айланадиган жойларда содир этилади. Фирибгарлик жиноятлари кўпроқ аҳоли хонадонларида, бозор ва бошқа ҳар қандай бунга имконият бўлган жойларда содир этилса, ўғрилик хонадонларда, савдо-сотиқ олиб бориладиган жойларда яширин равишда содир этилади. Демак, мазкур жиноятларни олдини олиш учун аввало уларни содир бўлиш макони ва вақти ҳисобга олинган ҳолда, олдини олиш чоралари ишлаб чиқилиши керак. Бу чоралар маҳалла даражасида маҳаллий ҳудудда, муайян минтақа доирасида, алоҳида корхона муассаса, ташкилот доирасида амалга оширадиган чоралар бўлиши мумкин. Таҳлил этилаётган жиноятларнинг олдини олиш чораларининг субъектлари ҳар қандай фуқаролар, тадбиркорлар, ҳар қандай ташкилий-ҳуқуқий шаклдаги корхоналар менежерлари, меҳнат жамоалари, жамоат ташкилотлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар, маҳаллий ўзи ўзини бошқариш вакиллик ва ижроия органлари, маҳалла посбонлари бўлиши мумкин.

Машҳур рус криминолог олими Е.Н.Тарновский XIX асрнинг ўрталаридаёқ мулкий жиноятлар хатто, битта давлат ҳудудида турли минтақаларда ҳолати ва динамикаси турлича бўлиши мумкинлигини аниқ тадқиқотлар орқали исботлаб берган. У жиноятчилик муайян минтақаларда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ҳосилдорлиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ва ноннинг баҳоси билан боғлиқлигини, алоҳида ҳудудларда иқтисодий ривожланишнинг даражаси ҳамда аҳолининг ижтимоий-иқтисодий даражаси билан боғлиқ эканлиги ҳақида ёзган эди.

Юқорида келтирилган ҳолатлар ҳозирги кундаги жиноятчиликнинг даражасини белгиловчи омиллардир.

Мамлакатимизда дон мустақиллигига, нефт маҳсулотларига бўлган эҳтиёжнинг ва бошқа қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг мамлакат эҳтиёжи учун етарли даражада ишлаб чиқарилаётганлиги, хатто, мамлакат экспорт салоҳиятининг борган сари кучайиб бораётганлиги, мулкий жиноятларни жиддий камайиб кетишига олиб келиши керак. Лекин, боқимондалик кайфияти, ишсизликнинг юқорилиги, жойлардаги раҳбарларнинг ўз вазифаси доирасида ҳозирги давр талаби даражасида ишлай олмаётганлиги, коррупция

жиноятларининг юқорилиги, таҳлил этилаётган жиноятларни жиддий камайтиришга эришиш учун айрим ҳолларда тўсиқ бўлиб қолмоқда. Тўғри умумий судланганларнинг миқдори йилдан йилга камайиб бормоқда. Бундай камайиш кўпроқ либераллаштириш туфайли қонунда жиддий ўзгаришлар юз берганлиги, айниқса, “Ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институти Жиноят кодексига киритилганлиги муносабати билан жиноий жазога ҳукм қилинган шахсларнинг миқдорини камайтириб юборди. Жумладан, 2000 йилда қонуний кучга кирган ҳукмлар бўйича 60162тани ташкил этган бўлса, 2001 йилда 61521ни ташкил қилган ва шу йиллардан бошлаб судланганларнинг миқдори йилдан йилга камайиб борган. Бу рақамлар 2002 йилда -53096тани, 2003 йилда – 52998тани, 2004 йилда -49440тани ташкил қилган ва кейинги йилларда ҳам қисқариб борган. Ушбу рақамлар қонуний кучга кирган ҳукмлар бўйича бўлиб, йилдан йилга камайиб бориши нимани ҳисобидан юз бормоқда. Оммавий ахборот воситалари маълумотларига кўра ва Президентимиз И.А.Каримовнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг Қўшма мажлисида келтирган маълумотларига кўра Ўзбекистон МДХ мамлакатларида энг кам жиноят содир этиладиган давлат бўлиб, ҳар юз минг аҳолига нисбатан озодликдан маҳрум қилиш жойлардагиларнинг сони ҳар 100 минг аҳолига нисбатан 158 кишини ташкил қилган¹. Ҳозирги кунда бу кўрсаткич яна камайиб боришига эришилмоқда, чунки, озодликдан маҳрум қилишдан бошқа муқобил турдаги жазоларни тайинлашнинг хиссаси ортиб бормоқда.

Озодликдан маҳрум қилиш муасасаларида сақланаётган маҳкумларнинг миқдорини камайиши жиноятларни содир этилишини камайганлигини билдирадими? Бизнинг фикримизча ва олиб борган тадқиқотларимиз натижасига кўра, жиноятлар содир этилишини камайганлигини билдирмайди. Чунки, ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод этилганлар хиссасининг ва озодликдан маҳрум қилишдан бошқа муқобил турдаги жазоларни тайинлашнинг хиссаси ортиши билан озодликдан маҳрум қилишнинг хиссаси камайиб боради.

Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар туфайли озодликдан маҳрум қилиш жазосини тайинлашнинг кескин қисқариши демократик ислоҳотлар йўлидаги катта ютуқлардан биридир.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ва судларнинг жиноят учун жазо тайинлаш амалиётини ўрганиш, Жиноят кодексининг 50-моддаси ва Жиноят-ижроия кодексини 46-, 91- ва бошқа моддаларини солиштириш ҳамда озодликдан маҳрум қилишни манзил

¹ Қаранг: Каримов И.А. Бизнинг бош мақсадимиз – жамиятни демократлаштириш ва янгилаш, мамлакатни модернизация ва ислоҳ этишдир. Халқ сўзи. 2005 йил 29 январ.

колониясида ва жазони ўташ колониясида ўташ тартибини солиштиришдан, Жиноят кодекси ва Жиноят-ижроия кодексини либераллаштириш масаласида шундай фикрга келдикки, манзил-колониясини озодликдан маҳрум қилиш тизимидан чиқариб, “Озодликни чеклаш” номи билан Жиноят кодексининг 43-моддасининг 1-қисмига, интизомий қисмга жўнатиш жазосидан кейин жойлаштириш ҳамда Жиноят кодекси 50-моддасидан чиқариб, 49¹-модда сифатида мустақил жазо тариқасида қонунда назарда тутилиши ва қуйидаги таҳрирда берилиши таклиф қилинади:

49¹-модда. Озодликни чеклаш.

1. Озодликни чеклаш ижтимоий хавфи катта бўлмаган, эҳтиётсизликдан жиноят содир этган ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир қилишда айбланаётган шахсларга нисбатан тайинланиб, маҳкумни манзил-колониясига жойлаштиришдан иборат.

2. Озодликни чеклаш беш йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади. Эҳтиётсизликдан содир этиладиган жиноятлар учун ўн йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

3. Агар шахс бир неча жиноятни содир этишда айбланаётган, улардан биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, озодликни чеклаш қўлланилмайди.

4. Озодликни чеклаш вояга етмаганларга, пенсия ёшига етган шахсларга, меҳнатга қобилиятсизларга ҳамда ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

Шундай хулосага келишимизга нималар асос бўлди?

1. Жиноят кодексининг 50-моддасида озодликдан маҳрум қилишнинг таърифи берилган бўлиб, бу таъриф фақат жазони ўташ колониялари ва турмаларни қамраб олади, манзил-колониясини бундай ҳолатлардан мустасно.

2. Озодликдан маҳрум қилишни том маънода тушунганда шахс Конституция билан белгиланган озодлигини жазони ўташ муддати мобайнида йўқотади ва жамиятдан ажратилган ҳолда қаттиқ назорат остида сақланади. Манзил-колониясида эса, атрофи қўриқланмайдиган посёлка типигаги муассасага жойлаштирилади.

3. Озодликдан маҳрум қилиш муассасаларида махсус шаклдаги кийим-бош билан таъминланиб, фақат яқин қариндош-уруғлари билан кўришувига рухсат берилади ва кўришув қонунда қатъий чеклаб қўйилган ва қўлларида пул ва бошқа қонунда кўрсатилган нарсаларнинг бўлиши тақиқланган. Манзил-колониясида эса, маҳкумлар оддий ҳаётдаги кийим-бош киядилар, қўлларида чекланмаган миқдорда пул ва жамиятда эркин муомаладан чиқарилмаган ҳар қандай нарсалар бўлиши мумкин.

4. Озодликдан маҳрум қилишни, жазони ўташ колонияларида ўтаётган шахсларнинг меҳнати шахснинг меҳнат стажига қўшилмайди ва жазо узлуксиз ўталади. Маҳкумларга меҳнат таътили берилмайди. Манзил-колонияларида эса, жазони ўташ вақтида ишлаган муддатини меҳнат стажига киритиш мумкин ва уларга меҳнат қонунида белгиланган йиллик меҳнат таътили берилади.

5. Жазони ўташ колонияларида маҳкум ташқи дунё билан фақат қонунда белгиланган алоҳида ҳолларда ва қонунда белгиланган тартибда алоқада бўлса, манзил-колонияларида эса, колония ҳудуди маҳсус тўсиқлар билан жамиятдан ажратилмаганлиги ва назорат қилувчи соқчилар бўлмаганлиги учун фуқароларнинг ҳаёт тарзига маҳкумларнинг ҳаёт тарзи максимал даражада яқинлаштирилган бўлади. Ва, бошқа ҳоказо асосларга кўра, манзил-колониясида жазони ўташ озодликдан маҳрум қилиш жазосидан жиддий фарқ қилади.

Яна бир, энг муҳим томони ҳам борки, амалдаги жиноят қонунига кўра, манзил-колонияси озодликдан маҳрум қилишнинг бир тури бўлганлиги учун жазонинг манзил-колониясида ўтаётганлар ҳам статистик маълумотларда озодликдан маҳрум қилинганлар рўйхатига киради.

Озодликни чеклаш алоҳида жазо тури сифатида қонунда назарда тутилса озодликдан маҳрум қилинганларнинг статистик рўйхати жиддий камаяди.

Озодликни чеклаш Жиноят кодексининг 49¹-моддасида назарда тутилганидан кейин Кодекснинг кўплаб моддалари бунга мувофиқлаштирилади (масалан, Жиноят кодексининг 72-, 73-, 74-моддалари ва Маҳсус қисми моддаларининг санкциялари ва ҳоказо моддалар).

Озодликни чеклаш жиний жазо тизимидан яна бир озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тури билан кўпаяди ва бундай тўлдириш жиноят қонунининг либераллаштириш сиёсатига мувофиқ келади. Айниқса, ҳозирги даврда жарима жазосини ундириш жиддий муаммо бўлиб турган шароитда, озодликни чеклаш жазоси самарали жазо турларидан бирига айланади.

Яна бир муҳим томони шундаки, ишсиз бўлгани учун товламачилик ёки ўғрилик қилган шахсларга нисбатан бу жазо тайинланса, улар иш билан таъминланади ва ўзининг ҳалол меҳнати билан даромад манбаига эга бўлади.

Талончилик учун жавобгарликни бегилловчи 166-моддасининг 1-қисми ва 2-қисмлари, ўзлаштириш ёки растрата қилишлик учун жавобгарликни белгиловчи 167-моддасининг 1-қисми ва 2-қисми, фирибгарлик учун жавобгарликни белгиловчи 168-моддасининг 1- ва 2-қисми, ўғрилик учун жавобгарликни белгиловчи 169-моддасининг 1- ва 2-қисмлари

ижтимоий хавфи катта бўлмаган ва унча оғир бўлмаган жиноятлардан иборат бўлганлиги учун бундай жиноятни содир қилган шахсларга нисбатан озодликни чеклаш жазосини тайинлаш, бошқаларнинг меҳнати натижасида яратилган моддий бойлик ҳисобига эмас, ўзининг ҳалол меҳнати билан яшашга кўникма ҳосил қилишда муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Монографияни яратиш жараёнида тадқиқ қилинган жиноятлар иқтисодий жиноятларнинг бир қисми бўлиб, зўрлик ишлатмасдан ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлашни ўз ичига олар экан, аҳолининг айрим қисми орасида жазо жуда енгиллашиб кетди. Шунинг учун одамлар қонундан қўрқмай қолди, деган нотўғри фикрлар ҳам пайдо бўлиб қолмоқда. Биз М.Усмоналиевнинг “айтиш керакки, бизнинг жамиятимизда аҳолининг кўпчилик қисмида алоҳида шахсларнинг муваффақиятлари жамоа идеологиясига ётдек бўлиб кўринишини, бозорнинг ғайриахлоқий деб ҳисобланишини инкор қилиб бўлмайди, ваҳоланки, бозор тизими ғайри ахлоқий эмас, балки бозор иқтисодиёти шароитида иқтисодиёт билан шуғулланаётган шахсларнинг айрим ҳаракатлари ғайриқонунийдир. Шунинг учун ҳам, ижтимоий онгда консолидация (кучларнинг бирлашуви, жипслашуви, (Шарҳ бизники) ғояларини шакллантириш, аҳоли учун қулай ва яхши турмуш шароитини ярата оладиган шу жамият аъзоси эканлиги учун ғурур ярата оладиган юқори самарали иқтисодиётган эга бўлган жамият куриш биринчи даражали вазифа ҳисобланади”, - деган фикрига тўла қўшиламыз¹. ана шу вазифани бажаришда мамлакатимиз жуда катта ютуқларга эришганига ҳеч ким шубҳа қила олмайди.

Хулоса

Жиноят учун жазо тайинлаш суд фаолиятининг энг маъсулиятли қисми ҳисобланади. Ушбу манографик тадқиқотимизда ўзгалар мулкини зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун жазо тайинлаш масалаларини тадқиқ қилдик. Жиноий жазо ва уни тайинлаш масалалари кўпчилик олимлар томонидан тадқиқ қилинган бўлиб, уларнинг деярли барчаси жазонинг самарадорлиги масаласида фикр билдираётган экан, муҳими жазонинг қаттиқлигида эмас, балки бирорта ҳам жиноят содир қилган шахс жавобгарликка тортилмай қолмаслигидадир. Адолатсиз тайинланган жазо шахснинг тезроқ тўғри йўлга ўтиб олишига ёрдам бериш ўрнига салбий оқибатга сабаб бўлиши мумкинлигини таъкидлаганлар.

Жамиятнинг ҳозирги тараққиёт босқичида ва умуман келажакда фақат жиноят сиёсатининг ўзи билан жиноятчиликни бартараф қилишнинг иложи бўлмаса керак. Жиноят сиёсатининг воситалари фақат субъектив ва энг яқин вақт ичидаги объектив сабабларга ва

¹ Усмоналиев М., Каракетов Й. Криминология. Тошкент: Янги аср авлоди, 2001. –Б. 315

жиноятчиликнинг шароитларига таъсир қилиши мумкин холос. Шунинг учун жиноят сиёсатига унинг бажаришининг иложи бўлмайдиган иқтисодиёт, маданият, ижтимоий онг, турмуш маданияти, жамият аъзоларини ижтимоий ҳимоя қилиш каби жамиятни ижтимоий ривожлантиришни бошқариб турувчи ягона восита деб қаралиши керак эмас. Жиноят сиёсатининг асосий мақсади, келажакда жамиятда жиноятчиликни даврга нисбатан иложи борица энг кам миқдорда туширишдан иборат.¹

Бизнинг мамлакатимизда олиб борилаётган ислохатлар туфайли юз бераётган иқтисодий ўзгаришлар, аҳоли ижтимоий онгининг ўсишига жамиятнинг ахлоқий-руҳий ҳолатига ижобий таъсири, жамиятнинг иқтисодий шаклланишининг жадаллашиб бориши, одамларга яхши турмуш шароитини яратиб бера оладиган, ҳалол тадбиркорликни аҳамияти ҳақида тўғри тасаввурга эга бўлиш йўлидан ривожланаётган Ўзбекистонда таҳлил этилаётган жиноятларни содир қилиш камайиш ҳолига тушиб қолган бўлсада, бундай ютукка эришиш жиноят учун тайинланган жазоларнинг самараси эмас, балки амалга ошириш мақсад қилинган ижтимоий муносабатларни жадал ривожлантиришнинг натижаси деб қараш керак.

Зўрлик ишлатмасдан талон-тарож қилиш жиноятлари учун судларнинг жазо тайинлашнинг назарий ва амалий масалаларини ўрганиш натижасида айрим хулосаларга келдикки, қуйида уларнинг қисқача мазмунини баён қиламиз:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 2-бандида “Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи жазо қўллаш шартлилигини англатмайди. Шу туфайли судлар ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган ёки унча оғир бўлмаган жиноятни биринчи марта содир этган, чин кўнгилдан пушаймон бўлган ва жиноятни очилишида фаол ёрдам берган, етказилган зарарни қоплаган шахсларни Жиноят кодекси 65-, 66-, 70-, 71-моддаларига мувофиқ жавобгарликдан ва жазодан озод қилиш масаласини муҳокама қилишлари лозим”, дейилади.

Пленум қарорининг бундай тушунтирилиши аввало грамматик жихатдан таҳририга муҳтож ва жазо тайинлашнинг умумий асосларини ифода қилмай, мавжуд қонунни қисқача такрорлашдан иборат холос. Шунга кўра, ушбу Пленум қарорининг 2-бандини қуйидаги таҳрирда ифода қилиш мақсадга мувофиқ бўлади.

¹ Қорабоев А.И., Усе А.Б. Уголовно-правовая политика. Изд-во Красноярского университета. 1991, -С.7

Яъни: Судлар жиноят учун жазо тайинлашда Жиноят кодекси 54-моддасининг талабларига тўла риоя қилган ҳолда жазо тайинлашлари керак.

Судларга тушунтирилсинки, Жиноят кодексининг 10-моддасида назарда тутилган жавобгарликнинг муқаррарлиги принципи, жиноят учун албатта жазо тайинлаши шарт эканлиги билдирмайди.

Судлар жиноят учун жазо тайинлашда энг аввало жавобгарликдан ёки жазодан озод қилиш асослари бор ёки йўқлигини текшириб кўришлари керак. Бунга асослар бўлмасагина ишдаги ҳолатларига қараб жазо тури ва муддатини танлаб тайинлайдилар. Бунда қилмиш квалификация қилинган норманинг санкциясида назарда тутилган жазолардан енгилроғини тайинлаш мумкин эмас, деган қатъий фикрга келсаларгина оғирроқ турдаги жазони тайинлайдилар-деб ўзгартириш киритилса.

2. Жиноят кодекси 42-моддаси 2-қисмида жазонинг мақсади берилган бўлиб, фикримизча ушбу нормада ҳам биров ноаниқлик бор. Унда шундай деб ёзилган: «Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишини олдини олиш мақсадида қўлланади, -дейлади. Ушбу норманинг мазмунига кўра жиноятчидан бошқа барча шахслар ҳам жиноят содир қилган ва айбдорга жазо қўллаш билан улар томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида жазо қўлланади. Бундай ноаниқликни бартараф қилиш мақсадида Жиноят кодекси 42-моддасининг 2-қисмини қуйидаги тахрирда берилишини таклиф қиламиз.

“Жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ва маҳкум томонидан янги жиноят содир этилишини олдини олиш ҳамда бошқа шахслар томонидан жиноят содир этилишини олдини олиш мақсадида қўлланилади.

3. Жиноят кодексининг 54-моддасининг биринчи қисми қуйидаги мазмунда бўлган қўшимча билан тўлдирилиши мақсадга мувофиқ:

“Содир этилган жиноят учун енгилроқ турдаги жазо тайинлаш орқали жазонинг мақсадига эришиб бўлмайди деган хулосага келинсагина оғирроқ турдаги жазо тайинланади”-деб қўшимча киритиш;

4. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 166-моддасининг 1 ва 2 қисмлари санкцияларида энг оғир жазо сифатида беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган. Жиноят кодекси 15-моддасининг мазмунига кўра, энг оғир жазо сифатида қасддан содир этилиб, беш йилгача муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноятлар унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган.

Натижада талончиликнинг оддий тури ҳам (1-қисми), мураккаб тури ҳам (2-қисми) битта туркумдаги жиноятлар гуруҳига киритилиб, Жиноят кодекси махсус қисми моддалари нормаларини ижтимоий хавфлилик даражасига қараб жойлаштириш қондаси бузилган. Бундан ташқари, талончиликнинг зўрлик ишлатмай содир қилинадиган турини, зўрлик ишлатиб содир этиладиган тури билан ижтимоий хавфлилик даражасини тенглаштириш мантиққа ҳам, принцип жиҳатидан ҳам тўғри бўлмайди. Шунинг учун 166-модданинг 1-қисми санкциясидаги озодликдан маҳрум қилишнинг муддатини уч йилгача белгилаш мақсадга мувофиқ бўлади. Чунки, биз тадқиқ қилган 166-модданинг биринча қисми билан жавобгар қилинган шахсларнинг бирортасига озодликдан маҳрум қилиш уч йилдан ортиқ тайинланмаган.

166-модданинг 1-қисми санкциясини бундай ўзгартириш, авалло Жиноят кодекси Махсус қисми моддаларининг миқдор кўрсаткичларига кўра жойлаштириш принципларига мос бўлса, ҳозирги кунда амалга оширилаётган жиноят қонунини либераллаштириш талабларига мувофиқ келади.

5. Биз тадқиқ қилган жиноятлар учун жавобгарликни белгиловчи 167-модданинг 1-қисми, 168-модданинг 1-қисми, 169-модданинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятлар содир этилган тақдирда, Жиноят кодекси 66¹-моддаси қоидаларига кўра, ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилишни қўлланилиши мумкин. Бизнинг тадқиқотларимизга кўра, ушбу моддаларнинг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилган шахсларнинг асосий кўпчилик қисми ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилинган.

Бунда айбдор жабрланувчига етказган зарарни қоплашнинг ўзи билан чекланиб, жиноий жавобгарликдан озод бўлиб қолмоқда. Ваҳоланки, қонунда белгиланган процессуал ҳаражатлар қилинади, шунингдек суд ҳаражатлари вужудга келади, маълум миқдорда вақт сарф қилинади. Амалиётдаги қонунчиликдан маълумки, ҳатто суд фуқаролик ишини кўрганда ҳам маълум миқдордаги пул суммасини (пошлина сифатида) давлат ҳисобига топширади. Юқоридаги ҳолатдан кўринадики, жиноятчи эса келтирган моддий зарарни қоплаш билан чекланмоқда, яъни бундай ҳолат фуқаровий даъводан ҳам енгилроқ ҳисобланиши кўринмоқда.

Биз бу билан ярашилганлиги муносабати билан жавобгарликдан озод қилиш институтидан тамоман воз кечиш керак деган фикрдан йироқдамиз. Аксинча, мазкур институтни жиноят қонунига киритилиши суд-ҳуқуқ тизимини либераллаштиришдаги жуда катта ютуқ бўлди.

Ярашув институтини қўллашда мутахассислар ва уларнинг вақти, ярашувнинг ҳақиқийлигини текшириб кўриш учун қилинган ҳаракатлар суд ҳаражатлари, қоғоз ва бошқа моддий маънодаги ресурслар давлат ҳисобидан сарф қилинади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, қуйидаги таклифни илгари сурилмоқда: Суд ярашув институтини қўллар экан, қопланган зарарнинг миқдоридан келиб чиқиб, суд ҳаражатлари сифатида энг кам ойлик иш ҳақининг муайян миқдorigа тенг бўлган суммани ишни кўрган суд ҳисобига топшириш мажбуриятини айбдор зиммасига юклаши мумкин. Лекин, бу сумма қопланган зарарнинг миқдorigа кирмаслиги керак.

6. Биз тадқиқ қилган ишларда рецидив ва хавфли рецидив жиноятларни нотўғри квалификация қилиш ҳоллари кўплаб учрамоқда. Жиноятни квалификациясида хатога йўл қўйиш жиноят учун нотўғри жазо тайинлашга сабаб бўлмоқда. Бундай хатога йўл қўйилишига қонундаги камчилик сабаб бўлмоқда.

Жиноят кодекси 169-моддасининг 3-қисми “а” бандида ўғрилик такроран ёки хавфли рецидивист томонидан содир қилинганлиги учун жавобгарлик назарда тутилган. Ўғриликни бу банд билан квалификация қилиш учун шахс олдинги ўғрилик жиноятлари учун хавфли рецидивист, деб топилган бўлиши керак. Аммо судлар ўғрилик учун иккинчи марта судланаётган, лекин хали хавфли рецидивист деб топилмаган шахсни хавфли рецидивист томонидан қилинса – деган норма билан жавобгар қилмоқдалар.

Шунга кўра йўл қўйилаётган бундай камчиликларни бартараф қилиш учун 169-модданинг 2-қисмига “Шундай жиноят учун олдин судланган шахс томонидан қилинса”, - деган банд киритилиши таклиф қилинади

7. Жиноят кодекси 166-моддаси 4-қисми “в” бандида, 167-модданинг 3-қисми “в” бандида, 168-модданинг 3-қисми “в” бандида, 169-модданинг 4-қисми “в” бандида уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб мазкур жиноятлар учун жавобгарлик белгиланган, яъни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб бу жиноятни содир қилиш уюшган гуруҳ томонидан қилинганига нисбатан ҳам оғирроқ жиноят ҳисобланган.

Шахс одатда ўзича уюшган гуруҳ аъзоси бўлмай, унинг манфаатлари учун бу жиноятларни содир қилмайди. Содир қилган тақдирда ҳам ўша жиноятни содир этишга мажбур қилинган ёки қўрқитилган бўлиши мумкин. Шунинг ҳисобга олиб уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир қилиш деган нормани 166-модданинг 4-қисми “в” бандидан 3-қисми “г”-банди; 167-модданинг 3-қисми “в”-бандидан шу модданинг 2-қисмига, 168-модданинг 3-қисми “в”-бандидан 2-қисмига, 169-модданинг 4-қисми “в” бандидан 3-қисмига

Ўтказиб, уюшган гуруҳ томонидан содир этишни уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этишни бир-биридан ажратиш таклиф қилинади.

8. Ўтказилган таҳлиллардан келиб чиқиб, 169-модда қуйидаги таҳрирда берилиши таклиф қилинади.

169-модда. Ўғрилик.

1-қисм. Ўғрилик, яъни ўзганинг мол-мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш - энг кам ойлик иш ҳақининг эллик бараваригача миқдорда жарима икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд олти ойгача қамоқ ёки уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

2-қисм. Ўғрилик:

а) анча миқдорда;

б) бир гуруҳ шахслар томонидан олдиндан тил бириктириб;

в) уй-жой, омборхона ёки бошқа хонага ғайриқонуний равишда кириб;

г) такроран;

д) Шундай жиноят учун олдин судланган шахс томонидан содир этилган бўлса,- энг кам ойлик иш ҳақининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

3-қисм. Ўғрилик:

а) хавфли рецидивист томонидан;

б) компьютер тизимига рухсатсиз кириб;

в) кўп миқдорда;

г) уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб содир этилган бўлса,-

беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

4-қисм. Ўғрилик:

а) жуда кўп миқдорда;

б) ўта хавфли рецидивист томонидан;

в) уюшган гуруҳ томонидан содир этилган бўлса,-

саккиз йилдан ўн беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Жиноят кодексининг 169-моддасини ана шундай таҳрирда қабул қилиниши аввало адолат қоидаларига риоя қилган ҳолда жазо тайинлаш имконини берса, иккинчи томондан жиноят қонунини либераллаштириш тамоилларига мувофиқ келади.

9. Манзил – колонияси озодликдан маҳрум қилишнинг бир тури сифатида қонунда назарда тутилган бўлсада, мазмуни ва жазони ўташ тартиби жихатидан, жазони ўташ колониясидан тамоман фарқ қилади. Шунинг ҳисобга олиб, манзил-колониясини Жиноят кодексининг 50-моддасидан чиқариб, “Озодликни чеклаш” номи 49¹-модда билан қуйидаги таҳрирда бериш таклиф қилинади:

49[№]-модда. Озодликни чеклаш.

1-қисм. Озодликни чеклаш, ижтимоий ҳавфи катта бўлмаган, эҳтиётсизликдан жиноят содир этган ҳамда қасддан унча оғир бўлмаган жиноят содир этишда айбланган шахсга нисбатан тайинланиб, маҳкумни манзил-колониясига жойлаштиришдан иборат.

2-қисм. Озодликни чеклаш ўн йилдан кўп бўлмаган муддатга тайинланади.

3-қисм. Агар шахс бир неча жиноятни содир этишда айбланиб, улардан биттаси оғир ёки ўта оғир жиноят бўлса, озодликни чеклаш қўлланилмайди.

4-қисм. Озодликни чеклаш вояга етмаганларга, пенсия ёшига етган шахсларга, меҳнатга қобилиятсизларга ҳамда, ҳарбий хизматчиларга нисбатан қўлланилмайди.

10. Озодликни чеклаш Жиноят кодекси 43-моддасида озодликдан маҳрум қилишдан олдин жойлаштирилиб, мустақил жазо тури сифатида назарда тутилса, Жиноят кодекси Умумий ва Махсус қисмининг кўплаб моддалари ҳамда Махсус қисми моддалари санкцияларига қўшимча ва ўзгартиришлар киритилади.

Жиноят кодекси 43-моддасидаги жазо тизимида яна битта озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо турининг пайдо бўлиши, аввало жиноят қонунини либераллаштириш сиёсатига мос келади ва озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлашнинг статистик маълумотларини жиддий қисқаришига олиб келади.

11. Жиноят кодексининг 33- ва 59-моддаларини таққослаш орқали шундай хулосага келдикки, бу моддалар бир-бирига тўла мувофиқ келмайди. Жиноят кодексининг 33-моддасида бир неча жиноятлар содир қилиш (жиноят мажмуи) тушунчаси берилган бўлса, 59-моддасида бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш қоидалари берилган. Бу моддаларнинг бир-бирига тўла мос келмаслиги шундаки, 33-модданинг 1-қисми “Ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли –қисмларида назарда тутилган жавобгарликка тортиладиган икки ёки бир неча жиноий қилмиш содир

этиш, агарда улардан бирортаси учун ҳам шахс судланган бўлмаса, жиноятлар мажмуи деб топилади”, - деб тўғри кўрсатилган. Аммо, бир неча жиноятлар учун жазо тайинлаш тартибини белгиловчи 59-модданинг 1-қисмида эса, “Шахс Ж.К Махсус қисмининг турли моддаларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этиб, улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, ...”, - дейилган. Ваҳоланки Жиноят кодекси Махсус қисмининг битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган жиноятларни турли вақтларда жиноятларнинг реал жами содир қилган бўлиш ҳам мумкин. Бундай ҳолда қандай жазо тайинлаши керак? Ушбу камчиликни бартараф қилиш мақсадида 59-модданинг 1-қисмини қуйидаги тахрирда ифода қилиш таклиф қилинади.

“Шахс ушбу Кодекс Махсус қисмининг турли моддаларида ёки битта моддасининг турли қисмларида назарда тутилган икки ёки ундан ортиқ жиноятни содир этган бўлиб, шахс улардан бирортаси учун ҳам судланган бўлмаса, Ж. Кодекс 54-моддасининг қоидаларига мувофиқ ҳар қайси қилмиш учун алоҳида жазо тайинлаб, сўнгра тайинланган енгилроқ жазони оғирроғи билан қоплаш ёхуд тайинланган жазоларни тўла ёки қисман қўшиш йўли билан жазоларни жами бўйича узил-кесил жазо тайинлайди”.

13. Бир неча жиноятларнинг тушунчаси берилган Ж.К 33-моддасининг (жиноятлар мажмуи) номини ҳам “жиноятлар жами” деб номлаш таклиф қилинади. Чунки, жиноятлар мажмуи грамматик маъноси жиноятлар тўплами, деган тушунчани беради. Амалда жиноятлар тўплами бўлмайди, балки ҳар доим жиноятлар жамланади.

Юқорида келтирилган таклифларимизни қанчалик асосли эканлигини билиш мақсадида тадқиқот даврида суд ходимлари, адвокатлар, тергов органи ходимлари ва ҳуқуқшунос олимлар ўртасида сўровномалар ҳам ўтказиб кўрилди. Бу ҳолат бўйича қуйидаги натажалар олинди.

Жиноят кодексининг 54-моддаси 1-қисми “Суд содир этилган жиноят учун енгилроқ турдаги жазо тайинлаш орқали жазонинг мақсадига эришиб бўлмайди, деган хулосага келсагина оғирроқ турдаги жазо тайинлайди”, - деган қўшимча киритиш тўғрисидаги таклифимизга фақат бир киши бундай таклиф Жиноят-процессуал кодексига тегишли, шунинг учун уни ЖПКга киритилиши керак, деган фикрни берилди.

Анкета тарқатилган мутахассислардан фақат 1-киши манзил-колониясини алоҳида жазо тури сифатида “Озодликни чеклаш” номи билан Жиноят кодексининг 50-моддасидан чиқариб, 49¹-модда қилиб белгилаш тўғрисидаги таклифимиз, инсон ҳуқуқини чеклаш бўлиб қолади ва унинг муддати 3 йилдан ошмаслиги керак деган фикрни билдирган.

Ваҳоланки, манзил-колонияси амалдаги қонун мазунига кўра эҳтиётсизликдан содир қилинган жиноят учун ўн йилгача муддатга тайинланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 15-моддасининг 3-қисмида эҳтиётсизликдан содир этилган ва қонунда беш йилдан ортиқ муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси назарда тутилган жиноят унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киритилган ва унча оғир бўлмаган жиноят учун озодликдан маҳрум қилишга ҳукм қилинган шахслар бу жазони манзил-колониясида ўташи белгиланган. Масалан, Жиноят кодексининг 266-моддасининг 3-қисми санкциясида (одамлар ўлимига ёки бошқа оғир оқибатларга олиб келган автоҳалокатлар учун муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, ўн йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиш назарда тутилган. Бу жиноят (транспорт воситалари ҳаракати ёки улардан фойдаланиш хавфсизлиги қоидаларини бузиш) эҳтиётсизликдан содир этиладиган унча оғир бўлмаган жиноятлар туркумига киради.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар.

1. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1.-Т.: Ўзбекистон, 1996. – 368 б.
2. Каримов И.А. Биздан озод ва обод Ватан қолсин. Т.2. -Т.: Ўзбекистон, 1996. – 384 б.
3. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. - Т.: Ўзбекистон, 1996. – 368 б.
4. Каримов И.А. Бунёдкорлик йўлидан. Т.4. –Т.: Ўзбекистон, 1996. - 349 б.
5. Каримов И.А. Т.5. Янгича фикрлаш ва ишлаш – давр талаби. Т.5. - Т.: Ўзбекистон, 1997. – 384 б.
6. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. –Т.: Ўзбекистон, 1998. – 429 бет.
7. Каримов И.А. Биз келажагимизни ўз қўлимиз билан қурамыз.Т.7. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – 416 бет.
8. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. Т.8. – Т.: Ўзбекистон, 2000. – 528 бет.
9. Каримов И.А. Ватан равнақи учун ҳар биримиз масъулмиз. Т.9. –Т.: Ўзбекистон, 2001. – 432 б.
10. Каримов И.А. Хавфсизлик ва тинчлик учун курашмоқ керак. Т.10. –Т.: Ўзбекистон, 2002. – 432 б.
11. Каримов И.А. Биз танлаган йўл – демократик тараққиёт ва маърифий дунё билан ҳамкорлик йўли. Т.11. –Т.: Ўзбекистон, 2003. – 320 б.
12. Каримов И.А. Тинчлик ва хавфсизлигимиз ўз куч-қудратимизга, ҳамжиҳатлигимиз ва қатъий иродамизга боғлиқ. Т.12. –Т.: Ўзбекистон, 2004. – 400 б.
13. Каримов И.А. Ўзбек халқи ҳеч қачон, ҳеч кимга қарам бўлмайди. Т.13. – Т.: Ўзбекистон, 2005. – 448 б.
14. Каримов И.А. Инсон, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари – олий қадрият. Т.14. –Т.: Ўзбекистон, 2006. -280 б.
15. Каримов И.А. Жамиятимизни эркинлаштириш, ислохотларни чуқурлаштириш, маънавиятимизни юксалтириш ва халқимизнинг ҳаёт даражасини ошириш – барча ишларимизнинг мезони ва мақсадидир. Т.15. –Т.: Ўзбекистон, 2007. -294 б.
16. Каримов И. Юксак маънавият енгилмас куч. Тошкент: Маънавият, 2008.

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар.

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2004.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси. 1994 й., 22 сентябр. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., № 1, 1-м.)
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодекси. 1994 й., 22 сентябр. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., № 2, 4-м.)
4. Ўзбекистон республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс. 1994 й., 22 сентябр. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., № 3, 6-м.)
5. Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида . 1995 й., 30 август. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси № 9, 183-м.)
6. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-ижроия кодекси. 1997 й., 25 апрел. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 6)
7. Судлар тўғрисида (янги таҳрири). 2000 й., 14 декабр. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси 2001 й., № 1-2, 10-м.)
8. Прокуратура тўғрисида (янги таҳрири). 2001 й., 29 август. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси № 9-10, 168-м.)
9. Ўлим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2007й., 11 июль. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 6, 248-м.)
10. Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида. 2007й., 11 июль. (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, № 6, 249-м.)
11. Уголовный кодекс Республики Таджикистан. Душанбе, 1998. – С. 310-319.
12. Уголовный кодекс Российской Федерации М.: «Анфа – М – Норма» 1996.
13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 1 августдаги «Ўзбекистонда ўлим жазоси бекор қилиш тўғрисида»ги Фармони.
14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 8 августдаги «Қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрида»ги Фармони.
15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясини қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган чора-тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони. //Халқ сўзи, 2008 йил 1 май
16. Ўлим жазосини бекор қилиш ҳамда қамокқа олишга санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказишга оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тўплами: Расмий нашр

/Ўзбекистон Республикаси Олий суди, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ўзбекистон Республикаси Миллий хавфсизлик хизмати, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги. –Т.: Адолат, 2007.

17. Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленум қарори тўплами 1991-2006 йиллар. Т.II. Тошкент, Адолат, 2007. 232-233 бетлар.
18. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг 2006 йил 3 февралдаги «Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида»ги Пленум қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами, 2-том. Тошкент, Адолат, 2006.
19. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг «Ўзгалар мулкани ўғрилик, талончилик, босқинчилик йўли билан талон-тарож қилишлари юзасидан суд амалиёти тўғрисида»ги 1998 йил 28 декабрь қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. 1991-2006 йиллар Т.1. Тошкент, Адолат, 2006. – 220-224 бетлар.
20. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами. Том-2. Тошкент «Адолат» 2006 йил, 159-174, 225-242 бетлар.
21. Сборник Постановлений Пленума Верховного суда СССР, 1924-1986. М. 1987г.

III. Махсус адабиётлар

1. Абдурасулова Қ.Р. Фирибгарликни пора олиш-беришда воситачилик шилишдан фарқлаш масалалари. – Т.: 1995. -100 б.
2. Абдурасулова Қ.Р. Фирибгарлик ва алдаш йили билан кредит олиш жавобгарлиги. Мустақил Ўзбекистоннинг янги кодекслари: Назария ва амалиёт. -Т. Адолат, 1994.
3. Ахроров Б.Ж. Вояга етмаганлар жавобгарлиги. -Тошкент, А.Қодирий номли халқ мероси, 2001. – 52 б.
4. Абдусалимов М, Каракетов Ю. Ответственность за вымогательство. Ташкент, Адолат, 1997. -448 с.
5. Анденес И. Наказание и предупреждение преступлений (Перевод с Английского на русский язык М.В. Когана. **Под. Ред.** Никифорова Б.С.) - М.: Изд-во Прогресс. -263 с.
6. Бакунов П.Б. Жиноят ҳуқуқида бир неча ҳукмлар юзасидан жазо тайинлаш.-Т.: ТДЮИ, 2003. -44 б.
7. Бакунов П. Жиноят ҳуқуқида ўғрилик тушунчаси ва жиноят таркибининг таҳлили. –Т.: Адолат, 2001. 41 б.

8. Бакунов П.Б. Айб жиноят субъектив томонининг зарурий белгиси сифатида. –Т.: Адолат, 2006. -50 б.
9. Бакунов П. Усмоналиев М. Талончилик учун жавобгарликни либераллаштириш муаммолари. –Т.: ТДЮИ, 2005.
10. Блиндер Б., Либус и Ташметов К. Уголовно-правовые меры борьбы с извлечением нетрудовых доходов. –Т.: «Узбекистан», 1988. -110 с.
11. Бородин С.В. Борьба с преступностью: Теоретическая модель комплексной программы, – М.: Наука, 1990. -255 с.
12. Вопленко Н.Н. Официальное толкование норм права. –М.: Юридическая литература, 1976. -117 с.
13. Вояга етмаганларнинг жиноий жавобгарлиги. -Тошкент, 2001. -47 б.
14. Гюго В. Собр.соч. в 15 томах. Т 6. – М.: 1954.
15. Дубинин Н.П., Карпец И.И., Кудрявцев В.Н. Генетика, поведение, ответственность. – М.: Изд-во «Политической Литературы», 1989.
16. Кладков В.Ф. Назначение показания. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. – М.: «Юрист», 1999. -372 с.
17. Жиноят ижроя кодексига шарҳлар. –Тошкент, Адолат, 2007. -570 б.
18. Жиноят ҳуқуқи (Махсус қисм). Тошкент, Адолат, 2000.
19. Жиноят ижроия ҳуқуқи. Тошкент, Адолат, 2002. -202 б.
20. Жиноят ҳуқуқи Умумий қисм. Тошкент, Адолат, 1998.
21. Жиянов М.Х. Бир қанча жиноят содир этганлик учун жавобгарлик. Фарғона, 2002. -122 б.
22. Жиянов М.Х. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқида мураккаб, ягона жиноят тушунчаси ва турлари. -Наманган, 2005. -43 б.
23. Зарипов З.С., Қабулов Р. Квалификация краж, грабежей, разбоев совершенных путем проникновения в помещение или иное хранилище. Учебное пособие. -Т.: Академия МВД Республики Узбекистан, 1991.
24. Зокирова О. Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг шахси ва ҳуқуқларини жиноят-ҳуқуқий ҳимоя қилиш. Тошкент, Адолат, 1997. -117 б.
25. Зуфаров Р.А., Пинхасова Э.Б. Фуқароларнинг шахсий мулкни ўғрилаганлик ва талончилик қилганлик учун жиноий жавобгарлик (ўқув қўлланма). -Тошкент, 1992. -48 б.
26. Игошев К.Е. Типология личности преступника и мотивизация преступного поведения. - Горький, 1974. -158 с.

27. Каракетов Ю.М. Ответственность за разбой по уголовному законодательству Узбекской ССР. –Нукус, “Каракалпакстан», 1990. -162 с.
28. Комментарий к Уголовному кодексу Российской Федерации – М.: «Норма-Инфра - М», 2001.
29. Корпец И.И. Наказание: социальные, правовые и криминологические проблемы. –М.: «Юридическая литература», 1973.
30. Курс уголовного права. Т.2. - М.: «Зерцало», 2002.
31. Куринов Б.А. Научные основы квалификации преступлений. – М.: МГУ, 1984. -179 с.
32. Кузнецова Н., Вельцель Л. Уголовное право ФРГ. – М.: Издательство Московского Университета, 1980. -209 с.
33. Курс Уголовного право в 5 томах. Т.II. - М.: «Зерцало».
34. Курс советского уголовного права в 6 томах. Т.III. - М.: «Наука», 1970.
35. Кристи Н. Пределы наказания. – М.: «Прогресс», 1985. -174 с.
36. Курс советского Уголовного права в 6 томах. Т.IV. - М.: «Наука», 1970.
37. Лисов М.Д. Наказание и его применение за должностные преступления. Казан, Изд-во Казанского университета, 1977. -135 с.
38. Ляпунов Ю.И. Корыстные правонарушения нетерпимы. – М, «Советская Россия», 1989. -127 с.
39. Маликов В.П. Совокупность преступлений Казан, Изд-во Казанского Университета, 1974. -305 с.
40. Муқимова М.З. Бир неча жиноят содир этганлик учун жазо тайинлаш хусусиятлари. - Тошкент, «Адолат», 2005. -114 б.
41. Назначение наказания по совокупности. Красноярск, 1975. -271 с.
42. Организованная преступность. Под. ред. АИ. Долговой (проблемы, дискуссия, предложения), - М.: «Юридическая литература», 1989. -351 с.
43. Преступление и наказания в Англии, США, Франции, ФРГ, Японии. Общая часть уголовного права. -М.: Юридическая литература, 1991.
44. Рецидив жиноят тушунчаси ва рециди жиноят учун жавобгарликнинг хусусиятлари. - Тошкент, «Янги аср авлоди», 2001. -111 б.
45. Рустамбоев М.Х. Жиноят ҳуқуқи (Умумий қисм). Тошкент, «ZIYO», 2005. -407 б.
46. Рустамбоев М.Х. Уголовное право Республики Узбекистан. Особенная часть. – Ташкент, «Мир экономики и права», 2002.
47. Сыдыкова Л. Система и виды наказаний по уголовному праву Кыргызской Республики. -Бишкек, 1999. -294 с.
48. Советское уголовное право, Особенная часть. -М.: «Юридическая литература», 1988.

49. Соттиев И.А. Уюшган жиноятчиликка қарши курашишнинг ҳуқуқий воситалари (ўқув қўлланма). - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2005. -72 б.
50. Соттиев И.А. Ақромхўжаев Б. Ўзбекистон қонунларида либераллаштириш (ўқув қўлланма). – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2003. -27 б.
51. Тельнов П.Ф. Ответственность за соучастие в преступлении. – М.: «Юридическая литература», 1974. -207 с.
52. Тожиев Понятие и уголовно-правовые обстоятельств, смягчающих наказание. -Нукус, «Билим», 2000. -209 с.
53. Уголовное право Российской Федерации. Общая часть. – М.: «Юрист», 2001. -474 с.
54. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм. –Тошкент, «Янги аср авлоди», 2005.
55. Усмоналиев М., Каракетов И. Криминология. -Тошкент, «Янги аср авлоди», 2001. -446 бет.
56. Усмоналиев М. Ҳозирги замон жиноят ҳуқуқининг муаммолари. -Тошкент, ТДЮИ, 2006. -278 б.
57. Усмоналиев М. Жазо тайинлаш. -Тошкент, «Янги аср авлоди», 2003. -118 б.
58. Усмоналиев М., Бакунов П. Жазо тайинлашда жазони енгиллаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиш. -Тошкент, «Адолат», 2007. -54 б.
59. Усмоналиев М. Жиноят ҳуқуқида жазо тайинлашнинг умумий асослари. -Тошкент, «Адолат», 2001.-36 б.
60. Усмоналиев М. Ўзбекистон Республикасининг жиноят ҳуқуқида ахлоқ тузатиш ишлари. -Тошкент, ТДЮИ, 2003. -42 б.
61. Усмоналиев М. Судланганлик унинг ҳуқуқий оқибатлари ва либераллаштириш муоммолари. -Тошкент, «Янги аср авлоди», 2005. -58 б.
62. Уголовное право Общая часть. Курс лекции №15 (Уголовное право зарубежных государств. Разработка и реализация программы борьбы с преступностью за рубежом.) – М.: «Инфра-м-Норма», 1997. -172 с.
63. Уголовное право. Особенная часть. – М.: «Юрист», 1996.
64. Уголовный закон опыт теоретического моделирование. – М.: «Наука», 1987. -249 с.
65. Цветинович А.Л. Дополнительные показания. -Саратов, Изд-во Саратовского Университета, 1989. -175 с.
66. Шаргородский М.Д. Наказание его цели и эффективности. -Л.: ЛГУ, 1973.
67. Кабулов Р. Понятие хищения чужого имущества и его отграничение от сметных составов преступлений. –Ташкент, 1997. -133с.
68. Қодиров А. Жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар. –Тошкент, «Адолат», 1998. -116 б.

69. Хакимов И.Х. Правовые вопросы соучастия в хищении социалистического имущества. -Ташкент, «Фан», 1975. -212 с.
70. Якубов А.С. Теоретические проблемы формирования правовой основы учения о преступлении. -Ташкент, 1996. -169 с.

Илмий мақолалар

71. Абдумажидов Ғ.А., Абдурасулова Қ.Р. Правовой анализ организованной преступности и наркомания. // Научные труды Академии финансовой полиции. Вып 2. –Алматы, «Жеты жаргы», 2001. –С.144-147.
72. Абдурасулова Қ.Р. Коррупциянинг олдини олиш чоралари ҳақида //«Давлат ва жамиятнинг демократик янгилашиш босқичида суд ҳокимияти мустақиллигининг таъминланишининг долзарб муаммолари» илмий-амалий конференция материаллари. – Т.: 2002, -Б.266-269.
73. Абдурасулова Қ.Р. Либерализация Уголовного законодательства Республики Узбекистан – веление времени. //Материалы международной научно-теоретической конференции «Современные борьбы с преступностью», Алматы, 2003. –С.38-45
74. Абдурасулова Қ.Р. Жиноят содир этган аёлларга нисбатан жазони ыташ муаммолари. //Жиноий жазо ижро этиш: Муаммо ечимлари мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. Тошкент, 2006. -Б.4-6.
75. Аллабергенов А.П. Назначение наказания за хищения совершенные путём злоупотребления служебным. //Актуальные проблемы борьбы с преступностью. Сб. науч. труд. Ташкент, ТашГУ, 1983. –С.42-47.
76. Бакунов П.Б. Жазони енгиллаштирувчи ҳолатларда жазо тайинлашнинг айрим хусусиятлари. //Жиноий жазони ижро этиш: муаммо ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2006. –Б.32-37
77. Бакунов П.Б. Жиноят қонунида ўғрилиқ учун жазони одиллаштириш мезонлари. //Суд-ҳуқуқ ислоҳоти: Назария ва амалиёт. Конференция материаллари. -Тошкент, 2001. – Б.28-31.
78. Каракетов Ю.М., Усмоналиев М. Социал муҳит ва жиноятчилар шахсининг шаклланиши. //Ўзбекистон Республикаси қонунларини ривожлантириш масалалари ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда тадбиқ этилиши. -Тошкент, «Адолат», 1993. – Б.46-67
79. Каракетов Ю.М. Спорные вопросы ограничения разбоя от грабежа. //Актуальные проблемы борьбы с преступностью. Сб. науч. Труд. Ташкент, Таш ГУ, 1983. -С. 54-58.

80. Ниёзова Ш. Жазони ижро этиш муддати ўтиб кетганлиги муносабати билан жазодан озод қилиш. //Жиноий жазони ижро этиш: муаммо ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2006. –Б.64-67
81. Ниёзова С. Ўғрилиқ жинояти учун жавобгарлик масаласи //«Қонун ҳимоясида», -2003, - № 10. -Б.10-12
82. Одилқориев Х.Т., Тультеев И.Т. Жиноий-ҳуқуқий сиёсатни либреллаштириш: зарурат ва омиллар. //Ҳуқуқ-Право-Law, -2002, -№1. –Б.70
83. «Сельская новость» журналы, 1991, -№8. –С.40.
84. Ткаченко В.И. Насилие не опасное и опасное для жизни и здоровья, как уголовно-правовая категория. // Государство и право, № 12, 1999. – С.79-82.
7. Тохиров Ф.Т. Жабрланувчи ҳуқ-атворининг жиноят субъектига жазо тайинлашдаги аҳамияти. //Жиноий жазони ижро этиш: муаммо ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2006. –Б.37-41.
8. Холикулов У.Ш. Вояга етмаганларга жарима жазосини тайинлаш муаммолари. //Жиноий жазони ижро этиш: муаммо ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2006. –Б.41-45.
9. Усмоналиев М. Рецидив жиноятчиликнинг олдини олишнинг айрим масалалари. //Ўзбекистон Республикаси қонунларини ривожлантириш масалалари ва уларнинг жиноятчиликка қарши курашда татбиқ қилиш. -Тошкент, «Адолат», 1993. –Б.123-134.
10. Усмоналиев М. Жарима жазосини тайинлашда ҳисобга олиниши керак бўлган ҳолатлар. //Жиноий жазони ижро этиш: муаммо ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2006. –Б.30-32.
11. Қобулов Р. Особенности квалификации грабежа. //Экономика и статистика, 1997, № 7-8. –С.64-65.
12. Чубарев В.Л. Многоразовая преступная деятельность и уголовный закон. //Государство и право, -1992, -№ 12. –С.71-79.
13. Фозилов Д. Озодликдан маҳрум қилиш жазосини жиноий жазо тизимидаги ўрни ва уни ижро қилишдаги айрим масалалари. //Жиноий жазони ижро этиш: муаммо ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. -Тошкент, 2006. –Б.19-24.
14. Эрматов Р. Вояга етмаганларни жиноий жазодан озод қилишда шартли ҳукм қилишнинг аҳамияти. //Жиноий жазони ижро этиш: муаммо ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. -Тошкент, 2006. –Б.17-19.

15. Шодиев Ж., Эшмуродов Б. Жиноий жазони ижро этиш ва инсонийлик принципи. //Жиноий жазони ижро этиш: муаммо ва ечимлар мавзусидаги илмий-амалий анжуман материаллари. –Тошкент, 2006. –Б.70-74.

Диссертация авторефератлари

16. Абдурасулова Қ.Р. Аёллар жиноятчилигининг жиноят-хукукий ва криминологик муаммолари. //Юридик фанл. доктори дисс..... автореферати. -Тошкент, ТДЮИ, 2006. - 42 б.
17. Абдукодиров Ш.Ё. Қонунга хилоф тадбиркорликка шарши курашнинг жиноят-хукукий ва криминологик муаммолари. // Юридик фанл. номз. дисс..... автореферати. -Тошкент, ТДЮИ, 2007. -23 б.
18. Абдухолиқов М.А. Ответственность за вымогательство по Уголовному законодательству Республики Узбекистан. //Автореф. дисс. на соис канд. юрид. наук. - Ташкент, 1995. -21 с.
19. Муқимова М.З. Бир неча жиноят содир этганлик учун жавобгарликнинг хусусиятлари. // Юридик фанл. номз. дисс..... автореферати. -Тошкент 2005. -24 б.
20. Найимов С.С. Қилмишни жиноят-хукукий нормалар рақобатида квалификация қилишнинг назарий ва амалий масалалари. // Юридик фанл. номз. дисс..... автореферати. -Тошкент, 2007. -26 б.
21. Оладев Е.О. Квалификация хищений, совершаемых по подложным документам. //Автореф. дисс. на соис канд. юрид. наук. -Ташкент, 1995, -18 с.
22. Расулев А.К. Компьютерные преступления: уголовно-правовые и криминологические аспекты. //Автореф. дисс. на соис канд. юрид. наук. -Ташкент, 2006. – 27 с.
23. Юшкина М.В. Принципы гуманизма в уголовном, уголовно-исполнительном праве и уголовной политике и его реализации при назначении наказания. //Автореф. дисс. на соис канд. юрид. наук. -Тамбов, 2006. -22 с.
24. Эрматов Ғ.О. Расмий ҳужжатларни қалбакилаштириш ва улардан фойдаланишга қарши курашнинг жиноят-хукукий ва криминологик чоралари. // Юридик фанл. номз. дисс..... автореферати.-Тошкент, 2007. -25 б.
25. Холиқулов У.Ш. Ўзбекистон Республикаси қонунчилиги бўйича вояга етмаганларга жазо тайинлаш муаммолари. // Юридик фанл. номз. дисс..... автореферати. -Тошкент, 2006. -25 б.